

03
Р/13

С.С.САИДМУРАТОВ, Н.М.МАҲМУДОВ,
Қ.Н.АБИРҚУЛОВ, Қ.А.ДАДАБОЕВ

РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК




«МОЛИЯ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

С. С. САИДМУРАТОВ, Н. М. МАҲМУДОВ,
Қ. Н. АБИРҚУЛОВ, Қ. А. ДАДАБОЕВ

РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК



ТОШКЕНТ—«МОЛИЯ»—2002

**С. С. Сайдмуротов, Н. М. Маҳмудов, Қ. Н. Абиркулов,
Қ. А. Даабоев.** Ресурстежамкорлик. «Молия» нашриёти, 2002, 148 бет.

Ушбу ўқув қўлланма иқтисодиётнинг кўп тармоқларида ресурслардан оқилона, самарали фойдаланиш, уларни тежаш, ишлаб чиқаришда буюмлар сифимини камайтириш, ИТТ таъсирида самарадорликка эришиш изоҳланган. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий омилларда ресурстежамкорлик ёрқин ифодаланган.

Қўлланма иқтисодиёт ва бошқа соҳалар ихтисосликлари талабаларига, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ходимлари, малака ошириш институтлари тингловчиларига мўлжалланган.

Тақризчилар: т. ф.д., проф Салимов С. А.
и.ф.н. доц. Самадов А. Н.

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси,
«Молия» нашриёти. 2002 й.

КИРИШ

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётни интенсив ривожлантириш асосий талаблардандир. Бундай шароитда ҳар бир корхона, ташкилот, ўзининг мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиши зарур бўлади, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва уни такомиллаштириш бўйича яратилган илмий ишланма ҳамда; новаторлик натижаларини кўллаш ҳам ҳозиргى шароитнинг муҳим иқтисодий йўналишларидан ҳисобланади. Кучли рақобатга эга бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши бевосита маҳсулот таннархини камайтириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва маҳсулот сифатини яхшилашга боғлиқдир. Бу мақсадларга фақатгина янги илмий-техника ютуқлари асосида яратилган замонавий технологиялар, айниқса, чиқиндисиз технологиялардан фойдаланган ҳолдагина эришиш мумкин. Агар корхона ана шундай технологиялар билан жиҳозланган бўлса, у корхонада ишлаб чиқариш тез ривожлана бошлайди, унинг товарларига талаб ошиб боради ва корхона кучли рақобатда ғолиб чиқади. Қисқача қилиб айтганда, корхона жадал ривожлана бошлайди.

Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳақида Республика Президенти И. А. Каримовнинг 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилда республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишлиланган мажлисида сўзлаган нутқлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, Президентимизнинг қўйидаги сўзлари жуда муҳимдир: «Ҳеч шубҳасиз, эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида, аввало, барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳидә эътиборимизни қаратишга бизни бугун ҳайётнинг ўзи мажбур қилмоқда. Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда. Биз биринчи галда, табиатнинг бебаҳо неъмати-

халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ердан, сугориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри, асраб-авайлаб ва тежамкорлик билан фойдаланишимиз лозим».[3]

Ўзбекистон ва қўшни миңтақалар шароитида аҳолини сифатли иҷимлик сув билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув заҳираларининг, шу жумладан, ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиkanинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафла-ма инсон фаолияти таъсирига учрамоқда. Сугориладиган ҳудудларда сув табиатнинг бебаҳо инъомидир. Бугун сув заҳиралари жуда чекланган. Миңтақавий сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмuinи амалга ошириш зарурати билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини энг кам даражага келтириш мақсадида сугориш тармоғининг режими ва ўлчамларини сугориш техникаси билян мустаҳкам боғлашни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида Орол денгизи ҳавзасининг барча сув заҳираларидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда. Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва То-жикистон тоғларидан бошланади. Сув заҳираларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча Республикаларнинг ерларини сугориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан миңтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларига кўра, дарёлар дельталарида ва Орол денгизида мақбул ҳаётий шарт-шароитларни яратиш мақсадида бу ерларга сувнинг ўтишини таъминлаш зарур.

Тежамкорликни амалда кенг тадбиқ қилишнинг асосий шартларидан бири ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларидаги меъёрларини янада такомиллаштиришdir. Бу борада Илмий тадқиқот марказлари амалий талабларга тўғри баҳо бериб илмий жиҳатдан асосланган миқдорларга алоҳида эътибор бериши зарур ҳисобланади.

I БОБ. РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК ФАНИ

1.1. Фанинг предмети, усули ва моҳияти

Бозор маносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделига мувоғиқ кўп укладли иқтисодиёт ва укладлар синфини шакллантириш Ўзбекистон Республикасида И. А. Каримов раҳбарлигига олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланишида иқтисодиётнинг бу тармоқига ресурс маблағларини жалб қилиш муҳим муаммо ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда давлат молия ресурслари, хорижий кредит линиялари ва бошқа манбаларни қўллаган ҳолда, кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-куватлашнинг (маҳаллий шарт-шароитлар ҳамда, хорижда муваффақиятли амалга оширилаётган усул ва механизmlарни ҳисобга олган ҳолда) мажмуя тузилмаси шаклланмоқда. Аксарият эскириб, ўз вазифасини ўтаган қоидаларга қарама-қарши тарзда улар ўрнига янги иқтисодий қоидалар пайдо бўлди.

Мамлакат миқёсида хомашё ресурсларини тежаб юқори самардорликка эришиш учун ишлаб чиқаришда юқори унумдорлик билан ишлайдиган ускуналар ва технологик жараёнларни қўллаш зарур бўлади.

Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ресурс тежамкорлигига эришиш иқтисодиётнинг янги йўналтирилган ривожланиш услублари ва замонавий ишлаб чиқариш технологиясини амалда қўллаш хомашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш кўрсаткичлари билан белгиланади, булар ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутади. Хомашё ва материаллар, ҳамда ускуналарнинг ейилиши-эскириши чиқиндига чиқиш ва нобуд бўлиш даражаси ҳам уларда акс этиши лозим.

Хомашё материалларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) ишлаб чиқаришда ҳосил қилинган тайёр маҳсулот миқдори ёки шу хомашёдан қанчалик яроқли маҳсулот чиқиши, материаллардан фойдаланиш коэффициенти, сарф этиш коэффициенти;

2) фойдаланишда моторесурс, машина, механизмлар, уларнинг деталь ва узелларининг ишлаш муддати, шунингдек, конструкциясидаги ўлчовнинг физик бирлигига ифодаланган асосий материалларнинг ишлаш муддати.

Мазкур барча кўрсаткичлар режада белгиланган меъёрга мувофиқлик ва ҳисобот (ҳақиқий) кўрсаткичларига бўлинади. Хомашё дастлаб ишлатилганида - тайёр маҳсулот ҳосил қилиш кўрсаткичи ёки ишлатилаётган хомашёдан тайёр яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи кўлланилади.

1991 йил 1 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейин республикамизда мавжуд бўлган ва ноёб ҳисобланган моддий ва номоддий бойликларимизга катта эътибор берилабошланиб, улардан оқилона фойдаланиш асосий мақсад қилиб қўйилди[4].

Жамоа хўжалик юритишнинг янги усуllibарига ўтказилганда, масалан ижара пуррати асосида ишлатилаётган хўжаликларда 50% қишлоқ хўжалиги техникасининг ортиқчалиги маълум бўлди. Чунки, ишлатилаётган техника учун хўжаликлар даромади ҳисобидан ижара ҳақи тўлаши керак. Материал сарфини камайтиришнинг куйидаги йўллари мавжуд:

- ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг иккиласмчи ресурс ва чиқиңдиларидан фойдаланишни излуга кўшиш;
- маҳсулотларнинг конструкциясини ўзгартириш ва такомиллаштириш;
- энг мақбул бичиши карталарини қўллаш орқали материалларга кетадиган харажат меъёларини камайтириш;
- ишлаб чиқаришда бракка асло йўл қўймаслик ва ҳ.к.

Ўтган давр мобайнида қабул қилинган қўпгина фармон ва қарорларда моддий ва номоддий ресурсларнинг тежамкорлигини кучайтириш, ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежабтергаб сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга сабот билан эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияга ўтиш, ишлаб чиқаришнинг иккиласмчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш кувватларини ривожлантириш, иккиласмчи хомашёни тўплаш, шунингдек, бу ишни оқилона таш-

кил қилиш ва тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Лекин халқ хўжалигининг турли тармоқларида содир бўлаётган нобудгарчиликка жуда ҳам кўп мисоллар келтириш мумкин. Мисол учун 1000 куб м. ёғочдан 27,5 т. қоғоз ишлаб чиқарилади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Европа мамлакатларида, хусусан, Финландияда 167 т.ни, Швецияда эса 137 т.ни ташкил этади. Йилига 4 юз минг куб метр ёғоч тайёрланиб, шундан фақат икки юз минг куб м. истеъмолчиларга етиб келади. Ҳар ўн гиштдан фақат 4 донаси деворга қўйилади[4;5].

Ҳозирги кунда дунёда ҳеч қайси давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам бошқалардан ажralган худуд эмас. Бундай давлатлар жаҳон хўжалик алоқаларининг муайян жуғрофий ва сиёсий тизимлари таркибиغا киради. Ҳозирги кунда мамлакатимиз моддий ва номоддий салоҳияти жиҳатдан жаҳон харитасидаги давлатлар билан солиштирилганда ўзаро катта фарқни кўриш мумкин. Дунёда, Ўзбекистон каби ер ости ва ер усти қазилма бойликларига эга давлатлар кўп эмас, аммо бу бойликларнинг кўпи ҳали ишга солинмаган. Бу эса бутун дунёга машҳур чет эл компаниялари ва банкларининг эътиборини ўзига жалб этиши аниқ. Чет эл давлатларининг илфор холдинг ва компаниялари Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият олиб бориб, ёрдам берибина қолмай, балки ўз маблагларини янада ёргтирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз ер ости бойликлари билан фаҳрланади - бу ерда машҳур «Менделеев» даврий тузилмасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирги кунга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдалари қазилма конлари ва маъданлар, минераллар намоён бўлган, истиқболли, келажаги норлек конлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал ҳомашё турларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунга келиб, шулардан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб қилинган[3].

Ўзбекистон Республикаси сингари улкан моддий ер ости ва ер усти қазилма бойликларига эга бўлган давлатлар дунё харитасида саноқлидир. Ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш эса ўз навбатида иқтисодиётни ислоҳ қилишда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси заминида ниҳоятда муҳим стратегик манбалар ҳисобланган - нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металлар бўйича 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва

радиактив металлар бўйича - 40 та, кимё хомашёси бўйича 15 та кон аниқланган[7].

Моддий ресурслар: асосий ва иккиламчи ресурсларга бўлинади.

Асосий ресурслар – ҳали қазиб олинмаган ёки уларга ишлов берилмаган хомашёлардан иборат бўлган ресурслар ҳисобланади.

Иккиламчи ресурслар – қайта ишлов бериш жараёнида ҳосил қилинган чиқинди, маҳсулотлар, хомашё ва бошқалар, яъни ҳали қайта ишловлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқиш имкони бўлган ресурс манбаларидан иборатdir.

Табиий ресурслар – ер ости ва ер усти қазилма бойликларидан ташкил топган хомашё заҳиралари, ҳамда куёш нури, шамол, сув ва ҳ.к.

Ёқилғи энергетика ресурслари – ер ости қазилма бойликларидан – нефть, газ, кўмир, фтор кабилар, шунингдек күёш, шамол, сув, атом энергияси. Умумий қилиб айтганда энергия олиш имкони бўлган ҳар қандай манбани, яъни ресурсларни ёқилғи энергетика ресурсларига киритса бўлади.

Молиявий ресурслар – капитал заҳиралар, пул, қимматбаҳо қоғозлар, кредит маблағлари, давлатнинг олтин заҳираси ва умумий қилиб айтадиган бўлсақ, охирги мақсади, қайта ишлаш, иш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа йўллар билан молиялаштириш оқибатида фойда олиниши мумкин бўлган молия заҳиралари киради.

Меҳнат ресурслари – Ўзбекистон Республикаси амалий қонунчилигига мавжуд бўлган қонун ва қоидаларга асосан меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлган аҳоли киради. Республикаиз ҳозирги кунда жуда катта меҳнат ресурсларига эга. Улардан оқилона фойдаланишни ҳаёт тақозо этади.

Вақт ресурслари – турли хизматлар кўрсатиш учун, маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вақт чегаралари (сония, дақиқа, соат, сутка ва ҳ.к) тушинилади ва бу ўнумли ишлашни тақозо этади.

Информация ресурслари – маълум турдаги ахборот, маълумотлар, телерадио, коммуникация ва ҳ.к.лар билан боғлиқ бўлган ресурслар киради. Бунда логистика тизимини кўллаш, яъни материаллар оқими билан информациялар оқими интеграцияси натижасида юкни мўлжалга кам харажат билан ўз вақтида етказиб бериш демакдир.

Албатта, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, кўрсатилаётган хизмат тури, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот барчасида таннархнинг ўрни каттадир.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ёки хизмат кўрсатиш таннархининг минимал даражасини ўрнатиш учун, албатта кўрсатилаётган хизмат тури ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хомашё базаси, ресурслар таъминоти ва бошка зарурий ресурсларни иқтисод қилиб, яни улардан тежаб - тергаб оқилона фойдаланишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида хомашё ва материаллар сарфини камайтиришни тақозо қиласи. Хомашё ва материаллар сарфини камайтириш йўллари кўйидагича бўлади:

- ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;
- энг мақбул бичиши карталарини кўллаш орқали материалларга кетадиган харажат меъёрларини камайтириш;
- маҳсулотларнинг конструкциясини ўзгартириш ва тақомиллаштириш;
- ишлаб чиқаришда бракка асло йўл кўймаслик;
- ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқинлиларидан фойдаланишни йўлга кўйиш ва ҳ.к.

Юқоридаги каби шартлар асосида моддий-техника базасини янгилаган ҳолда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш уларни иқтисод қилиш имкониятига эга бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзиши ўз навбатида меҳнат ашёларининг ортишига олиб келади. Агар ҳалқ хўжалигининг айрим тармоқларида (енгил ва озиқ-овқат саноати) моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатларида тутган салмоғи 80 %ни ташкил этишини назарда тутсақ, у ҳолда маҳсулот учун материал сарфини камайтиришнинг ҳалқ хўжалигида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз.

Кейинги вақтларда қабул қилинган кўпгина қарорларда тежамкорликни кучайтириш, ҳамма турдаги ресурслардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтиришга сабот билан эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияга ўтиш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш кувватларини ривожлантириш, иккиламчи хомашёни тўплаш, шунингдек, бу ишни оқилона ташкил қилиш ва тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Бироқ ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида содир

бўлаётган хўжасизлик, нобудгарчиларга кўпгина мисоллар келтириш мумкин.

— Ишлаб чиқаришда материалларни режа доирасида тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш учун имконият яратади. Агар материаллардан оқилона, уларнинг сарфи меъёрга нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда тайёрланган материаллар маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш учун етмайди.

Шундай қилиб, таҳлил қилиш орқали материаллардан фойдаланишда ортиқча сарф-харажат бўлган бўлса, у ҳолда қанчакам маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш керак. Буларни ҳисоблаш усуслари қўйидагича:

1. Маҳсулот бирлиги учун белгиланган харажат меъёри материалларга кетган ҳақиқий харажатлар билан таққосланади.

2. Олинган фойда ёки ортиқча харажат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдорига кўпайтирилади.

3. Материалларни сарф этишда содир бўлган ортиқча харажат режа бўйича белгиланган харажат меъёрига бўлинади.

Шу таріқа тежаш натижасида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки ортиқча харажат оқибатида ишлаб чиқарилмаган маҳсулот ҳажми аниқланади. Таҳлил қилиш учун маҳсулот турлари таннархи (калькуляцияси)да берилади.

Инсоният, XXI асрга келиб, унинг келажагини таҳлика остига кўяётган катта умумбашарий (глобал) муаммолар қаршисида эсан-кираб қолди. Инсоният ўз тараққиётининг кейинги аспи мобайнида жуда такомиллашган, курдатли меҳнат қуролларини яратиб, улар ёрдамида табиий мұхитга жуда кенг миқёсда таъсир эта бошлади. Оқибатда инсоният ўз фаолияти орқали табиий мұхитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда инсониятга хавф солиб турган жаҳоншумул (глобал) муаммолар деганда, инсониятни ўз ичига қамраб олган ва уни барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларни тушунамиз. Бундай муаммоларни шартли равишда З гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, синфлар, миллий низолар бўлиб, буларни шартли равишда, интерижтимоий муаммолар деб ҳисобланиб, бевосита мазкур муаммолар асосида эса уруш ва тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий суръат, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва бошқа шу қаби муаммоларни ўз ичига олади.

2. Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ муаммолар бўлиб буларга, илмий техника тараққиёти, маориф ва маданият, аҳоли кўпайишининг тез сұрратлар билан ўсиши каби ва инсониятнинг яқин келажаги масалаларини киритиш мумкин.

3. Инсон-табиат муносабатлари сарасига кирадиган (хусусан, хомашё ресурсларини тежаш муаммоси, аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан тъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.) каби муаммолар қиради.

Давримизнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг суръатини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан ҳисобланган энергияни истеъмол қилиш кўлами муттасил ўсиб бораётганлигидандир. Айрим башоратларга кўра жаҳон иқтисодиёти ҳозирги суръатда давом этадиган бўлса, дунё ҳўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш учун XXI асрнинг дастлабки босқичида йилига 20 млрд. т. ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилга бориб, 35-40 млрд. т., XXI аср охирига бориб 80-85 млрд. т.ни ташкил этиш мумкин[5].

Ёқилғининг органик моддалардан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалари (ГЭС, АЭС, шамол, қуёш энергиясидан фойдаланиш) дан олинадиган энергия миқдорини муттасил ошириб бориш ҳисобигагина вужудга келаётган муаммонинг ечимини топиш мумкин.

1.2. Ер ости қазилма бойликлари ва моддий ресурсларнинг тежамкорлиги

Заминимиз қиматбаҳо минерал хомашё ресурсларига бойлиги халқ ҳўжалигининг ички тузилиши тубдан ўзгартириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини тъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга имкон беради. Мустақиллик шароитида ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий ресурслар, кўп авлодларнинг меҳнати билан барпо этилган иқтисодий, илмий техникавий имкониятлар ва ақл-зиё салоҳияти миллий бойликка айланиб, одамлар фаровонлигининг гарови ва ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлиб қолди.

Ўзбекистон заминида улкан ва жуда ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минериал хомашё ресурслари тўплланган. Ҳозиргача республикада миниреал хомашёларнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минериал хомашёларнинг 700

та кони мавжудлигини англатади. Амалда, Менделеев жадвалидаги ҳамма элементлар республикамизда бор. 370 та кон ишлаб турибди, уларда бир йил ичида қазиб олинаётган тоф жинслари ҳажми 200 миллион т.дан ошади.

Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсанти заҳираларининг деярли 74%, нефтнинг 31%, табиий газнинг 40% ва кўмирнинг 55% Ўзбекистон улушкига тўғри келади. Табиий газнинг аниқланган заҳиралари деярли икки триллион куб метрни, кўмир 2 млрд. т.дан кўпроқни, нефть 350 млн. т.ни ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида учинчى ўринда туради [7] ва жаҳондаги газ қазиб чиқарувчи 10 та энг йирик мамлакат қаторига киради. Табиий газ асосий энергетика ресурси бўлиб қолмай, шу билан бирга нафақат республика эҳтиёжи учун, балки чет мамлакатларга сотиш учун ҳам минериал ўғитлар, синтетик тола ва иплар, полипропилен, полистирол ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қимматли хомашёдир. Ўрга Осиёдаги гидроэнергетика манбаларининг ва улардан фойдаланишининг техникавий имконияти бўлган гидроэнергетика ресурсларининг 14%, амалда фойдаланилаётган гидроэнергетика ресурсларининг 21% Ўзбекистонга тўғри келади. Шуни ҳам айтиш керакки, республиканинг гидроэнергетика икониятларидан ҳали ҳам етарлича фойдаланилаётгани йўқ. Ўзбекистоннинг ёқиғи-энергетика мажмуи унинг энергетика ресурсларига доим ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлабгина қолмайди. Ўзбекистон кўп вақтдан бўён бошқа минтақаларга табиий газ етказиб бермоқда. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш кувватларини оширишга ҳам имкон беради.

Хозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон иқтисодиётида минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. У саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Қидириб топилганд заҳиралар негизида 400 га яқин кон, шахта, нефть-газ конлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасида ишга солинаётган фойдали қазилма конлари МДҲ даги бошқа мамлакатларницидан ўзининг жуда катта заҳиралари билангина эмас, балки бир қатор хусусиятлари билан ҳам ажralиб туради. Бу хусусиятлардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, табиий ва минерал-хомашё заҳиралари йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёт ҳар томонлама қайта ишлаш имконияти бор;

Иккинчидан, фойдали қазилмаларнинг кўпгина турлари таркибидаги фойдали компонентлар юқори даражада бўлибгина қолмай, катта миқдорда йўлдош элементларга ҳам эга.

Учинчидан, конларнинг кўпчилигида очиқ усулда ишлаш мумкин, рудаларни бойитиш технологияси ҳам нисбатан оддий. Бу технология фойдали компонентларни кўп миқдорда чиқаришни ва жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот олишина таъминлайди.

Тўртинчидан, кўпгина фойдали қазилмалар конлари яхши ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган минтақаларда жойлашган. Улар транспорт йўлларига ва худудлар ўртасида ресурсларни ташиш воситаларига, шу жумладан, суюқ ва газ ҳолатидаги фойдали қазилмалар учун кувур транспортига эга.

Бешинчидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, малакали кадрлар, тоғ-кон мутахассисларини тайёрлайдиган олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари тизими мавжуд.

Стратегик аҳамиятга молик ресурслар қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон ноёб ёқилғи энергетика ресурсларга эга. 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд. Нефть, газ ва конденсат заҳиралари ўз эҳтиёжларимизни тўла таъминлабгина қолмай, шу билан бирга энергия манбаларини экспорт қилиш имконини ҳам бериб, капитал маблағ сарфлашнинг энг фойдали соҳаларидан бири ҳисобланади. Мутахассислар баҳолашибча, Ўзбекистоннинг ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика худудининг қарийиб 60 фоизида уларни истиқболда қазиб олиш мумкин.

Нефть ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақани ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: Устюрт, Бухоро - Хива, Жануби-Фарбий Хисор, Сурхондарё, Фарғона минтақалариридир. Нефть ва газ ресурсларининг заҳиралари бир трлн. АҚШ долларидан зиёд баҳоланмоқда. Қидириб топилгандар заҳиралар республика эҳтиёжини табиий газ буйича 35 йилдан кўпроқ, нефть буйича эса - 30 йилгача қоплайди. Нефтнинг 90 фоизидан ортиқроғи энг арzon фаввора усулида олинмоқда.

1992 йилда Наманган вилоятида истиқболли Мингбулоқ нефть кони очилди. Уни саноат усулида ишлатиш

Ўзбекистоннинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш имконини беради.

Яна бир нарса алоҳида эътиборга лойик. Ўзбекистоннинг нефть ва газ конлари бир қанча кўрсаткичлар, чунончи, кудукларнинг маҳсулдорлиги, қазиб олиш таннархи бўйича қўшни миintaқаларнинг конларидан сезиларли даражада ажралиб туради. Бу эса уларда самарали ишлашга ва юқори фойда олишга умид боғлаш имконини беради. Шу билан бирга, ана шу нефть заҳираларини қазиб олишга сарфланадиган кўшимча харажалар унча кўп бўлмайди, чунки нефтни қазиб олиш, тайёрлаш ва ташиш учун инфратузилма барпо этиш зарурати йўқолади.

Яна бир хусусият шуки, Ўзбекистондаги нефть заҳираларининг олингандлик даражаси бор-йўғи 32 %ни ташкил этади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Туркманистонда 61 %га, Қирғизистонда 41 %га, Тожикистонда 60 %га тенг. Табиий газ бўйича ҳам аҳвол шундай[7,9].

Ўзбекистоннинг нефть ва газ қазиб чиқариладиган миintaқаларида ривожланган инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олганда, мазкур омиллар уларни ривожлантириш ва инвестициялар қўйиш учун қулайдир. Республика газ қазиб чиқаришсаноатини ҳамда табиий газни ва газ конденсатини қайта ишлаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта умид боғламоқда.

Энг йирик газ конлари Жанубий-Фарбий Хисор ва Бухоро-Хива нефть ва газли миintaқаларида жойлашган бўлиб, булар Шуртан ва Муборак гурӯҳларига кирувчи конлардир. Қазиб олинаётган газлар таркибида этан, пропан, бутан ва бошқа компонентлар мавжуд бўлиб, улар полимер материаллар — полизтилен, поливинилхлорид ва бошқа моддаларни олиш учун яроқлидир. Бундан ташқари, Шуртан газкимё комплексидан олинаётган пропандан нитрил-акрил кислота олиб, ундан нитрон толаси ишлаб чиқариш мумкин.

Газни ва газ конденсатини қайта ишлаш бўйича ишлаб турган ва лойиҳалаштирилаётган обьектларнинг ҳаммасида олтин-гугуртли бирималардан фойдаланиш назарда тутилган. Кейинги йилда Ўзбекистонда нефть ва газ тармоқи илдам ривожланади. Республика худудида иккита нефтни қайта ишлайдиган (Фарғона ва Олтиариқ) ҳамда, иккита газни қайта ишлайдиган (Шуртан ва Муборак) заводлари ишлаб турибди. Улар хилма-хил нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Мусхил нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

тақиғаттың йилларида республикада янги маҳсулот турлари – бензин, суюлтирилган газ ва бошқаларни олиш ўзлаштирилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ республика хом нефтни ва нефть маҳсулотларининг кўпгина турларини четдан келтиришдан воз кечди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилганидан кейин эса республиканинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилишни анча кенгайтириш имконига ҳам эга бўлинади.

Ўзбекистон катта кўмир заҳираларига эга. Унинг геологик заҳиралари бўйича Марказий Осиёда иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда кўмир Ангрен ва Бойсун конларидан қазиб чиқарилади:

Улар орасида Ангрен кўмир кони энг ноёб ҳисобланади. Бу ерда кўмир заҳиралари илфор ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ усуllibар билан: 150–250 метр чуқурликдаги кўмир қатламларини очиқ усулда, ер ости усулида ва ер остида газга айлантириш усулида қазиб олинмоқда. Бунда чиқитсиз технологиядан фойдаланилмоқда.

Кўмир билан бирга жуда қимматбаҳо минерал хом ашё заҳиралари: каолинлар, оҳактошлар, кварц кумлар, тош қотишмалар ва кам учрайдиган бошқа элементлар ҳам қазиб олинмоқда. Улар ҳозирги ишлаб чиқаришларнинг кўпгина турларини ривожлантириш учун кучли хомашё базаси бўлиб хизмат қиласиди.

1. Каолин саноат усулида ўзлаштириш учун ғоят катта қизиқиши туғдиради. Ангрен каолинидан саноатнинг кўпгина тармоқларида глинозём (алюминий оксиди) ва алюминий, ўтга чидамли материаллар, керамик қопламалар, пардозлаш ва метлах плиткалари, чинни ва фаянс электр изоляторлар, дренаж ва канализация кувурлари, қофоз саноатида ишлатиладиган тўлдиригич, оқ ва рангли цемент, ўта пишиқ фишт каби маҳсулотларни тайёрлаш учун хомашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Яхши хомашё, обод жой, бўш ер, сув, ишчи куч ресурслари, электр ва иссиқлиқ энергияси, туташтирувчи станциялари бўлган темир йўллар, халқаро аэропортнинг мавжудлиги майдаланган ва бойитилган каолин ишлаб чиқарадиган саноат мажмуасини барпо этиш учун ишончли истиқболларни таъминлаб беради. Биринчи босқичда бойитилган каолин ва глинозём ишлаб чиқарадиган завод қуриш назарда тутилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сарфланадиган маблағ

юқори даражада самара келтиради ва улар тегишли суръатда 4-7 йилда қопланади.

2. Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металлар заҳираларига эга бўлган давлатлар жумласига киради.

Ҳозирги вақтда 40 та қимматбаҳо металл конлари қидириб топилган. Олтиннинг асосий заҳиралари олтин конларининг ўзида Марказий Қизилқумда жойлашган бўлиб, тасдиқланган заҳиралар бўйича республикани дунёда тўртинчи ўринга олиб чиқади.

Мурунтов кони дунёдаги йирик конлар жумласига киради. У Евроосиё қитъасидаги руда таркибида олтин юқори даражада бўлган энг йирик кондир. Мурунтов конининг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида олтин соҳасида қилинган энг катта кашфиёт деб эътироф этилди. Мурунтов кони — жуда катта манба бўлиб, ундан ҳар йили миллионлаб куб метр кон тупроғи қазиб олинади. Ундан дунёдаги энг сифатли олтин олиш мумкин. Бу ҳолнинг ўзиёқ дунёнинг олтин қазиб оловчи саноати учун ноёб намунаидир.

Олтин тозалашда аффинаж (энг соғ металл олиш) жараёнининг замонавий технологияси жорий этилган. Бу технология бир қатор «ноу-хау»ни ўз ичига олади. Натижада олий товар кўринишга эга бўлган, софлик даражаси «тўртта тўққиз»га тенг асл олтин олинмоқда. Ана шу олтин Ўзбекистонга кўплаб халқаро совринлар келтирди.

Кўп йиллар фойдаланиш натижасида Мурунтов конининг четида катта ҳажмда минераллашган уюмлар ажратилган ва тўплаб қўйилган эди. Унинг таркиbidаги олтин миқдорини олиш имкони йўқ эди. Бугунги кунда ана шу минераллашган уюмлар Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси иштирокида энг янги технологиялар жалб этилиб, қайта ишланмоқда. Сўнгги йилларда инфратузилма яхши ривожланган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди ва қидириб топилди. Дунёнинг энг йирик олтин рудали вилояти бўлган Қизилқумда Мурунтовдан ташқари Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Аристонтов, Тўрбой ва бошқа янги конлар аниқланиб, ўрганилмоқда[4,7].

Қизилқум барча олтин конларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, руданинг таркибида олтин кўп миқдорда бўлиб, у очиқ усулда қазиб олинади. Мухандислик тармоқлари, ком-

муникациялар (сув, газ, электр энергияси, темир йўл ва автомобиль йўллари) мавжуд.

Республикада кумуш конлари ҳам бўлиб, булар Навоий вилоятидаги Високовольтное, Ўқжетпес, Космонавтчи конлари ва Наманган вилоятидаги Оқтепа конидир. Тасдиқланган заҳираларнинг катта қисми олтин ва мис-порфир конлариидир. Оқтепа кони кумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли бўлиб, чет эл инвестицияларини ўзига жалб этадиган кондир.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металлар билан бир қаторда уран ҳам ишлаб чиқарилади. Унинг учун йирик минерал хомашё базаси барпо этилган. Аниқланган уран заҳиралари 50 - 60 йил мобайнида қазиб олишга етади.

Уран билан йўл-йўлакай рений, скандий, лантаноидлар ва бошқалар ҳам қазиб олинмоқда. Мазкур элементларнинг аксарияти маълум даражада эритмага ўтади. Бинобарин, уларни ажратиб олиш технологиясини жорий этиш конларни ишлаш самародорлигини анча ошириш имконини берган бўлур эди.

3. Ўзбекистон рангли металлар — мис, қўрошин, рух, вольфрам ва шу гурухга киравчى бошқа металларнинг аниқланган заҳираларига эга.

Мис рудалари билан бирга рангли металларнинг 15 дан ортиқ тури, чунончи, олтин, кумуш, молибден, кадмий, индий, теллур, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар ҳам қазиб олинади. Бу эса конларнинг самарали ишлашини таъминлайди. Ишлаб турган конлар мис ва унга йўлдош металларни 40-50 йил, рух ва қўрошинни 100 йилдан кўпроқ вақт қазиб олишни таъминлайди.

Рангли металлар, рудаларнинг заҳиралари асосан Олмалиқ руда майдонида жамланган. Калмакир кони ноёб конлардан бўлиб, у мис, молибден рудаларини қазиб чиқариш бўйича чет элдагилардан анча устун туради. Бу коннинг рудасини Олмалиқ кон-металлургия комбинати қайта ишлайди. Комбинат Ўзбекистондаги энг йирик корхоналардан биридир.

Бундан ташқари, истиқболли Дальнее мис кони топилган. Унинг мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва олтингугурт заҳиралари катта. Бу конда чет эл сармояси иштирокида мис қазиб чиқарадиган ва йўлдош металларни ажратиб оладиган ишлаб чиқаришлар қурилишини амалга ошириш янги бойитиш фабрикаси қуришни талаб қиласди. Бу фабрикани руда хомашёси билан таъминлаш икки юз йилга мўлжалланган.

Мазкур кон қидириб топилган заҳиралари, қазиб олишнинг таннахти, фойдали қазилмаларнинг ажратиб олиниши жиҳатидан МДҲ мамлакатлари орасида тенги йўқдир. Кўрғошин, рух, асосан Жиззах вилоятининг Учқулоч ва Сурхондарё вилоятининг Хондиёза конларида жамланган. Хондизадаги конда кўрғошин ва рух билан бирга мис, кумуш, кадмий, селен, олтин ва индий бор. Халқаро бозорда бу металларнинг мавқеи ошган сари Ўзбекистонда уларни қазиб чиқаришни кенгайтириш мумкин.

Ишлаб турган корхоналарни техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш учун оз миқдорда инвестиция сарфлаб, мис рудаларини қайта ишлаш чоғида ажратиб олинадиган нодир metallarning олий русумини олиш имкони мавжуд. Уларнинг таркибида асосий металл 99,99, %ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор нодир ва тарқоқ ҳолда учрайдиган металларни ажратиб олиш ҳамда ишлаб чиқариш учун ишончли хомашиб базасига эга. Уларнинг бир қисми, масалан, литий, мустақил конларда жамланган, бошқаларини мис, полиметаллар, уран ва бошқа фойдали қазилмалар конларидан йўлдош моддалар сифатида ажратиб олиш мумкин. Селен ва теллурдан асосан ярим ўтказгичлар, қуёш батареялари, термогенераторлар, пўлат, шишанинг маҳсус навларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ўзбекистон ренийнинг ноёб заҳираларига эга. У Олмалиқ конларидаги мис рудалари билан боғлиқ. Молибден концентратидаги ренийнинг миқдори жиҳатидан бу рудалар жаҳон амалиётида тенгсиздир. Саноатда ренийдан авиаация ва космик техника учун ўтга чидамли қотищмалар, электрон ускуналар, нефти парчалаш учун катализаторлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Жаҳонда осмий изотоплари оиласида осмий-187 бор-йўғи 1,6 %ни ташкил этадиган табиий манбалар (Африка, Швейцария, Россияда) мавжуд. Айни вақтда Ўзбекистон конларидаги таркибида рений бўлган мис, молибден рудаларида барқарор изотопнинг фоиз миқдори анча юқори. Осмий маҳсулотини саноат усулида олишнинг мақсаддага мувофиқлиги шу билан асосланадики, бирламчи хомашёнинг катта заҳиралари мавжуд бўлиб, улар Норильск конидагидан 3 бара-вар ортиқдир.

Ер юзида кам ва тарқоқ ҳолда учрайдиган metallarning ноёблигини, улардан фойдаланиш доираси кенглигини ҳисобга олганда чет эллик инвесторларни жалб этиб, бир қатор қўшма

корхоналар барпо этиш учун жуда катта имкониятлар ва истиқболлар очилмоқда.

4. Республикада 20 та мармар, 15 та гранит ва габбро кони борлиги аниқланган. Оқ рангдан то қора рангтагача хилма-хил безакбоб тошлар олинадиган кўплаб конлар ноёб табиий омборлар бўлиб, улар бутун Евросиё зонасидаги энг йирик конлардир.

Коплама тошларнинг умумий заҳиралари 85 млн. кубометрдан ортиб кетади. Улар тошни қайта ишлайдиган корхоналарни юз йиллар давомида хомащё билан таъминлайди. Ана шундай қудратли хомащё базасига эга бўлган Ўзбекистон тошни қайта ишлаш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчилардан биридир. Айни вақтда Ўзбекистонда олинадиган табиий безакбоб тошларнинг ажойиб хусусиятларидан ҳозирги курилишларда янада кенгроқ кўламда фойдаланиш, мармар ва гранит маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти бор. Коммуникация ва мухандислик тармоқларига эга бўлган Фозгон, Нурута ва Зарбанд конларида мармар блокларни ҳозирги замон технологияси асосида қазиб олувчи корхоналарни чет эллик шериклар иштирокида барпо этиш лойҳалари мавжуд. Ҳисобкитобларга қараганда, лойиҳалар 2 йил атрофида ўзини оқлади[3].

5. Республика фосфоритларга бой. Жерой Сардара фосфоритлар конидаги Марокаш турига мансуб зарра донадор фосфоритларнинг аниқланган заҳираси тахминан 100 млн. т.ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Қизилқум фосфорит комбинати курилмоқда. Унда 2,7 млн.т. фосфорит концентрати олинади[4].

Бундан ташқари, Марказий Қизилкумдаги Қорақат конида дастлабки қидирув ишлари олиб борилди ва Шимолий Жетитов кони ҳам аниқланди. Геологларнинг айтишича, фосфоритларнинг тахминий заҳиралари чексиздир. Фосфоритларнинг ҳўжалик айланмасига жалб этилиш сабаби шуки, Ўзбекистонда фосфат ўғитлар аммофос ва аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарадиган жуда катта корхоналар барпо этилган. Шу билан бирга аниқланган заҳиралари 300 млн. т.га яқин бўлган фосфат конларидан амалда фойдаланилмаётir.

Экспорт учун фосфат ўғитлари ишлаб чиқариш имкониятларини кўпайтириш мақсадида ва катта миқдорда фосфорит заҳиралари мавжудлигини ҳисобга олганда, Қорақат ва Шимолий Жетитов фосфорит конлари негизида чет эллик инвестор-

лар иштирокида уларни бойитиш корхоналарини ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

6. Ўзбекистонда жуда катта калий туз конлари мавжуд бўлиб, булар Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхондарё вилоятидаги Хўжайон конлариидир. Тахминий ҳисобларга қараганда, калий тузлари кони негизида чет эллик инвесторлар иштирокида калий ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш назарда туғилмоқда. Тузларни ҳар томонлама қайта ишлаш бромли темир, магнезит, гипс ва бошқа материилларни йўл-йўлакай олиш имконини беради.

7. Республика тоштуз конларига ҳам бой. Аниқланган 5 та тоштуз кони Хўжайон, Тубакат, Борса келмас, Бойбичакон ва Оқ қалъя конларида тахминан 90 млрд. т. хомашё бор. Ҳозирги вақтда Борса келмас конининг тузларидан кальций ва каустик сода ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланиш кўзда туғилмоқда. Ана шу мақсадда Кўнғиротда кимёвий усулда кальций ва қаустик сода ишлаб чиқариладиган сода заводи курилиши бошланади.

Минерал хомашё базасининг ҳозирги ҳолати ишлаб турган кон ва қайта ишлаш корхоналари қувватларини таъминлаб туриш имконини беради. Шу билан бирга у олтин, кумуш, мис, каолин, плавик шпат, фосфорли, калийли ўғитлар ва боцқаларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш учун амалий шарт-шароитлар ҳам яратиб беради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ликвидлик даражаси юқори бўлган фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга қаратилган инвестициялар катта-катта даромадлар келтиради. Дунёдаги етакчи чет эл компаниялари ва фирмалари ҳозирнинг ўзидаёт бу йўналишда фаол қатнашмоқда.

1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон - Нью-монт» Ўзбекистон-Америка кўшма қорхонаси ташкил этилган эди. Корхонанинг муассиси Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компаниясидир. Ушбу кўшма корхона Мурунтов кони ағдармаларининг минераллашган уюмидан олтин ажратиб олиш мақсадида барпо этилди. Қиймати 220 млн. АҚШ долларига тенг бўлган завод курилиши 1993 йил октябрида бошланди ва бор-йўғи 18 ойда 1995 йил майда тутатилди. 1995 йилда кўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

1994 йилда «Омонтов Голджфилдс» Ўзбекистон Британия кўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг чет эллик муассисла-

ри Лонро компанияси (Буюк Британия) ва Халқаро Молия корпорацияси ҳисобланади. Қўшма корхонанинг мақсади Довгизтов ва Омонтовтоййининг олтинга бой конларини ўзлаштиришдан иборат. Бу мажмуа 1998 йилда ишга тушибди. Ҳозирги вақтда ўзбекистонлик шериклар билан машҳур «Ньюмонт Майнинг Корпорейши» (АҚШ) ва «Мицуи» (Япония) компаниялари ўртасида Тошкент зонасининг олтин рудали конларини ўзлаштириш ҳақида битим имзоланди. Фаолиятнинг кўпгина соҳаларида ҳам бир қанча бошқа истикబолли лойӣҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Республиканинг табиий бойликларини чет эл компаниялари билан биргаликда ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида Ўзбекистоннинг имкониятлари кенг. Бундан ҳамкорликнинг юқорида келтирилган мисоллари, шундай лойӣҳаларни амалга ошириш чет эллик инвесторларни юксак даражада қизиқтираётганлигини яна бир бор исботла-моқда.

Республикада яrim тайёр, яъни бирламчи ишлов берилган маҳсулотларнинг турли хиллари кенг кўламда ишлаб чиқилмоқда. Улар технология цикли тугалланган тақдирда рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун яхши бошланғич материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Республикада жаҳон бозорида ва ички бозорларда талаб юқори бўлган хилма-хил кабель маҳсулоти олиш учун яrim тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилаётган мис ана шундай қайта ишлашга мисол бўла олади.

Яна бир фоя қимматли яrim тайёр маҳсулот капролактамдир. Афсуски, ҳозир республикада ишлаб чиқарилаётган капролактамнинг 10 фоизидангина қайта ишлаш мақсадида фойдаланлмоқда. Капролактамнинг кўп соҳаларда қўлланилишини ҳисобга олиб, уни республиканинг ўзида қайта ишлашни бевосита ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Капролактамни қайта ишлаш мақсадида капрон толалари ва иплар чиқарадиган бир қатор корхоналар ташкил этиш имконияти бор. Бу тола ва иплардан аралаш газламалар, гилам буюмлар, нотӯқима материаллар ва бошқа ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Бундан ташқари, капролактамни қайта ишлаш чоғида автомобилсозлик ва самолётсозликда, ҳамда ишлаб чиқариш техника маҳсулотлари чиқарадиган бир қанча бошқа тармоқларда фойдаланиладиган турли конструкцион пластмасса-

лар олиш мумкин. Капролактамдан идиш ва ўров материаллари ишлаб чиқариш учун пленка ҳолидаги полиамидлар ҳам олиш мумкин. Бундай материалларга бўлган талаб нафақат республикада, балки қўшни давлатларда ҳам чекланмаган.

Хомашё заҳираларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида республикада ишлаб чиқарилаётган капролактамнинг 70-80 фоизини қайта ишлай оладиган кувватларни вужудга келтириш вазифаси қўйилмоқда. Бу масалани чет эл капиталини жалб қилиш, капрон иплар ишлаб чиқарадиган фабрикалар барпо этиш йўли билан ҳал қилиш мўлжалланмоқда. Кейинчалик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бир қатор енгил саноат корхоналари, шунингдек, конструкцион пластмассалар ишлаб чиқарадиган йирик корхона ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Республикада 23 минг т. нитрон толаси ишлаб чиқарадиган кувватлар вужудга келтирилган. Маълумки, бу маҳсулот мебель ва дағал газламалар, қўлда ва машинада тўқиши учун йигирилган ип, пайлоқ ва гилам маҳсулотлари, устки трикотаж, мато, сунъий мўйна ва бошқа кўпгина маҳсулотлар тайёрлаш учун бошланғич хомашё бўлиб хизмат қиласди. Шу билан бирга, жуда кам микдордаги 25 фоиз нитрон толаси қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмоқда, қолган қисми эса ярим тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинмоқда.

Нитрон толасини ишлаб чиқариш учун хомашё заҳиралари мавжудлигини, республикада, ҳамда бошқа мамлакатларда унга талаб катталигини ҳисобга олиб, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида келажакда Навоий комбинатини қайта қуриш ва кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон тупроғининг ноёб унумдорлиги унинг муҳим хусусияти бўлиб, бу хол республикани қурдатли агросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Қулай иқлим шароитлари, дәҳқончиликнинг суғориш усулида олиб борилиши, республикада қурдатли қишлоқ хўжалик ресурслари базасини ҳамда қишлоқ ҳўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналарни ривожлантириш учун яхши шароит яратди.

Ўзбекистон қадимдан (сугорма) дәҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Сугорма дәҳқончилик озиқ-овқат соҳасида Республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир. Бугунги кунда, Ўзбекистон ташки бозорда талаб катта бўлган маҳсулот пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир. Республика пахта

толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради.

Республикада пахтани асосли қайта ишлаш йўли изчиллик билан олиб борилмоқда. Бу йўл қўшимча қиймат ҳосил қилиш учун максимал имконият беради. Саноатнинг пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик, тикувчилик тармоқларига маблағлар сарфлаш энг самарали, фойдали бўлиб, у ўзини тез оқлади.

Республиканинг Бухоро, Андижон, Тошкент ва Фарғона шаҳарларида 4 та йирик тўқимачилик комбинати ишлаб турибди. Булардан ташқари, 30 дан ортиқ ил йигириув-тўқув фабрикалари турли минтақаларда жойлашган. Чет эллик инвесторлар иштирокида ўнлаб кўшма корхоналар ташкил этилган. «Кабул-Тўйтепа-Текстайлз» (Жанубий Корея), «Аснам-текстил», «Катекс», «Элтекс», «Самжинтекс» (Туркия), «Супертекстил» (АҚШ) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Республика мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, пилла, қоракул тери, жун етиштириш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Ноёб табиий-иқлим шароитлари йил давомида картошкадан, сабзавотлар ва бошқа экинлардан бир неча марта ҳосил олиш имконини беради. Бу яратилган моддий-техникавий ишлаб чиқариш базаси билан қўшилиб, янги ва консерваланган хилма-хил мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш имконини бермоқда. Улар билан республика аҳолисининг эҳтиёжлари қондирилибгина қолмай, балки дунёдаги кўпгина мамлакатларни аҳолиси ҳам таъминланмоқда. Бугун Ўзбекистонда 5 млн. т.гача мева-сабзавот маҳсулоти етиштирилмоқда. Бу эса республика бозорининг эҳтиёжларидан анча ортиқдир.

Шу билан бирга, замонавий совутгичлар ва омборларнинг, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган, идиш ўраш материаллари ишлаб чиқарадиган ихчам корхоналарнинг орқада қолаётганлиги ва етишмаётганлиги ҳозир жуда катта нобудгарчиликларга олиб келмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлашга замонавий технологиялар, қадоқлаш ва ўраш техникаси, маркетинг жорий этилса, янада тез ва юқори самара беришга қодир. Истеммол хоссалари билан ажralиб турадиган мевалар ва узум Ўзбекистонга азалдан шон-шуҳрат келтирган. Бу ерда анжир, анор, хурмо каби қимматли субтропик экинлар ҳам ўсади. Республикада уларни қайта ишлайдиган қувватларни вужудга келтириш ва янги узилган холида республикадан ташқарида сотиш

учун имкониятлар мавжуд. Республикада етиштирилаётган мевалар ва узум экологик жиҳатидан соф бўлиб, уларда кўп миқдорда қимматли озиқ моддалари ва даромадлар бор.

Бундан ташқари янги узилган узум юқори сифатли вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажойиб хомашё ҳисобланади. Республика виночилари ҳар йили 16,5 млн. декалитр вино маҳсулотлари тайёрламоқдалар. 30 дан ортиқ номда вино, шампанвинолари ва конъякнинг турли навлари ишлаб чиқарилмоқда. Халқаро ярмаркалар, дегустациялар, танловлар ва кўргазмаларда Ўзбекистон винолари 92 та медаль билан тақдирланган.

Республика замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ипакчилик саноати, қорақўлчилик маҳсулотлари, чарм буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун салоҳиятга эга.

Ўзбекистоннинг кўпгина ноёб минерал хомашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларига жаҳон бозорларида талаб катта. Бу хол уни ўзаро манфаатли савдо-иктисодий муносабатлар ўрнатиш учун жозибадор қилиб қўяди. Чет эллик манфаатдор шериклар иштирокида иктиносидиётнинг ривожланган замонавий тузилмасини шакллантириш учун амалий шароитлар яратади. Бундай иктиносидиёт яқин йиллар ичидаёқ мамлакатнинг барқарор ва олқа ривожланишини, халқимизнинг фаровонлиги юксак даражага етишини таъминлаш мумкин.

Мамлакатнинг энёргия ва хомашёга бўлган эҳтиёжи тобора ортмоқда. Уларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш эса қимматга тушмоқда. Бинобарин, капитал маблағларни ҳаддан ташқари кўпайтириш йўлини тутмасдан, ресурслардан унумли фойдаланишга, шу жумладан, маҳсулотга ишлатиладиган метални камайтириш; арzonроқ ва фойдали материалларни кўллаш, шунингдек, уларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига ресурслардан унумли фойдаланишга эришиш керак.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мавжуд ишлаб чиқариш кўламига бир фоиз миқдордаги тежам ҳам халқ хўжалигига миллион-миллион сўм фойда келтиради. Ишлаб чиқариш шунчалик катта экан, халқ хўжалигидаги моддий сарфларнинг тежалган ҳар бир фоизи миллий даромадни ҳам ошириши мумкин. Масалан, ҳисобларга кўра, асосий ишлаб чиқариш даромадларининг ҳар бир сўмига фонд самарадорлиги фақат бир тийиндан ошса ва айланма маблағларнинг бир фоизи тежаладиган бўлса, шундан ҳосил бўладиган маблағлардан иккита завод қуриш мумкин экан.

Хозирги вақтда хомашё, материаллари, ёқилғи ва электр энергияни тежаш энг муҳим масаладир. Республикаизда хилма-хил техника жуда күп, агар биз ундан укув билан тұла фойдаланмасақ, халқымиз манбаатларига чексиз зарар келтирған бўламиз. Битта корхонада хомашё, материал ва маблағларни тежаб сарф қилиш мумкин. Республика миқёсида ҳар бир ишчининг граммлаб, сантиметрлаб, киловатт-соатлаб, тийинлаб қилган тежами натижасида неча минг сўм иктиносид қилиш мумкин. Республика миқёсида ҳар бир ишчининг граммлаб, сантиметрлаб, киловатт-соатлаб, тийинлаб қилган тежами натижасида неча юз млн., балки млрд. сўм тежалиши мумкин:

Моддий ресурсларни тежаш йўллари деганда, тежаш усулларини, яъни нима асосда ва қандай тадбирлар натижасида тежаш мумкинлигини тушунамиз. Тежашнинг асосий йўллари:

— ишлаб чиқариш техникавий йўл (техника тараққиёти, ихтинослаштириш ва ҳ.к.);

— ижтимоий-иктиносий йўл (ижтимоий мусобақа, хўжалик ҳисоби ва ҳ.к.).

Тежашнинг ишлаб чиқаришдаги техникавий йўллари ишлаб чиқариш қучлари билан чамбарчас боғланган бўлса, тежашнинг ижтимоий-иктиносий йўллари ишлаб чиқариш муносабатлари тавсифи билан боғлиқдир. Тежаш манбалари нима ҳисобига тежаш мумкинлигини кўрсатади. Ишлаб чиқаришда тежаш манбалари:

— машина ва буюмларнинг оғирлигини камайтириш билан бирга уларнинг сифатини ошириш;

— ишлаб чиқариш талаблари ва чиқитларини камайтириш;

— тақчил материалларни бошқа шунга ўхшаш материаллар билан алмаштириб моддий ресурслардан қайтадан фойдаланишдан иборат.

Ишлаб чиқаришда чиқитларни камайтириш моддий бойликларни тежашда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришда искеъмол қилинадиган хомашё ва материалларни тўғри танлаш ва уларни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаш янги техника ва технологияни жорий қилиш ҳам тежамкорлик омилларидан-дир. Ишлаб чиқаришни химиялаштирилиши натижасида, ишлаб чиқариш чиқитлари анча камайди. Химиялаштиришнинг материалларни тежашга таъсири, хомашёдан комплекс фойдаланишда, ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишда, технология жараёнларини интенсивлаштиришда ва шу туфайли хомашёнинг солиштирма сарфини камайтиришда янги хил сунъий материаллар яратишда намоён бўлади.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш учун энергияга бўлған эҳтиёжни қондиришдан ўзга илож йўқ. Бироқ ҳозирда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёни мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу эса ўз навбатида, маъқул келадиган йўлни топиш шу куннинг ва умуман инсоният келажагининг доимий ташвишларига айланган. Хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай ҳолатни хомашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин.

Хомашё ресурсларини ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайиб бораётгандиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунга келиб илмий-мантиқий таҳлилларга кўра 80-90 йиллардагига қараганда бу хомашё ресурслари 1,5-2 баробарга кўпайган. Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат инсониятни хомашё ресурслари билан таъминлашнинг заҳира имкониятлари, ҳосилдор ерлар, ичимлик суви манбаларининг камайиб кетиши ва бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Вужудга келган экологик вазият инсон организми ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан иложи йўқ. Бошқа томондан эса, фан-техника тараққиётининг қўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хомашё ресурслари, фойдали қазилмалар билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳал қилишимиз керак. Мазкур муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра XXI аср бошларига келганда жаҳон мамлакатларида ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650-880 млрд. доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади[8].

Ҳар йили планетамиз атмосферасидан 150-170 млн. тонна заҳарли карбонат ангидрид гази чиқариб ташланади, ундан ташқарий йилига 250 млн. тонна чанг ва 70-80 млрд. метр куб газ, 1 млн. т. дан ортиқ қўрқошин бирикмалари атмосферага чиқариб юборилади. Умуман атмосферамизни ифлослантираётган ҳимиявий моддаларнинг сони 100 дан ортиб кетган.

Дунё океанига ҳар йили 12-15 т. га яқин нефть ва нефть маҳсулотлари ташланмоқда. Ҳар йили саноат корхоналарини куриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Бунинг натижасида йилига 7,3 млн. га, ёки

рилмоқда. Бунинг натижасида йилига 7,3 млн. га, ёки минутига 14 га ўрмон йўқотилмоқда[4].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиссан, инсоният ишлаб чиқаришни қанчалик кўпайтиrsa унга шунчалик кўп хомашё ва материал ресурсларидан фойдаланиш зарур бўлади, бу эса ўз навбатида ижтимоий-иктисодий ва кўпгина бошқа муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳозирда умумбашарий глобал муаммолар ҳақида шунчалик кўп гапирилаяптики, гўёки бу муаммони ечишга барча ҳалқлар аллқаочон бирлашиб бел боғлагандек туюлади, бироқ амалда эса аҳвол кўндан-кунга ёмонлашиб бормоқда.

Янги курилаётган қорхоналарнинг экологик ҳавфсизлиги ҳам талаб дарајасида эмас. Буларнинг ечимини интилиш ва тиришқоқлик билан эмас, балки, илмий-техника тараққиётӣ натижаларидан тўғри фойдаланиш орқали топиш мумкин. Шу сабабли чиқиндисиз техника-технологиялар жорий этиш жуда долзарбди.

Масаланинг бошқа томондан муаммолар ҳозирда ҳам материал ресурслардан фойдаланишдаги муҳимлигини йўқотмаган. Дунёда уруш эҳтиёжлари учун материал ресурсларнинг анчаги на қисми сарфланмоқда. Дунёдаги уруш можаролари чиқкан минтақаларни санаб ўтишнинг ўзигина кишини ларзага солади: Афғонистон, Югославия, Тожикистон, Чеченистон, Исройл, Фаластин ва бошқалар. Уруш ҳал этилишининг ягона йўли бу дипломатиядир. Юқорида баён этилганларнинг ҳаммаси учун ресурслар керак.

Машиналарнинг мутлақ оғирлиги (ўз оғирлиги) билан нисбий оғирлиги машинанинг қувват бирлигига тўғри келадиган оғирлиги, (масалан дизелнинг 1 от кучига ёки юқ автомобилларининг бир юқ кўтариш кучига тўғри келадиган оғирлиги) бор. Бу жиҳатдан сўнгги йилларда катта муваффакиятларга эришилди. Аммо, машиналар оғирлигини янада камайтириш имкониятлари ҳали тугаган эмас. Масалан, турли заводларда ишлаб чиқариладиган бир хил қувватга эга бўлган бир тиғдаги машиналарнинг оғирлиги бир-биридан 10-15%га фарқ қиласди.

Ишлаб чиқариш чиқитларини камайтириш моддий бойликларни тежашда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш чиқитларига ва нобудгарчиликка ҳали ҳам кўпгина корхоналарда йўл кўйилмоқда. Бу муҳим резервдан корхоналар яхши фойдаланмаяптилар.

Ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган хомашё ва металларни тўғри танлаш, уларни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаш, янги тәхника ва технологияни жорий қилиш ҳам тежамкорлик омилларидандир. Масалан, эркин боғланиш ўрнига штамплаш усулларини кўллаш натижасида чиқитлар 20-25% га камаяди. Боғланиб қилинган заготовка, одатда, ундан ясалган деталлардан кўра анча оғир бўлади.

Янги ускуналар ўрнатиш ва катта маблаг сарфлаш талаб қилинмайдиган ҳолда кундалик технологияни тўғри олиб бориш, ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш, нобудгарчилик ва чиқитларни анча камайтиришни тъминлайди. Хомашё ва материаллардан комплекс фойдаланиш ҳам ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг юксак шаклидир. Ҳар хил технология жараёнларининг кўлланилиши ва бир хил хомашёдан хилма хил истеъмол хусусиятига эга бўлган буюмлар ишлаб чиқариш, хомашёдан комплекс фойдаланишнинг муҳим хислатидир.

Масалан, корхона кукун чиқитларидан худди ўша механика воситасида майдо буюмлар ишлаб чиқарар экан, ана шу чиқитлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Агар, кукун чиқитларини химиявий йўл билан қайта ишлаб бир қатор бошқа хил маҳсулотлар (елим, спирт ва ҳ.к) ҳосил қилинар экан, бу хомашёдан комплекс фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқитларидан фойланишнинг қуидаги 3 та умумий шарти мульум:

— жуда кўп чиқитларни бир ерга тўплаб, иш кенг кўламда ташкил этилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин;

— машиналарни такомиллаштириш (бунинг эвазига аввалиари истеъмолга арзимаган) нарсалар ишлаб чиқариш истеъмоли учун яроқли бўлади;

— илм-фан ютуқлари, айниқса, чиқитларнинг фойдали хусусиятларини очиб берадиган химия саноатининг муваффақиялари бўлади.

Домна ишлаб чиқаришда (клошник) чангини батамом ушлаб қолиш ва ишга солишининг уюштирилиши фоят муҳимдир. Кукун metallurgияси ёки металлокерамика усули металл чиқитларидан фойдаланишга имкон беради. Домна ва кокс газларидан фойдаланишнинг янги усулларига жиддий эътибор берилмоғи лозим. Ёғоч-тахта қилифи ва пайрахалардан (ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик саноатида) жуда қимматли маҳсулот тайёрлаш мумкин.

Моддий ресурслардан фойдаланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услуги ресурслар тежамкорлигида ниҳоят зарурдир. Асбоб-ускуналар хомашё металларидан самарали фойдаланиш даражаси ўзининг кўрсаткичлари билан белгиланади. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб белгиланади. Хомашё металлар ҳамда ускуналарнинг ейилиши-эскириши ҳамда чиқинди ва нобуд бўлиш даражаси ҳам акс этмоғи лозим. Акс ҳолда бундай кўрсаткичлар объектив ва тўла бўлолмайди.

Мазкур барча кўрсаткичлар ўз навбатида меъёр ва ҳисботнинг ҳақиқий кўрсаткичларига бўлинади. Хомашё дастлаб ишлатилганда тайёр маҳсулот ҳосил қилиш кўрсаткичи ёки ишлатилганда хомашёдан тайёр яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи қўлланилади. Яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи металл қўйишдан мих ишлаб чиқаришни нормаллашда фойдаланилади ва рангдор металл, чўян ва пўлат қўйилмаларни ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш воситаларини тежаб-тергаш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда катта аҳамияттага эга. Ишлаб чиқариш воситаларини тежаб-тергаш деганимизда маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш фондлари, хомашё, материаллар ва ёқилгини камроқ сарф қилиш; бу билан маҳсулотнинг сифати, унинг пишиклиги, чидамлилик мўддатига зиён етказмасликни тушунамиз.

Ишлаб чиқариш фондларидан хомашё, материаллар ва ёқилгидан фойдаланишни яхшилаш ишлаб чиқариш кувваларидан тўлиқ ва тежамли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, корхонанинг маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтириш ва шу билан пировард корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашга имкон беради.

Моддий ресурсларни тежаш йўллари деганимизда, тежаш усуллари, яъни нима асосида ва қандай тадбирлар натижасида тежаш мумкин эканлигини тушуниш керак. Тежашнинг асосий таснифи ишлаб чиқаришнинг техникавий йўли (техника тараққиёти, ихтисослаштириш ва х.к.); ижтимоий-иктисодий йўл (ижтимоий мусобақа, хўжалик хисоби ва ҳ.к.) дан иборат.

Тежашнинг ишлаб чиқариш техникавий йўллари, ишлаб чиқариш кучлари билан чамбарчас боғланган бўлса, тежашнинг ижтимоий-иктисодий йўллари ишлаб чиқариш муносабатлари ҳарактери билан боғлиқдир. Мавжуд ижтимоий тизимнинг

иктисодий қонунлари тақозо қилинган бу омиллар муайян бир ижтимоий шароитлардагина амал қиласы. Тежаш манбалари нима ҳисобига тежаш мумкинлигини күрсатади.

Күпгина буюмлар бир марта ишалатилғандан кейин қайта ишлатылаша ярайверади. Шина, металл, каучук буюмлари шундай буюмлардир. Ердамчи, мойлаш материаллари ва шахсий истеъмол материаллари (күйим-кечак, қоғоз буюмлар, шиналар) ҳам шулар жумласидандыр. Шунинг учун ҳам ишалатилған резина, ёғоч, мой, қоқоз, шина ва шу каби нарсаларни нобуд қылмасдан түплаш ва уларни ишга солишини ташкил этиш мұхим аҳамияттады. Моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарф қилишнинг ташкилий иктиносидий заминда ҳам мұхим аҳамиятта эга. Маълумки, ташкилий иктиносидий тәдбиrlар моддий бойликлардан яхшироқ фойдаланиш учун мұхим, зарур шарт-шароитлар яратади ва уни рағбатлантиради, ишлаб чиқаришнинг техникавий омиллари эса шу ишлаб чиқариш майдонида материалларни тежашга бевосита имкон яратади.

Хозирги вактда, хомашё, металлар, ёқилғи ва электр энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш, техникани, асбоб-ускуналарни өзгіёт қилиши ҳар қаңонгидан мұхимдір. Мамлакатимизда ҳозир хилма хил техника жуда күп, агар ундан укув билан тұла фойдаланылmasa, халқымиз манфаатларига چексиз зарап келтирған бұламиз. Биттә заводда хомашё материаллари ва маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш натижасыда бир неча минг сүм тежалиши мүмкін. Агар мамлакатимиздеги барча корхоналарнинг тежалған маблағларини жамласак неча млрд. сүмни ташкил этиш мүмкін. Бу эса ҳар бир ишчи граммлаб, сантиметрлаб, киловатт соатлаб, тийинлаб қилинган тежами мажмуди бұлади.

Саноатда металл қуийшнинг аниқ усууллари жорий қилиниши ва металларни тежашга қаратылған бошқа техникавий тәдбиrlар күлланилиши мүмкін. Аммо, ижтимоий мусобақа, маркетингни режа асосида ташкил этиш ходимларнинг манфаатлари ва шу каби имконияттар фақат бозор иктиносидіёттегінің хосдір. Моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминловчи асосий йүлларнинг бири, хұжалик ҳисобини тинмай тақомиллаштириб боришидір.

1.3. Моддий ресурсларни тежашда маркетингнинг аҳамияты

Тұғри ташкил этилған маркетинг фаолияти моддий ресурсларни тежашнинг мұхим омилларидандыр. Саноат маҳсулоти тан нарыға кирған моддий харажатлар харидининг аксарият

қисмини ташкил этувчи моддий ресурслар маркетинг орқали ўтади. Маркетинг режалаштиришда йўл қўйиладиган жуда кичик хато ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Корхонанинг моддий ресурсларга эҳтиёжини аниқ түғри белгилаш учун хомашё, материал ва ёқилғи сарфлашниниг прогрессив меъёрлари, яъни уларни имкони борича тежаббергаб фойдаланишни кўзда тутган меъёрлар бўлиши лозим. Масалан, 1997 йилги миллий иқтисодиёт режасида ишлаб чиқариш ва қурилишдаги металлар сарфи меъёри қайтадан кўрилгандан кейин ҳам 21,0 млн. т. ёқилғи, 1,1 млн. т. бензин, дизел ёқилғиси, 640 минг т. металл прокати ва ҳ.к. тежаш кўзда тутилган эди[4]. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш восита-ларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан бири ишлаб чиқаришдаги моддий-техника ресурслари таркибини тинмай яхшилаб боришидир.

Миллий иқтисодиётда ривожланиб бораётган фан-техника иқтисодий жиҳатдан янги илғор металлар салмоғини муттасил ошириб боришга имкон беради. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши аввало, маркетинг бизнес режасида акс эта-ди. Иккиласми чомашё ва чиқитларни ишга солиш маркетинг бўлимларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Маълумки, улардан яхши фойдаланган тақдирда тақчил материалларни анча тежаш, янги қувватларни ишга солиш учун қилинадиган капитал ҳаражатларини анча камайтиради.

Маркетинг бўлимлари меъёрдан ташқари ва ошиқча туриб қолган материалларни ишга солиб уларга самарали фойдала-нишга ёрдам бериб, ишлаб чиқариш воситаларининг заҳирада туриш муддатига ижобий таъсир кўрсатади. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни тинимсиз давом этишини таъминлайдиган қилиб моддий ресурслар заҳирасининг зарур минимал меъёрларини белгилаш лозим.

Ҳозирги вақтда заҳиралар сақлашни фақат бир кунга қисқартирилганда Республикада ҳам қўшимча 265 минг т. ме-талл прокати, 313 минг т. цемент ва 2 млн т. кўмир ва бошқалар тёжалар экан[5].

Маркетингда оператив режалаштириш хусусан маҳсус ҳукумат номенклатурасидаги материалларга аниқ талабномалар тузиш ҳам маркетингда муҳим ўрин тутади. Аммо, фондлар специфакасини тузишда хатога йўл қўйилса, корхонанинг ишига жиддий зарар етказилиши мумкин. Айтайлик, завод ёки фабриканинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун

талаб қилинадиган материалларнинг ҳажми ёки нави нотўғри ёзилса, ёхуд бирон хил материал тафсилотномага тасодифан киритилмай қолса корхонанинг иши тўхтаб қолиши мумкин. Фондларга тафсилотнома тузилаётганида маркетинг органлари материалларнинг комплексини ва кенг ассортиментини таъмин этишга интилмоғи лозим. Тафсилотнома тузилаётганда:

— материалларни иқтисодий жиҳатдан фойдали талабномага киритиш имконини назарда тувиш;

— материалларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдаси, тежамсиз турларини қисқартиришга ҳаракат қилиш керак.

Хомашё ва материалларни қабул қилишда уларнинг сифати ва миқдорига жиддий эътибор бериш зарур. Бу ҳам моддий ресурсни тежашда катта роль ўйнайди. Материалларнинг миқдорини пухта текшириб қабул қилиш, маҳсулот етказиб берувчи ва темир йўлнинг раҳбари жавобгарлигини оширади. Маълумки, улар материалларнинг миқдори ва хилма хиллигини тўла таъминлаб, жўнатиш ва етказиб беришга мажбурдирлар. Шунингдек, миқдорий қабул қилиш хўжасизликка қарши курашни ҳам кучайтиради. Қабул қилишда идишларга ҳам эътибор берилиш лозим. Металларни миқдорий қабул қилиш тартиби давлат арбитражининг тегишли қўлланмасида белгилаб берилган.

Маркетинг соҳасининг ходимлари бу қўлланмани пухта билиб олишлари лозим. Материаллар сифатини қабул қилиш ҳам жуда муҳимдир. Материаллар қабул қилишнинг бу хили маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг жавобгарлигини оширади ва сифатсиз маҳсулот чиқаришнинг олдини олади. Маҳсулотнинг сифатлилиги техника талаби жиҳатдан корхонанинг маҳсус органлари: техник назорат бўлими, лаборатория, баъзида эса цехлар назорат қилади. Аммо, бу ҳолларда ҳам маркетинг бўлимлари корхонага келтириладиган материалларнинг сифатини доим назорат қилиб туришлари лозим бўлади.

Хомашё ва материалларнинг яхши сакланиши омбор хўжалигининг қандай ташкил этилишига боелик. Афсус, кўпгина корхоналарда омбор хўжалигининг ахволи қоникарли эмас. Моддий ресурсларнинг бевосита цехларда сарф қилиниши мунтазам равишда қаттиқ назорат қилиб бориш ҳам материалларни тежашда муҳим омилдир.

Тажриба шуни күрсатадыки, бундай назоратнинг энг samaraли шакли цехларни таъмин этишда лимит қўлланишидир. Бу тартибнинг моҳияти шундан иборатки, цехга хомашё ва материаллар фақат белгиланган лимитга мувофиқ берилади, агар сифатсиз ёки белгиланган мөъердан ошиқ сарф қилиниши туфайли хомашё ва материаллар тугаб қолгудай бўлса, кейинчалик цехлар фақат корхона раҳбарлигининг ижозати билан таъмин этилади. Хомашё ва материалларни тўғри сарфлаш учун курашда моддий ресурслар ҳисоби корхона омборлари ва цехларнинг ўзида яхши йўлга қўйилганлиги муҳим ўрин тутади.

Маркетинг бўлимлари ишлаб чиқариш заҳираларини доим текшириб туришлари, ортиқча заҳиралар тўпланиб қолмаслигига йўл қўймасликлари лозим. Мөъердан ортиқ ёки кераксиз, ортиқча запас пайдо бўлиб қолган тақдирда, уни дарҳол ишга солиш (реализация қилиш) чораларини кўрмоқ зарур. Айрим мамлакатлар корхоналарида маркетинг бўлимлари қошида ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш кенг йўлга қўйилган. Бу цехлар материалларни истеъмолга тайёрлаб беради ва иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтиради. Бу цехлар ишлаб чиқаришни олдиндан тайёрланган комплекторлар билан таъмир этишга имкон беради. Улар кўплаб бичишининг энг мувофиқ чизмаларини қўллаб, металл, куқун, тахта-ёқоч ва бошқаларнинг чиқитларини нисбатан камайтиради-лар.

Маркетинг бўлимлари корхоналарнинг моддий ресурслари-ни истеъмол қилиш жараёнига фаол қатнашишларӣ лозим. Маркетинг тизимининг ўзи ҳам миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатида ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қиласди. Биз бу ўринда тез суръатларда ривожланиб бораётган реклама, омбор хўжалигини мисол тариқасида келтирамиз. Омборларни кенгайтириш, қайта куриш, жиҳозлар ва уларнинг янгилигини қуриш кўплаб ишлаб чиқариш воситалари истеъмолини таъминлайди. Маркетинг бўлимлари таъмирлаш, иситиш, ёритиш, механизациялаш, ишлаб чиқариш характеристидаги ишларни ўз зиммасига олади.

Фикримизча, маркетинг бўлимларига миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмолчиси сифатида қараш, улардан фойдаланишни яхшилашда муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделига мувофиқ кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфиини шакллан-

тириш республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланишида иқтисодиётнинг ушбу тармоқига маблағларни жалб қилиш муҳим муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда давлат молия ресурслари, ҳорижий кредит линиялари ва бошқа манбаларни қўллаган ҳолда, кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-куватлашнинг маҳаллий шарт-шароити, хорижда муваффақиятли амалга оширилаётган усул ва механизмларни ҳисобга олган комплекс тузилма шаклланди.

Аксарият янги иқтисодий ғоялар эскириб, ўз вазифасини ўтган ғояларга қарама-қарши тарзда улар ўрнига пайдо бўлади. Кичик тадбиркорлик юксак ривожланган мамлакатларда (айни шу тарзда) майдонга келди ва у ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти учун бениҳоя зарур эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг кўп укладли янги иқтисодиёти шу тарздаги фаолиятни амалга ошириш учун ҳар жиҳатдан қулай муҳитни вўжудга келтириб, йирик ва кичик корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг янада мустаҳкамланишига имкон берди. Шунинг учун замонавий иқтисодиётда янги соҳа сифтида шаклнаётган кичик ва йирик бизнесни назарий жиҳатдан ўрганиш шунингдек, уни амалиётга жорий этаётган тадбиркорлар фаолиятига қизиқиш ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда бозор иқтисодиётiga муқобил бошқа бирор йўл йўқ. Бироқ унинг муваффақиятли ишлаши кўп жиҳатдан товар ишлаб чиқарувчilar мустақиллиги ва эркинлигига боғлиқ. Бирор товарни ишлаб чиқарадиган корхона, фирма, бирлашма уни сотища ҳамда бюджетга солиқ ва бошқа тўловларни тўлаганидан кейин фойда олища тўлиқ мустақилликка эга бўлиши, шунингдек, ўз хўжалик опреациялари учун иқтисодий жиҳатдан масъулият сезиши зарур. Бозорда ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ва истеъмолчи (харидор) тенг хукуқли шериклар сифатида қатнашади.

Ўзбекистон Республикасининг «корхоналар тўғрисида»ги қонунида корхона юридик хукуқларига эга мустақил хўжалик субъекти саналади. У меҳнат жамоаси томонидан мол-мулк ва бошқа воситалардан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, сотади, ишлар бажаради, хизматлар кўрсатади. Корхоналарда мулкчилик шаклидан қатъий назар фойда (даромад) олиш учун фаолият юритиш лозимлиги қатъий белгиланган. Давлат

унинг фаолиятига меъёрий-хуқуқий хужжатларда келтирилган ҳолатлардан ташқари имкон борича кўйилма, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қилиши учун эркинлик беради.

Барча мулкчилик ва хўжалик шаклидаги корхона ва ташкилотлар ягона давлат реестрига мувофиқ 1999 йил 1 октябрдаги ҳолатга кўра, турли соҳалар бўйича рўйхатга олинган субъектлар сони таҳминан 180 мингни ташкил этди, бундан 121 мингдан ортиғи ўрта ва кичик корхоналар, шу жумладан микрофирмалар. Республикада фаолият юритаётган корхоналар умумий сонида уларнинг улуши 1999 йилнинг 9 ойи мобайнida 60,2 фоиздан ошди. Бу давр ичида улар республика ялпі ички маҳсулотининг 28,5 фоизи микдорида маҳсулот ишлаб чиқарди, ишлар бажарди ва хизмат кўрсатди.

Давлат корхоналари улардан фарқли равишда кудратли ишлаб чиқариш имкони бўлишига қарамай, маҳсулот турларини танлаш, бозорда сотиш ҳажмларини оширишида камроқ эркинликка эга. Чунки, улар давлат олдида ўз мажбуриятларини бажаради. Бу эса муайян даражада бозор тамойилларини кўллаш соҳасини торайтиради. Бундан ташқари, тармоқда монопол бўлган йирик давлат корхоналари эркин белгиланадиган бозор нархларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун давлат корхоналарининг, ҳиссадорлик жамиятларини, ташкил этиш, қўшимча ишлаб чиқариш ҳамкорлигини яратиш бозор муносабатларини ўрнатишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Жамоа мулкчилигига асосланган корхоналар бозор эҳтиёжларига тезроқ муносабат билдиради.

Монополияга қарши сиёsat кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим ўрин эгаллади. Ўтиш даври шароити учун республика ҳукумати анча аниқ монополияга қарши чоралар ишлаб чиқдики, улар аввало монопол корхоналар фаолиятига қаратилган. Шундай чоралар сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

— мавжуд давлат бошқарув тузилмаларини монопол ҳолатидан чиқариш ва янги монопол тузилмалари пайдо бўлишини таъкилаш;

— шахсий ва истеъмол эҳтиёжларини товар ишлаб чиқарилиши ва айланиши қоидалари билан мувофикаштирадиган ишончли товар ишлаб чиқарувчilarни шакллантириш;

— товар ишлаб чиқарувчilarни давлат ва бозор монополиясида ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш.

Кўрсатилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қўмитаси, шунингдек, ваколати ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ушбу маҳсус қонун билан бирга нефть, табиий газ ва кўмирни қазиб олиш ва ташиш; электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиш; ҳаммабоп электр ва почта алоқаси хизматлари; сув қувурлари ва канализация хизматлари соҳасида табиий монопол субъектларнинг фаолият кўрсатиши ҳам назарда тутилган. Портлар ва аэропортлар ҳам давлат томонидан тартибга солиниши керак.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш монополияни йўқотиш, соғлом рақобатчиликни ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим шартларидан бири. Бу жараён республикада анча фаол олиб борилмоқда. Шундай қилиб, 1998 йилда 332 корхона ва объектни хусусийлаштириш режалаштирилган эди. Амалда эса 450 дан ортиқ корхона, 1999 йил январ, сентябр ойлари мобайнинда 336 корхона хусусийлаштирилди. Бу мулкдор синфини шакллантириш ва бозор муҳитини ривожлантиришда, монополияга қарши кураш чораларига амал қилиш ва товар ишлаб чиқарувчилар рақобатчилигини яратишда ҳам жуда сезиларли натижага эришилди.

Монополияга қарши кураш тизимида рақобатни кучайтириш мақсадида давлат мулки олди-сотдиси катта аҳамият касб этади, бунда унинг эгаси ўзгаради; бу эса бозорни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бу ҳолда банклар ҳам қатнашиши аҳамиятлиdir. Чунки, бунда уларнинг корхона ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиши кенгаяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ сиёсатига катта аҳамият берилади. Аввал қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган Солиқлар тўғрисида»ги қонунні ҳисобга олмагандан солиқ кодекси ягона олиқ тизимини тасдиқлаган, ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча солиқ тўловлари тенг ҳуқуқлигини назарда тутадиган дастлабки қонун ҳужжати ҳисобланади. Унда солиққа тортиш обьекти аниқ белгиланган фойда ёки даромад; уларни шакллантириш тамойиллари, ставкалар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ягона имтиёзлар тизими кўрсатилган.

Адам [6] Смит давлатни энг паст даражадан фаровонлик чўққисига кўтариш учун тинчлик ва бошқарувда сабр-тоқат билан бирга солиқлар ҳам зарурлигини таъкидлаганди. Бироқ со-

лиқларга фақат давлат хазинасини тұлдириш манбаи сифатида қараш түғри эмас. Улар рақбатлантириш ҳиссасига ҳам әгадір. Масалан, турли мамлакатлар солиқ тизимида солиқлар табиркорлик воситаси сифатида кенг құлланилади. Бу мақсадда мұайян солиқ имтиёзларидан фойдаланилади. Улар орасыда инвестиция солиқ кредити, «ер бойликлари»нинг камайиши тезлаштирилген амортизация ва бошқалар ақамиятлы саналади. Солиқ тизими ҳам хорижий тажрибани бевосита күчирмаса-да, хориждагига ўхшаш рақбатлантирувчи солиқ имтиёзларини құллады.

Ижтимоий соҳага бевосита боғлиқ мұайян ташкилоттарнинг фаолиятидан тушган даромад тұлиқ озод қилиниб құлланилади. Табиатни муҳофаза қилиш табирлари үтказилишида, солиқни ва бошқа ижтимоий соҳа, объектларни сақлаш, фойда суммаси турли ҳайрия фондларига үтказилғанда, нафақадаги мөхнатидан фойдаланилғанда солиқлардан тұла ёки қисман озод қилинади.

Күшма, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этишда солиқларнинг рақбатлантирувчи ақамияти яққол күзға ташланади. Фаолиятнинг дастлабки 2 йили мобайнида улар умуман озод этилади ёки солиқ миқдорлари камайтирилади. Илмий тадқиқот, тажриба конструкторлық ишлери үтказилиши, корхона ихтиёрида қолған фойда ҳисобиға амалға ошириладын янги жадал технологиялар ва маҳсулот турлари үзлаштирилишига ҳам солиқлар ижобий таъсир қылади.

Фуқаролар даромадлар учун тұлайдыған солиқларға келсак, бизнингча истеъмол сарфланаёттан қисми, яни даромад ва ишлаб чиқаришга янги сарфланған маблаг орасидаги фарқи учун солиқ солиниши лозим. Бошқача айттанда, «Мерседес»да юришни истасанғыз маржамат.

Янги тузилмавий сиёсат күп укладли иқтисодиётни тезроқ яратиш ва табиркорлик соҳасини ривожлантиришга йұналтирилған. Иқтисодий ривожланиш табиркорлик соҳасини ривожлантиришга йұналтирилған. Иқтисодий ривожланиш күрсаткышлари ҳам шундан далолат бермокда. 1999 йил 9 ой ичиде республикада ишлаб чиқарылған ялпи маҳсулот ҳажми 4,4 фоизге, ақоли жон бошыға ҳисобланғанда тахминан 3 фоизге ошди. Бунда иқтисодиётнинг нодавлат соҳаси улуши ЯИМ умумий ҳажмининг тахминан 65% ни ташкил қылды. Бу давр ичиде 1998 йил январ-сентябрига қараганда ақоли пул да-

ромадлари 1.6. марта кўпайди, асосий сармояга инвестициялар эса қарийиб 10% га ошди[3].

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўл укладли иқтисодиётни шакллантириш ва мулкдор синфини яратиш жараёни анча сезиларли кўзга ташланади. Кўрсатилган даврда иқтисодиётнинг турли соҳаларида 293 корхона ташкил қилинди. Хусусийлаштирилган мол-мулк умумий қиймати тахминан 9 млрд. сўм бўлди. Шундан 6.8 млрд. сўм ёки 78.8%ни асосий воситалар улушига тўғри келади. Хусусийлаштирилган давлат мол-мулки тармоқлараро тузилмасида қурилиш, саноат ва транспорт энг катта солиштирма оғирликка эгадир. Республикада ижобий шарт-шароитлар, зарур меъёрий-хукуқий негиз ва кафолатлар яратилган ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда.

Ўрта ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари шубҳасиз кишини қувонтиради, лекин улар анча кўпайтирилиши лозим. Давлатимиз раҳбарларини таъкидлашича, «Айниқса қишлоқ хўжалигидан озод бўлган аҳоли бандлиги, маҳаллий хомашё, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш ресурсларини кенг қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмол моллари ва хизматлар билан тўлдириш каби ўткир муаммоларини ҳал қилиш кўп жиҳатдан кичик ва ўрта тадбиркорларнинг ривожланишига боғлиқдир»[3]. Биз кичик ва ўрта тадбиркорлик иқтисодиётимиз тузилмаси, аҳоли бандлиги тузилмасида асосий ўрин тутишига эришишимиз лозимдир.

Юқоридаги мулоҳазалардан хulosса қилиш мумкинки, турли мулкчилик шакллари мавжудлиги шароитида товар ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини таъминлаш, монополияга қарши тадбирлар ва рақбатчиликни яратиш, тадбиркорлик фаолиятини рақбатлантиришда солиқлар орқали тадбиркорларга имкониятлар берилиши, иқтисодий ўсиш бозор ислоҳотлари ҳаётийлигини яққол кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг тадбиркорлик тармоқида инвестициялар жараёнини тўлиқ амалга оширишга имкон бермаётган муаммолар орасида— reklama ахборот билан таъминлашнинг етишмаслигини кўрсатиш даркор. Тармоқлар ва минтақалар ривожланиши бўйича муҳим йўналишларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришни мақбул тақсимлаш мақсадида лойиҳаларни ахборот билан таъминлаш энди вужудга келмоқда.

Ислоҳотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда давлатимизнинг босқичма-босқич, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий

ислоҳотларнинг йўли ҳақ эканлигини белгилайди. Мислий иқтисодиётнинг бозор муносабатлари қўйган масалаларини ҳал этиш йўлида ҳукуматимиз мақсадли, муваффақиятли натижалар бераётган оқилона иқтисодий сиёсат ўтказмоқда. Сиёсий барқарорлик ҳукуматимизнинг кетма-кетлик ва чукур ўйлаб чиқилган иқтисодий сиёсати республикамизда ўтказилаётган бозор ислоҳотлари муваффақиятининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаларида: «Турли корхона ва тармоқлар фаолиятини таҳдил қилиш шуни кўрсатдик, қаерда раҳбарлар маркетинг ва маркетинг тадқиқотлари билан жиддий щуғуланаётган бўлсалар, ўша ерда барқарор фаолият таъмишланмоқда, фойда ва дивидент олинмоқда, ўз вақтида иш ҳаки тўлланмоқда» деб таъкидлаган эди[3].

Маркетинг-истеъмолчиларнинг ҳозир ва келажакдаги талабларини қондиришга қаратилган товарлар сотиш, натижада фойда олиш билан боғлиқ фаолият туридир. Буларнинг барчаси энди иш бошлаётган бизнесменлардан тортиб, қатта ҳётний тажрибага эга бўлган тадбиркорлар, сиёсатчи, санъаткор, спортчига қадар маркетинг-бозор жараёни тўғрисида чукур билимга эга бўлишини талаб қилади.

Маркетингнинг назарий ва амалий асосларини чукур билиш тижорат хавф-хатарни ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтириш, унинг вариантларини ҳисоблашда мавжуд бўлган турларидан энг мақбулини танлаш, рақобат шароитида бозорни энг сифатли товар ва хизматлар билан тўлдириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг турли гуруҳлари учун сотиш, нархни аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Реклама (лотинча-қичқирмок) бирор корхона, маҳсулот, хизмат тури, ижтимоий фаолиятнинг бирор турини амалга ошириш мақсадида қилинган ишдир. Шу мақсадда реклама корхона ёки ижтимоий фаолиятнинг бирор бир маҳсулот ёки хизмат турига кент жамоатчиликнинг эътиборини жалб этади. Яхши ташкил этилган реклама бозор талабини олдиндан кўра билиш ва бозор шароитида харидорлар оқимини бошқара олиш имкониятини беради.

Рекламанинг асосий вазифаси маҳсус ахборотлардан фойдаланиб маҳсулот, хизмат турлари ва уларни харид қилиш жойи ҳакида ахборот беришdir. Лекин рекламанинг вазифаси факат бу

билин чегараланиб қолмайди. Унинг ўзига хослиги шундаки, реклама ахборотни тарғибот ва ташвиқот билан бирга олиб боради.

Шундай қилиб, фаол реклама ахборот берувчи ва айни вақтда ишонтирувчи, маълум мақсадга йўналтирувчи бўлиши лозим. Шу турдаги реклама талабни маълум йўналишга солади, уни бир турдаги хизмат ва маҳсулотдан бошқасига кўчиради, талабни оширади ва харидорларнинг ниятига таъсир қиласди. Реклама ишлаб чиқарувчи, савдо ва харидорлар ўргасида тижорат ахбороти олмаслигига имкон беради. Реклама – маҳсулот ва хизматлар турининг ишлаб чиқаришдаги савдо ва харидорларнинг эҳтиёжи ҳақидаги хилма-хил ахборот юқими. Рекламанинг охирги мақсади бозорда таклиф қилинган маҳсулотларнинг харидорлар томонидан қабул қилиниши эҳтимолини ошириш. Реклама қилинаётган маҳсулотнинг сотилиши, уларнинг олдиндан режалаштирилган реализация миқдори билан ўсиб бормофи лозим. Маҳсулотларга бўлған талабни ҳисобга олмай, реклама қилиш талаб ва таклифнинг бир-бира га мос келмаслигига олиб келиш мумкин. Бу мақсад босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар бир босқичда ҳар хил вазифа кўйилади: харидорлар дикқатини маҳсулотга жалб этиш, уларда қизиқиш уйқотиш, талабларни шакллантириш, ҳарид имкониятини корхонанинг харидор талабини баржара олиш имконига йўналтириш. Бироқ, реклама психологияк кураш ҳамдир. Унинг таъсир кучи жуда катта.

Реклама, унинг самарадорлигини ошириш талабларига жавоб бериши керак, яъни аниқ ва ҳаққоний, маъноли ва илмий асослайнган кўпроқ ахборотни ўз ичига олган ва дидли фойдали бўлмоқи лозим. Рекламани ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ҳам амалга ошириши мумкин. Бу ҳолда ишлаб чиқарувчи ўз рекламасини ҳар томонлама олувчига қаратади.

Савдо ходимлари ўзлари сотаётган маҳсулотларин яхши билмоғи керак. Шунинг учун ишлаб чиқарувчининг рекламаси харидорларда камроқ ҳиссиёт уйғотади, лекин кўпроқ ахборот етказади. Савдо рекламаси эса, харидорларга аталган бўлиб, маҳсулот ҳақидаги ахборот билан бирга савдо маданияти ва эстетикасининг ошишига кўмаклашиши мумкин.

Маркетингда рекламани бошқариш аввало юқорида таъкидланган реклами мақсад ва вазифалардан келиб чиқади. Маркетинг қамраб олувчи масалалар жуда кўп ва рангбарангдир. У маҳсулотнинг мақбул жиҳозланиши ва безалиши бўйича тадқиқотларни, нарх-наво масалаларини, реклама сотувчига ва маҳсулот сотилгандан кейинги харидорга хизмат кўрсатишни ҳам ўз ичига олади, хуллас ишлаб чиқарувчидан то

ҳам ўз ичига олади, хуллас ишлаб чиқарувчидан то истеъмол-чигача бўлган муносабатни бошқаришни ўз ичига олади. Рекламани бошқариш эса ўз навбатида, маркетинг вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Реклама ўз олдига қўйилган мақсади, тузилиши, йўналтирилиши, амалга оширилиши, молиялаш манбаи, амал қилиш муддати кабиларга қараб турли бўлиши мумкин. Уларни куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

Товарлар ва нуфузли фирма рекламаси. Товарларга йўналтирилган рекламанинг асосий мақсади харидорлада айрим товарларга нисбатан талабни шакллантириш ва уни сотиб олишга ишонтириш ҳамда рақбатлантиришdir. Бундай реклама маълум товарни ҳар томонлама харидорларга таништиради ва тарқиб қиласи. Товарнинг барча хоссалари, хусусиятлари кўриниши, сифат кўрсаткичлари ҳақида истеъмолчиларга ҳар томонлама тўлиқ маълумот беради. Бу билан у харидорда товарга нисбатан қизиқиш уйғотади. Масалан, «Косонсой Текмен» қўшма корхонаси маҳсулотлари reklamasини олишимиз мумкин. Бу маҳсулотларнинг чидамлилиги ва жундан тайёрланганлиги ва бошқа яхши томонлари телевидение, радио, матбуотда берилиши бу товарларга қизиқиш уйғотмоқда.

Нуфузли реклама фирмаларининг рақобатчиларга нисбатан устунликларини барчага тарғиб қилувчи, кўрсатувчи реклама бўлиб, унинг асосий мақсади бўйича барча харидор бўлади ва кенг жамоатчилик орасида фирманинг яхши номи, имиджини яратиш ва харидорларни ишонтиришdir. Табиийки, бунда фирманинг товари кафолатли сифатга эга, лекин фикрни харидор онгига сингдиришга ҳаракат қилинади.

Рекламанинг бевосита ва билвосита тури, айниқса кенг тарқалган. Бевосита реклама тижорат асосида амалга оширилади. Унда реклама берувчининг шахсан топшириладиган маълумотлари асосида бирор хабарнома, хизмат ёки товари ҳақидаги барча кўрсатмалар ёритилади. Бевосита реклама тўғридан-тўғри эмас, балки қандайдир қопланган ҳолда, кўзга ташланмайдиган ҳолда усталик билан амалга оширилади. Бунда реклама берувчи кўрсатилмайди ва реклама воситасидан ҳам фойдаланилмайди.

Рекламалар ҳимоялаш, бирлаштириш, кириш ва киритиш мақсадлари учун қулланувчи reklamatlarга ҳам гурухланади. ўз номидан маълумки, бундай мақсадда амалга оширилаётган reklamatlar кўп ҳолларда тадбиркор, ишлаб чиқарувчilар томонидан товарларни бозорга киритиш ёки рақобатчилардан ҳимоя

қилиш ва ниҳоят уни енгиш учун уюшмалар тузиш, бирга ҳаракат қилиш каби мақсадларда амалга оширадилар. Бозорга кириб ўз товарларини рақобат курашида енгиди чиқиш, ҳимоя қилиш учун ҳам шу турдаги рекламалардан фойдаланадилар.

Айрим бозорларда құлланиши мүмкін бўлган товар стратегиясига мөс рекламалар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мүмкін. Бир хайдда амалга ошириладиган рекламалар бозорларнинг хилма-хиллиги, минтақалар ва вилоятларнинг ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар бир ҳолда олиб борилади. Бу реклама харажатларни тежашта, реклама матнини тузишни соддалаштириш, унинг таъсир доирасини кенгайтириш имконини беради. Бироқ, бу реклама айрим ҳолларда бозорлар, минтақаларнинг хусусиятларини ҳисобга олмагани туфайли куттилмаган ёмон оқибатларга ҳам олиб келиши, қийинчилликлар туғдириши мүмкін. Масалан, тўртта рақамли Японияда удум маъносини билдириди ва бу рақам японлар учун рекламада бўлмаслиги лозим ёки яшил ранг Мисрнинг миллий ранги мусулмон мамлакатларида руҳонийларнинг кийим-кечагида ишлатилади.

Рекламани амалга оширишда тўғри восита ва усуслардан фойдаланилади. Улар ичида тўғридан-тўғри, бевосита реклама қилиш воситалари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу рекламани реклама агентлари томонидан бўлажак ва доимий харидорлар билан учрашиб адабиётлар, варақалар, хатлар ва бошқа ҳар хил реклама-материалларини тарқатиш билан амалга оширилади. Улар алоқа қилиш муассасалари (почта, телефон, телеграф) орқали ҳам йўналтирилиши мүмкін. Матбуот reklamasasi газета, журнал, справочниклар, фирмаларнинг бюллетенлари орқали амалга оширилади. Босма усуlda қилинадиган реклама проспектлар, каталоглар, буклетлар, плакатлар открытика, календар ва бошқа усуздаги маҳсулотлар ёрдамида қилинадиган рекламалардир. Экран рекламаси телевидение, кино, полиэкранны, слайд-проекциялар орқали амалга оширилади. Реклама қилишда радио- телефон, телеграф, факслар ҳам муҳим роль ўйнайди. Транспорт воситаларига ҳар хил плакат, эълон, ёзувлар ёпиштириш, уларнинг деворларини бўяш, ёзиш, расмлар, графиклар, чизмалар чизиши орқали реклама қилиш. Товарларни сотиш жойида реклама ўз ичига, магазин витриналарига уларни қўйиш, савдо залларига кўргазмалар, товар белгилари, плоншетлар осиш йўли билан қилинади.

Реклама одатда жуда қиммат туради. Шунинг учун фирма унинг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини унугмаган ҳолда

қилинажак реклама ҳақидаги ўзининг чукур ўйлаган маркетинг ечимини қабул қилиши керак. Маблағ ҳақида масала равшанлашиб бўлганда, реклама бўйича шуғулланувчиларга катта масъулият юкланди, яъни реклама бўйича мутахассис қобилиягти, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, аввало ўз иши, муассасасининг обурини сақлаши лозим. Шунинг учун реклама бўйича мутахассис маркетинг муҳитини ва ташкилотдаги маркетинг тузилмасига таянган ҳолда кўйидаги қоидаларга риоя қилиниши лозим:

- рекламадаги асосий элемент товарларни сифати ва корхонанинг бозордаги мавқеи;
- товарлар рекламасида барчани жалб этадиган оддий, гоҳида харидорлар товарларни кўриш учун сафарбар қиладиган усуллар бўлиши;
- рекламада товарни турли рангларда кўрсатиш ва бу ранглар харидорларни ўзига жалб эта олиши зарур;
- товар рекламасида маҳаллий анъаналарни ҳисобга олиш ва товарни қандай минтақада ва қандай ёшдаги харидорларга мўлжалланган бўлиши муҳимдир.

Тайёрланаётган рекламанинг самарали чиқиши пишиқ тузилган корхона таркибида маркетинг фаолияти ва уни бошқарувчи менежер, қобилиятига ҳам боғлиқ. Асосан реклама берувчи фирма ва ташкилотлар ўз таркибини кўйидагича тузади. Бу тузилма фирма раҳбари ва бир неча бошқарувчи субъектлардан иборат бўлади. Бу каби фирмалар асосан ҳеч қачон рекламани ўзи тайёрламайди ва кўпгина реклама агентликларига мурожаат қилишга, мажбур қиласди. Бундай фирма ва ташкилотлар фақат тайёр бўлган реклама эълонлари баҳоси билан қизиқади ва бу каби реклама берувчиларнинг кўпчилиги улгуржи савдо билан шуғулланувчи фирма ва савдо ташкилотлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирча бозорда маркетинг муҳити етук даражада бўлмаганилиги сабабли ҳам бундай таркибдаги муассасалар кўп. Бозорда аниқ бир мақсадга таянган ҳолда иш юритувчи компаниялар ҳам бор. Уларнинг таркибий тузилиши ҳам фаолият юритиш предметига боғлиқ. Кўйида асосан, ишлаб чиқарувчи корхоналар, ва йирик давлат миқёсидаги компаниялар тузилиши берилган. Бу таркиб бўйича рекламани бошқаришида чакана савдода самарадорликка эришиш мумкин. Шу билан бирга маркетинг жизмати фаолияти корхонадаги янги товарлар ёрдамида истеъмолчилар ҳоҳишларини, яъни моддий жиҳатдан ўзига тўқ бўлганларни бошқариш имконини беради.

Бозор талабларига жавоб берувчи воситани топиш реклама бошқарувчисининг асосий муаммосидир. Реклама воситаларига ёндашишнинг сон (реклама қанча кишини қамраб олади) ва сифат (реклама маълумотлари истеъмолчиларнинг қайси та-бақаларига етиб боради) мезонлари мавжуд. Масалан, реклама бошқарувчиси асосан аёлларни қизиқтирувчи маҳсулотларини тарқиб қилмоқчи. Бунинг учун у икки газетадан бирини танлаши лозим. «А» газета кундалик оммавий газета бўлиб, уни турли кишилар ўқыйдилар. Реклама нархи: минг нусхадаги бир устун жой ўн доллардан. «Б» газета ихтисослашган, асосан уй бекаларига мўлжалланган. Ундаги реклама нархи минг нусхада бир устун жой 25 доллардир. Бунда тўғри қарорга келиш кўп омилларни ҳисобга олишни талаб қиласди.

Товарлар, хизматлар ва умуман бирон бир ижтимоий-сиёсий вакиликни реклама қилиш маркетинг фаолиятининг ажralmas қисми бўлгани учун уни режалаштириш ҳам маркетингни режалаштириш билан унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиши ва узвий боғланиши лозим. Рекламани режалаштириш бир қанча илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш, аввало, истеъмолчининг эҳтиёжи, талаби, унинг харидорлик хулқ-атворини ўрганишини тақозо этади. Чунки, реклама биринчи навбатда харидор ва бўлаjak xаридорларга қаратилган экан, демак, унинг кўнглини топиб, реклама қилиш лозим. Режа тузища реклама тури ва уни етказиш воситаларини ҳам таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Реклама вақтини тўғри режалаштириш зарур. Бунда реклама товарларнинг бозордаги ҳаётйлик даврига мувофиқ амалга оширилмоғи лозим. Ҳар бир босқичга мос реклама қилиниши лозим. Товар, хизмат ва ҳ.к. рекламасини режалаштириш бир қанча босқичларни ўз ичига олади:

- рекламанинг мақсади, вазифалари аниқланади;
- реклама қилиниши лозим бўлган обьектда, унинг чегараси, мазмуни, хоссалари ҳақиқидаги ахборот йигилади;
- реклама кимга қаратилгани, яъни унинг субъекти аниқланади;
- реклама воситалари аниқланади.

Бу ишлар амалга оширилгач, реклама сарлавҳаси ва матни яратилади. Кўргазма қуроллари мусиқа ва бошқа таъсирчан воситалар аниқланади. Сўнгра, реклама қилиш графиги тузилиб, харидорларга мос вакълар белгиланади. Реклама режаларини тушиб реклама тадбирларини ўtkазишга сарфланиши лозим

бўлган харажатлар ва ундан олинадиган самарадорликни ҳисоблаш билан яқунланади.

Рекламанинг мақсадини аниқлаш фирманинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, товар ва хизматларни кўпроқ миқдорда сотиш ва фойда олишга қаратилган бўлади.

Реклама йўналтирилаётган харидорлар учун ҳам аниқ бўлмоқи лозим. Масалан, замонавий шим ёки спорт кийимини асосан ёшлар харид қиласидилар, шундай экан, уларнинг reklamasи телевидиниеда ёшлар учун бериладиган кўрсатувлар оралиқида, аёллар кийимлари рекламаси уларга бағишиланган кўрсатувлар орасида берилса мақсадга тезроқ эришилади.

Реклама қилиш ва вақтни танлаш айниқса муҳим бўлиб, бу иш кишилар кайфияти, ҳолатини эътиборга олмоқи лозим. Масалан, кундуз куни ёшларнинг ўқиш ва иш пайтида уларга яхши замонавий кийим-бошни реклама қилиш, reklamannинг таъсирини камайтиради. Рекламани амалга оширишда унинг миқдори, частотаси, телевидиние, радио ёки матбуотдаги эълоннинг қайтарилиш графиги ишлаб чиқилади. Бунинг учун reklamанинг таъсирчанлиги, унинг қачон, қай йўсинда берилиши аниқланади. Хабарнома ва эълон аҳамиятига қараб, уни тарқатиш тартиби белгиланади. Рекламалар барчага тушунарли ва қиммат жиҳатидан эса мувофиқ келиши зарур. Акс ҳолда реклама берувчиларни чўчитиб юборади.

Реклама қилиш сценарийсининг ёзилиши режалаштирилиши лозим. Унда аввало reklamанинг шиори, сарлавҳаси аниқланади, сўнгра унинг матни белгиланади. Рекламага мусика, иллюстрация танланади ва ниҳоят reklamani неча нусҳада берилиши аниқланади. Реклама шиори ва сарлавҳаси ниҳоятда янги, ўзига хос бўлмоғи лозим. У reklamachinинг иқтидори, топқирлиги ва ақл заковатига боғлиқ. У ниҳоятда қисқа, мазмундор, тушунарли бўлмоғи лозим. Реклама матни тезис шаклида, масаланинг моҳиятини қатъий асослаган ҳолда оддий тушунарли қилиб ёзилиши лозим. Матннинг ҳажми 50-60 рақам сўзидан ошмаганлиги маъкул ҳисобланади.

Реклама хабарномаларини тарқатиш, истеъмолчиларга етказиш ва унинг ифодали бўлишига эришиш лозим. Бунинг учун ҳар хил кишилар (аёллар, болалар) ҳайвонлар, ўсимликлар расмлари билан қўшиб тасвирланади. Масалан, Японияда бу мақсадда реклама персонажлари сифатида машҳур актёрлар, спортчилар, давлат арбоблари хизматидан фойдаланилади. Америкада эса reklamaga мутлақо ҳеч кимга таниш бўлмаган кишилар таклиф қилинади.

Режалаштиришнинг охирги босқичи, реклама тадбирлари ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ва унинг самарадорлигини айқлашдир. Реклама харажатлари қуйидаги усуллар билан аниқланади:

— белгиланган фоиз усули. Товарни кўзда тутилаётган сотиш ҳажмига нисбатан ёки ўтган йилда сотилган товарлар ҳажмига нисбатан қандайдир фоиз рекламага ажратилади ва унинг ёрдамида реклама харажатлари ҳисоблаб чиқилади.

II БОБ. МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида истиқлол йўлидан бормоқда. Шу босидан биз мана шу мустақил республикамиз иқтисодиётининг ўсиши учун ресурсларга катта эътибор беришимиш шарт.

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъruzасида, 2000 йилда ҳам Республика иқтисодиёти ўтган йиллардаги каби барқарор ва изчил ривожланганлиги таъкидланди, яъни ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 4%га, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,4%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,2%га ошган. Истемол моллари ишлаб чиқариш 7,7%га, чақана товар айланиши 7,8%га аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 14%га ортганилиги таъкидланди[3].

И. А. Каримов ривожланиш ҳакида сўзлаганда муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман дейди. Албатта, тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳмиятга эга ва буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Мамлакатимизнинг 2000 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиши якунларини ана шу назардан баҳолайдиган бўлсак, қуидагилар қайд этилади:

- иқтисодиётимизда макроиктисодиёт кўрсаткичларининг барқарорлиги ошди. Давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг 1%дан ошмади;

- нақд пул эмиссияси йил якунларига кўра, 9,4%ни ташкил этди, бу башпорат қилинган даражадан анча ғастдир.

Жами пул массаси, белгиланган даражадан, яъни ЯИМга нисбатан 19%дан ошмади. 2000 йил учун мўлжалланган инвестиция дастури тўлиқ амалга оширилди.

Жами сармояларнинг 55% дан зиёди ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига, шунингдек, ишлаб чиқарish

билан боғлиқ бўлмаган қурилишларга йўналтирилган сармоялар салмоғи ортди. Бундан ташқари 2000 йил якунлари бўйича ташки савдо айланмасида 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Маълумки дунё бозорида нефть нархининг юқори бўлиб тургани кўпгина мамлакатлар учун 2000 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлди.

Аҳолининг сон жиҳатдан ортиб бориши турли-туман эҳтиёжларни қондиришнинг асосий ва бош манбаи табиатидир, унинг ресурслари, бойликлари дидир. Бу ресурслар ер ости ва усти дарёлари, кўллари, денгиз ва океанлари ҳайвонот дунёси бағридадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмас туюлади.

Бироқ ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиб келинаётгани, баъзан табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай тортиб олинаётганлиги натижасида камайиб бормоқда. Ҳатто баъзи фоят нодир оесурслар, кўп истеъмол қилинаётганларидан йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

Табиат ресурсларини ўзлаштиришда саноат инқилобидан кейинги айниқса XX асрда рекорд қўйди, деса бўлади. Бу ҳақда кейинги йилларда турли-туман адабиётларда, матбуот, радио телевиденияда кўп ёзилмоқда ва ёритилмоқда. Хуллас, бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар фоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаётимиз хавф остидадир. Яна шуни айтиш керакки, айрим табиий ресурслар фақат айрим мамлакатлар ҳудудида жойлашган, бу уларнинг миллий бойлиги, миллий мулкидир. Бироқ уларни бошқа мамлакатларда, дунёning турли қитъаларида яшайдиган кишилар ҳам сотиб олиши, айирбошлишлар орқали истеъмол қилишлари мумкин. Шунинг учун, у ёки бу мамлакат, унинг ҳалқи умуминсоний тараққиётини ўйлаб табиий ресурслардан тежаб фойдаланиши, исрофгарчиликка йўл кўймаслиги лозим. Шу билан бирга мавжуд ресурслар, уларни ишлатиш, улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларга хўжалик жиҳатидан эгалик қилиш айрим меҳнат жамоалари, корхоналар, оиласлар, ҳатто айрим шахслар ихтиёридадир. Демак, ресурсларни асраш, ўзига ва бошқаларга фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш, уларни келажак авлод учун асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Маълумки, ресурсларнинг бир қисми иқтисодий ресурслардир, яъни дастлабки меҳнат таъсиридан ўтган, бироқ ҳали пи-

ровард маҳсулот (тайёр маҳсулот)га айланмаган, хомашёлар шаклидадир. Булар пахта, пилла, қоракўл, жун, сабзавот, мева, ем-хашак, металл, ёқилғи кабилардир. Улардан қандай миқдорда пировард маҳсулот кўп жиҳатдан мавжуд технология, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш даражасига, ходимларнинг малакаси, тажрибаси, ишга муносабатига ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ. Масалан, бир хил миқдордаги хомашёдан икки хил корхона ёки ишчи (мутахассис) нинг оз ёки кўп, сифатли ёхуд сифатсиз маҳсулот олишини ҳаммамиз биламиз. Шунинг учун мавжуд хомашёлардан кўзда тутилган сифатли маҳсулотни олиш, кам чиқимли технология қўллаш, замонавий касб ва малакага эга бўлиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Жамиятнинг маълум ресурслари саноат транспорт ва бошқа корхоналарнинг чиқиндилари, «иккиламчи хомашёлар» деб аталадиган шаклларда мавжуд. Табиий ва иқтисадий ресурсларнинг кўплаб ишлатилиши, ҳозирча тежамсиз технологиянинг қўлланилаётганлиги, кўплаб саноат чиқиндиларининг иккиламчи хомашёларнинг тўпланиб қолишига олиб келиб; аслида эса бу исрофгарчилик, хўжасизлик кўринишидир. Бироқ ресурслар чекланган шароитда бундай ресурсларни кўмиб ташлашга, йўқ қилиб юборишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда иккиламчи ресурсларни тўпловчи, сақловчи ташкилотлар, улардан маҳсулотлар олувчи маҳсус корхоналар вужудга келмоқда.

Ўзбекистонда ер ва сув асосий табиий ресурс, ҳисобланади. Еримиз мамлакатимизнинг асосий бойлиги, битмас-туганмас хазинасидир, у биз учун озиқ-овқат, саноат учун қимматбаҳо хомашё манбаидир. Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони 44,7 млн. га.ни ташкил этади, шундан 28,0 млн. га.си (62,5%) қишлоқ хўжалигига тегишли ерлардир. Қишлоқ хўжалигига қарашли ерларнинг 4,5 млн. га.си ҳайдаладиган ерлар 1,1 млн. га.си личанзор, 22,4 млн. га.си 81 % яйловлардан иборат[13].

Кўриниб турибдики, умумий ер майдонининг фақат 4 млн.га.дан зиёдроқ қисмигина сугориладиган майдонлардир. Агар уларнинг бир қисми ҳар хил курилишлар, шаҳар барпо этиш, якка уй-жой куришларга чиқиб кетаётгани эътиборга олинса, ердан самарали фойдаланиш қанчалик долзарб эканлиги аён бўлади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат. Улар ичидаги ёқилги энергетика, металл минерал хомашё ресурслари алоҳида ўрин эгаллади. Олимларнинг маълумотларига қараганда, мамлакатимиз худудида 140 дан зиёд углеводлар газ ва газ конденсати, нефть, нефть газ конденсат конлари мавжуд. Шу нарса аён бўлдики, юртимизда газ ва нефтнинг бой заҳиралари мавжуд, бу эса мамлакатнинг ёқилги энергетика мустақилигини таъминлаш билан бирга, бундай маҳсулотларни экспорт қилиш имконинин беради. Кейинги йилларда Мингбулоқ, Кўкдумалоқ нефть конлари ва Шўртонгаз комплексининг ўзлаштирилаётгани юқоридағиларга асос бўлади.

Ўзбекистон асл металлар ватани ҳамдир. Ҳозирда таркибида олтин ва кумуш бўлган 30 дан ортиқ кон аниқланган. Ўзбекистон мустақил бўлгач, ўз бойликларини ўзи тасарруф этишга киришди. 1993-2000 йилларда олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Ана шу мақсадда олтин қазиб олиш бўйича янги корхоналар қурилмоқда. Ўзбекистон бошқа рангли металларга ҳам бой мамлакат. Унда мис, қалай, кўрошин, вольфрам, литий, алюминий, уран каби минерал хомашёларнинг йирик заҳиралари мавжуд.

Чотқол Курама тоғларида, бошқа ҳудудларимизда темир, титан, марганец, хром, суръма каби нодир хомашё конларини ўзлаштириш йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатимизда нометал қазилма бойликлари ҳам жуда кўп. Бунга эритувчи моддаларнинг 30дан ортиқ конлари мавжудлиги, қимматбаҳо ва безак тошлиар, табиий туз, сода, сульфат, калий, ош тузи, минерал сувлар ва ҳ.к.ни мисол қилишимиз мумкин.

Вақт жуда катта бойлик бўлиб, вақтни тежаш ҳам ҳар қандай тараққий этган миллат ва ҳалқнинг олижаноб ҳислатидир. Умуман, вақтнинг қадрига етиш, уни тежаш умумий иқтисодий қонун эканлиги маълум. Аммо вақтни тежаш деганда ўтаётган соат ёки дақиқаларни ҳисобга олишни тушуниш керак эмас. Бу ерда гап вақт бирлиги ичидаги бажариладиган иш ҳажми, маҳсулотлар миқдори ва сифатини тежаш исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ўтаётган дамларнинг қадр-қимматини баҳолай билиш, бекорга ўтказилган дамларга афсусланиб яшаш кабилар тушунилади. Вақтни тежаш деганда, кенг маънода, меҳнат унумдорлиги тушунилади.

Меҳнат унумли ҳамда унумсиз бўлиши мумкин. Унумли меҳнат, яратувчилик меҳнати, ўзининг яшаш минимуми, зару-

рий маҳсулотни яратиб, бошқалар учун, жамият равнақи учун қўшимча маҳсулот ҳам яратадиган киши меҳнатидир: унумсиз меҳнат-ҳатто ўзининг тирикчилик фондини ҳам яратмайдиган, зарурий маҳсулотни ҳам ишлаб чиқара олмайдиган меҳнатдир. Улардан бири- вақтни тежашга, иккинчиси- вақтни исроф қилишга мисол бўлади.

Ўзбек халқида «вақтинг кетди-нақдинг кетди» деган мақол бор. Бизнинг назаримизда «Вақтни тежашнинг иқтисодий қонуни» шу мақолда образли ифодаланган. Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари (ишга яроқли аҳолиси) кўплиги билан ҳам ажralиб туради. Бизда меҳнат ресурслари (иш кучи) жуда кўп, улар ортиқча деган фикрлар тез-тез ёзилиб туради. Бу мутлақ ҳақиқат бўлмай, нисбий тушунчалар, яъни республикамизда меҳнат ресурслари мавжуд иш жойларига наслбатан ортиқчадир. Бу холосадан меҳнат ресурсларидан истаганча, фойдаланиш мумкин, уларни тежаш, оқилона фойдаланиш устида бош қотирмаса ҳам бўлади, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бошқа ресурслар сингари меҳнат ресурслари ҳам чекланган.

Айниқса, малакали, тажрибали замонавий касбларни биладиган кишилар унчалик кўп эмас. Меҳнат ресурсларининг умумий ортиқчалиги шароитида шаҳар, вилоят, туманлардаги кўпгина корхоналар ишчи касбларини эгаллаган кишилар, ёшларнинг етишмаслигидан тўла қувват билан ишламаяпти.

Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари қандай? Ўзбекистон аҳолиси деярли 25 млн. кишини ташкил этади. Шунинг деярли ярми — 12 млн. киши меҳнат ресурсларида. Меҳнат ресурсларининг кўпайиши, биринчидан аҳолининг табиий тез ўсиши ҳисобига, иккинчидан аҳоли умр кўришининг ортиши ҳисобига юз бермоқда. Ҳозирги даврда мавжуд меҳнатга лаёқатли аҳолининг 3,5 млн.и бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришида банд[9].

Аслида бу тармоқдаги ишларни 1,5-2 млн. киши билан ҳам бемалол бажарса бўлади. Барча меҳнат ресурсларининг 80%га яқини халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишламоқда. Шу билан бирга меҳнат ресурсларининг 30% соғликни саклаш, савдо, умумий овқатланиш, тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият, фан, санъат, давлат идоралари, ҳарбий хизмат соҳаларида хизмат қиласди.

Меҳнат ресурслари — Ўзбекистоннинг асосий бойлиги. Бозор иқтисодиётига меҳнат ресурслари кўп бўлган мамлакатларнинг тезроқ ўтиши Япония, Малайзия, Туркия, Тайван, Син-

Гапур, Йиндонезия, Бразилия каби мамлакатлар мисолида ўз исботини тоғди. Демак, биз бозор иқтисодиётига нисбатан қисқа муддатларда ўтишни мақсад қилаётган эканмиз, бунда ўлкамизнинг бой меҳнат ресурсларига асосланмоқдамиз.

Инсоният тараққиёти бизни ўраб турган табиий муҳит, шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш масаласини тобора долзарб қилиб қўймоқда. Бу ерда гап ўлкамизда жойлашган денгиз, дарёлар, сув омборлари, кўллар имкониятлари, юртимизнинг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш устида бормоқда. Бизнингча, иқтисодиётнинг шаклланишида табиий муҳит ва шарт-шароитлардан фойдаланиш лозим.

Дарёлар, кўллар, сув омборларидағи бой табиий ресурслар аввал такрор ишлаб чиқарилсин (масалан, сув ҳавзаларидағи балиқлар уларнинг умумий миқдорини камайтирилмаган ҳолда овландиши керак) ва тиклаб борилсин.

2.1. Иқтисодий ўсиш аломатлари ва унда ресурстежамкорликнинг аҳамияти

Ишлаб чиқаришда нобудгарчилик ва чиқитларни камайтириш моддий бойликларни тежашда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш чиқитларига ва нобутгарчиликка ҳали кўпгина корхоналарда йўл қўйилмоқда. Бу муҳим резервдан корхоналар яхши фойдалана олмаяпти.

Ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган хомашё ва материалларни тўғри тўплаш ва уларни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаш янги техника ва технологияни жорий қилиш ҳам тежамкорлик омиллариданdir.

Ишлаб чиқариш химиялаштирилиши натижасида ишлаб чиқариш чиқитлари анча камайди. Химиялаштиришнинг материалларни тежашга таъсири хомашёдан ҳар томонлама фойдаланишда, ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишда, технология жараёнларини инвестициялаштиришда ва шу туфайли хомашё солиштирма сарфининг камайишида, янги хил сунъий материаллар яратишда намоён бўлади. Бунда кўпгина буюмлар бир марта ишлатилганидан кейин яна қайта ишлатиш учун яроқли бўлиб қолаверади. Шина, металл, каучук буюмлар ана шундай қайта фойдаланиш мумкин бўлган буюмлардир.

Ердамчи мойлаш материаллари ва шахсий истеъмол материаллари (кийим-кечак, қофоз буюмлар, шиша) ҳам шулар

жумласидан. Шунинг учун ҳам ишлатилган резина, ёғоч, мой, шиша ва шу каби нарсаларни нобуд қилмасдан тўплаш ва уларни ишга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашнинг ташкилий-иктисодий замини ҳам муҳимдир. Моддий ресурсларни тежашни таъминловчи асосий йўллардан бири хўжалик ҳисобини тинмай мустаҳкамлаб боришидир. Мёддий ресурсларни тежашда таъминот идораларининг роли тўғри ташкил этилган моддий ресурслар таъминоти уларни тежашнинг муҳим омилидир. Саноат маҳсулотининг таннархига кирган моддий харажатларнинг қарийб аксарият қисмини ташкил этувчи материал ресурслар моддий ресурслар таъминоти орқали ўтади. Корхонанинг моддий бойликларга бўлган эҳтиёжини аниқ ва тўғри белгилаш учун хомашё, материал ва ёқилғи сарфлашнинг илғор меъёллари, яъни уларни имкон борича тежаб сарф этишини кўзда тутган меъёллар бўлиши лозим.

Халқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан бири ишлаб чиқаришдаги моддий-техник ресурслари тузилмасини тинмай яхшилаб боришидир. Халқ хўжалигида ўсиб бораётган илмий-техникавий инқилоб янги илғор ва иктиносий жиҳатдан фойдали материалларнинг салмоғини мутгасил ошириб боришига имкон беради. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, аввало, моддий ресурслар таъминоти режаларида акс этади.

Иккиласми хомашё ва чиқитларни ишга солиш моддий ресурслар таъминоти органларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Маълумки, ундан яхши фойдаланган тақдирда тақчил материалларни тежаш, янги кувватларни ишга солиш учун қилинадиган капитал харажатларни камайтириш мумкин.

Бозор иктиносидиётига ўтишдаги танлаб олинган йўл кўп жиҳатдан хўжалик соҳасидаги анъаналар ва урф-одатларни сифат жиҳатидан янги негизда қайта тиклаш, эски, ўзгармас йўлдан кутилиш ҳамда аҳолида бозор муносабатларига хос бўлган иктиносий тафаккур ва психологияни маърифий ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун ҳамма асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, кудратли иктиносий ва илмий-техникавий, инсоний ва майдоний салоҳият мавжуд. Энг муҳими бу диёрга меҳнатсевар ва истеъоддли халқ яшайди.

Ўзбекистон ўтмишнинг оғир оқибатларини бартараф этиш, тангликдан чиқиб олиш, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон берадиган етарли куч-кудратга өга. Заминимиз қимматбаҳо минерал – хомашё ресурсларга бойлиги халқ хўжалигининг ички тузилишини ўзгартириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга имкон беради.

Мустақиллик шароитида ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий ресурслар, кўп авлодларнинг меҳнатлари билан барпо этилган иқтисодий, илмий-техникавий имкониятлар ва ақлзие салоҳияти миллий бойликка айланиб, аҳоли фаровонлигининг гарови ва ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлиб қолади. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хомашё ресурслари тўпландиган. Ҳозирча республикада минерал хомашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал хомашёларнинг 700 та кони мавжуд. Амалда Менделеев даврий жадвалидаги ҳамма элементлар республикамиизда бор. 370 кон ишлаб турибди, уларда бир йил қазиб олинаётган кон жинслари ҳажми 200 млн. т.дан ортади.

Республикада катта табиий энергия ресурслари газ, нефть, гидроэнергетика ресурслари ва кўмирнинг мавжудлиги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Марказий Осиё минтақасидаги газ кондесати заҳираларининг деярли 74%и, нефтнинг 31%и, табиий газнинг 40%и ва кўмирнинг 55%и Ўзбекистон улушкига тўғри келади.

Табиий газнинг аниқланган заҳиралари деярли 2 трлн. куб м., кўмир 2 млрд. т кўпроқ, нефть 350 млн. т.ни ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида учинчи ўринда туради ва жаҳондаги газ қазиб чиқарувчи 10 та энг йирик мамлакат қаторига киради. Табиий газ асосий энергетика ресурси бўлиб қолмай, шу билан бирга нафақат республика эҳтиёжи учун, балки чет мамлакатларига сотиш учун ҳам минерал ўқитлар, синтетик тола ва иллар, полипропилен, полистирол ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда хомашёдир.

Республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам мавжуд. Ўрта Осиёдаги гидроэнергетика манбалари ва фойдаланишнинг техникавий имконияти бўлган гидроэнергетика ресурсларининг 14%и, амалда фойдаланилаётган гидроэнергетика ресурсларининг 21%и Ўзбекистонга тўғри ке-

лади. Шуни ҳам айтиш керакки, республиканинг гидроэнергетика имкониятларидан ҳали ҳам тўлиқ фойдаланилмаяти. Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуи унинг энергетика ресурсларига доим ортиб бораётган эҳтиёжни таъминлабгина қолмайди. Ўзбекистон кўп вақтдан бўён бошқа минтақаларга табиий газ етказиб бермоқда.

Сўнгги икки йил ичида топилган нефть (Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конлари) ва газ заҳиралари келгусида республиканинг ўз эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини четга сотишни анча кўпайтиришга ҳам имкон беради.

Фойдали қазилмалар кўп турларининг аралаш жойлашгани, кон-геология шароитларининг қулайлиги, худудларга кўп тўплангани бу конларни самарали ўзлаштириш, саноатнинг жаҳон бозорида рақобатбардош кон қазиб чиқарувчи кичик тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Ўзбекистон қимматбаҳо ва нодир металлар — соғ олтин, кумуш, уран ва бошқа ноёб металлар заҳиралари ҳамда ударни қазиб чиқариш жиҳатидан ҳам ажralиб туради. Ресpubликада 30 та олтин кони қазиб чиқарадиган олтиннинг умумий ҳажми республикада МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи ўринда, жаҳонда саккизинчи ўринда туради, аҳоли жон бошига олтин қазиб чиқариш жиҳатидан жаҳонда бешинчи ўринда туради. Ўзбек олтинининг сифати энг юқори жаҳон андозаларига мос келади, сўнгги икки йил ичида ўзбек олтини уч марта халқаро совринни олишга сазовор бўлди.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бошқа рангли нодир металлар-мис, молибден, кўрғошин, руж, вольфрам, литий кабиларнинг заҳиралари ҳам кўп.

Гил (каолин), дала шпати, шишабоп оддий квárц ва кварцдала шпати куми, бентонит гили, фосфоритлар ҳамда минерал ўқитлар, чинни-фаянс идишлар ички ҳамда ташқи бозорда рақобатлидир. Талаб жуда катта бўлган бошқа буюмлар ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланиладиган шу каби минералларни республикадаги мавжуд қимматбаҳо нометаллургия хомашёси қаторига киритиш мумкин. Бу минералларнинг кўплаб конлари ноёб табиат намуналари бўлиб, бутун Евроосиё минтақасида энг катта кон ҳисобланади. Бокститлар, фосфоритлар, турли тузларнинг заҳиралари келгуси асрда ҳам кўп йиллар республиканинг эҳтиёжларини таъминлай олади.

Иккиласмачи минерал ресурслар маъдан конлардаги ташлаб юборилган тоқ жинслари, металлургия бойитиш корхоналари-

нинг чиқитлари, шунингдек маъданларнинг ҳисобга олинмаган заҳиралари ва конларнинг устини очища чиқсан жинслар заҳиралари ҳам муҳим манбалардир. Республикада ишлаб чиқарилаётган ресурсларнинг турлари, биринчи навбатда, металлар энг тақчил ресурслар қаторига киради, шу сабабли жаҳон бозорида уларга талаб катта.

Ўзбекистон қудратли қишлоқ хўжалигига эгадир. Республика катта экспорт имкониятига эга бўлган энг муҳим стратегик маҳсулот — пахта етиштирувчи ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи асосий ўлқадир. Бутун Марказий Осиёда 2 млн. т. га яқин пахта толаси ишлаб чиқарилаётган бўлса, шундан 1,5 млн. т. си Ўзбекистон толасидир. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришда жаҳонда бешинчи ўринда ва уни экспорт қилишда иккинчи ўринда туради.

Республика минтақалараро меҳнат тақсимотида сабзавот, мева ва узум етказиб берадиган асосий ўлка бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу маҳсулотларнинг кўплари таъми жиҳатидан нодир ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда 5 млн. т.гача мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда, бу республика бозорининг эҳтиёжларидан анча ортиқдир.

Чорвачилик маҳсулотларининг кўпгина турлари пилла, жун, қоракўл тери ва ундан тайёрланадиган буюмлар республикадан ташқарида ҳам машхур бўлиб, бажонидил харид қилинади.

Авлодларнинг меҳнати яратилган ишлаб чиқариш салоҳияти республикани янада самарали ривожлантириш учун ишончли иқтисодий асосдир. Барпо этилган қурилиш базаси, бинокорлик саноати кувватлари ва бу борада тажриба ресурслари мавжуд бўлган тақдирда белгиланган ўзгаришларни амалга оширишга қодирдир.

Республикада қудратли ва бир қанча нодир саноат корхоналари барпо этилган ва ишлаб турибди. Улар саноатнинг деярли барча тармоқлари оғир саноат, машинасозлик, самалётсозлик ва автомобилсозликдан тортиб, енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, фан билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларигача тааллуқлидир. ўрта Осиёдаги машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисми ўзбекистонда тайёрланади. Республика ўрта Осиёда қора металлар ва прокат, самалётлар, моторлар, пахта териш машинаси ва бошқа хўжалик техникаси, кабель маҳсулотлари, экскаваторлар, кўтарма кранлар ва лифтлар, капролактом,

тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати учун машина ускунала-ри, йигиувчи машиналар ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарадиган бирдан-бир давлатдир. Ресурстежамкорликда иқтисодий усул асоси сифатида кўйидаги кўрсаткичларга эъти-бор бериши лозим бўлади:

1. Тармоқ иқтисодиётини бошқаришда моддий ресуролар харажатини бошқарувчи кўрсаткичлар.
2. Ресурсларни тежашда тармоқли ва минтақавий дастурлар бўлмоғи керак.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларни тежаш дас-турларини реализация қилувчи механизмлар бўлиши керак.

Иқтисодиётни тармоқ моддий ресурслар харажатларини бошқариш кўрсаткичлари:

- корхона бўйича;
- тармоқ бўйича (вазирик);
- халқ хўжалиги бўйича бошқаришdir.

Хозирги кунда иқтисодий бошқариш амалга оширилмоқда. Халқ хўжалиги, талаб ва солиқ орқали бошқариш, моддий ре-сурсларни бошқариш дастурлари орқали амалга оширилади.

Хозир ресурсларни тежаш дастурлари Ўзбекистон Фанлар Академиясида яратиладиган Ўзбекистон Республикасининг иж-тилоий-иктисодий ривожланиш мажмуя дастури ҳисобланади. Бу дастурда ресурсни истеъмол қилиш бўлимни мавжуд. Бу бўлимда фанлар Академиясининг илмий текшириц институт-ларида, тармоқ илмий текшириш институтларида олиб борила-диган ишлар акс эттирилган. Фақатгина фанлар Академияси-нинг 9 та институти янги моддий ресурсларни яратиш ва улар-ни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шугулланади.

Тармоқлар илмий текшириш институтларида ҳам янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ишлари олиб борилади. Буларнинг натижалари Фанлар Академиясида 20 йилга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурлар ҳар 5 йилда қайта тузилиб, ишлаб чиқарилади ва натижалари умумлаштирилади. Бугунги кунда шу дастурларнинг 2015 йилга мўлжалланган лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларни тежаш дастур-ларини ишлаб чиқаришда 2 хил йўналиш асосида олиб борила-ди;

1. Фойданинг бир қисми янги техника ва технологияга жо-рий этилади.

2. Ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналарда мақсадли акция сотиши ва ундан олинган маблағларни ресурс тежаш дастурларини жорий этишга сарфлаш.

Моддий ресурслардан фойдаланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубияти асбоб-ускуналар, хомашё материалларидан самарали фойдаланиш даражаси бўйича ўзининг кўрсаткичлари билан белгиланган. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш во-ситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб белгиланади. Хомашё материаллари ҳамда ускуналарнинг ейилиш, эскириши чиқинди ва нобуд бўлиши даражаси ҳам ўшаларда акс этмоғи лозим. Акс ҳолда бундай кўрсаткичлар объектив ва тўла бўлолмайди. Хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчиси — ишлаб чиқаришда ҳосил қилинган маҳсулот микдори ёки шу хомашёдан қанчалик яроқли маҳсулот чиқиши; материаллардан фойдаланиш коэффициенти.

Иккинчиси — фойдаланишда, яни эксплуатация жараёнида моторесурс, машина механизмлари, уларнинг деталь ва узелларининг ишлаш муддати, шунингдек, конструкциядаги ўлчовнинг физик бирлигида ифодаланган асосий материалларнинг ишлаш муддати. Мазкур барча кўрсаткичлар ўз навбатида меъёр ва ҳисбот ҳақиқий кўрсаткичларига бўлинади. Хомашё дастлаб ишлатилганда тайёр маҳсулот ҳосил қилиш кўрсаткичи ёки ишлатилган хомашёдан тайёр яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи қўлланилади.

Масалан, яроқли маҳсулот чиқиш кўрсаткичи металл қўйиш мих ишлаб чиқаришда металларни сарф қилишни меъёrlаща фойдаланилади ва рангдор металл, чўян ва пўлат қўйилмаларни ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ҳ.к. кўрсаткичлари эътиборга олинади.

2.2. Ресурслардан фойдаланиш доирасида ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз ҳалқи танлаб олган йўли очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичмабосқич бормоқда.

Тараққий этаётган ҳар қандай давлат моддий ресурслардан оқилона фойдаланиши лозим. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилингган «Ташқи иқтисодий фаолият» ҳақидаги қонуни асос бўла олади. Республикаизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар энг қисқа муддатларда Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимиға тўла хукуқли киришини ва унинг барча мамлакатлар билан тенг хукуқли ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган. Бу бир томондан, янги технологиялар, бошқариш тажрибаси, хорижий сармоялардан фойдаланиш орқали миллий иқтисодиётни ўстиришга кўмаклашса, бошқа томондан Ўзбекистоннинг бой ресурслари ва ишлаб чиқариш имкониятларининг жаҳон хўжалиигига қўшилиши ҳисобига умумжаҳон иқтисодий имкониятларини кучайтиради.

Жаҳоннинг 40 йирик давлатлари қаторига кириб, хомашёнинг катта заҳираларига, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланган тармоқларига, шунингдек, шаклланган ишчи кучига эга бўлган мамлакатимиз жаҳон бозорида ўзининг дастлабки қадамларини ташламоқда.

Ўзбекистон республикаси ҳар томонлама Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалар, Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси ва ҳ.к.

Мустақил республиканинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги сиёсати жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришда ўз ифодасини топмоқда. 1995 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 6 млрд. долларни ташкил этди. Унинг 45% дан кўпроқи Болтиқ бўйи ва МДҲ мамлакатлари, 55%и бошқа хорижий мамлакатлар билан олиб борилган савдо-сотиққа тўғри келади.

Республика 14 та ривожланган, 12 та ривожланаётган, ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган 9 мамлакат билан ташқи савдо алоқаларига эга. Улар орасида АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия ва ҳ.к.лар мавжуд[1, 6].

Ривожланаётган Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва бошқалар. Шунингдек, Хитой, Болгария, Вьетнам каби мамлакатлар билан анъанавий алоқаларни кенгайтириб бормоқда. Истроил, Испания, Голландия, Корея, Сингапур, Гонконг, Бирлашган Араб Амириклари билан ҳам савдо алоқалари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иктисодий шериги ҳисобланади. 1995 йил октябрда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилади ва Брюсселда, Европа Иттифоқи ҳузурида Ўзбекистон Республикаси ваколатхонаси ишлай бошлиди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида тўқимачилик савдоси маҳсулотлари бўйича битим тузиленган. Ўзбекистонда Европа Иттифоқи «Гассис» техникавий кўкаламлашиш дастури муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон экспортининг асосий маҳсулотлари: пахта толаси (1994 йилда пахта толаси экспорти бўйича жаҳонда АҚШдан кейин 2 ўринни эгаллайди), машиналар, уларга ашё, ўғит, пилла, пахта чиқитлари, ўсимлик ёғи, ип газламалариридир.

Ўзбекистонга 30 дан ортиқ маҳсулот четдан келтирилади. Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, сарёғ, шакар, фармацевтика маҳсулотлари, кийим-кечак, трикотаж, чарм, пойафзал, автомобиллар, қора ва рангли металлар ҳамда улардан ясалган маҳсулотлар, телерадиоапаратура, машиналар ускуна жиҳозлар импортининг асосий бандини ташкил қиласи.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этилган хорижий инвестициялар узоқ муддатли кредитлар ҳам олмоқда. Хорижий инвестициялар биринчи навбатда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга хизмат қиласидиган агросаноат мажмуини ривожлантириш, саноатнинг устувор тармоқларини, хусусан ёқилғи энергетика мажмуасини жадал ривожлантириш, ҳозирги ишлаб турган корхоналарни янгилаш, республиканинг экспорт имкониятларини кучайтириш, экспортда машинасозлик маҳсулотларини кўпайтириш ва бошқа шу кабиларга сарфланмоқда. Республика учун иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантиришни амалга ошириш жуда зарур.

АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Европа тикланиш ва тараққиёт банки катта ҳажмда энг замонавий машина ва ускуналар ҳамда технологияларнинг импорт қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари марказлаштирилган молиялаш шунингдек, Кўкдумалоқ газ-нефть конини ўзлаштириш лойиҳаларини кредитлаш бўйича битимларни имзоладилар. Айниқса, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги нефть конларини ўзлаштириш бўйича Франция билан муносабатлар ривожланмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Мурунтов олтин конларидан олтин, ку-

муш ва бошқа нодир металлар олишга ихтисослашган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси курилди.

Пахта хомашёсини қайта ишлашни бозор талабларига жавоб берадиган янги технологияларни жорий қилиш бўйича ҳам битимлар тузилган. Масалан: Швецария банки билан бирга «Ўзенгилсаноат», «Пахтабанк» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан биргалиқда битимлар туздилар.

Буларнинг ҳаммаси Республиkaning ташқи бозорга фаол кириб бориш, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга кўйиш, Жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиш имкониятларини яратади.

Хозирги бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва республикамиз иқтисодиётининг жаҳон талабларига мос келадиган муҳитини яратиш зарур. Бу ўринда хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида замон талабларига мос келадиган маҳсулотлар яратиш лозим. Биз бунинг, яъни, инвестицияларни хозирги вақтдаги ўрнини кўриш учун куйидаги «Навигул» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси мисолида кўриб чиқамиз.

«Навигул» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси ташкил этилишидан асосий муддао мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, ички ва ташқи бозорни, жаҳон андозаларига мос келадиган юқори сифатли вино, бренди, ароқ ва мевалардан қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида ишга туширилган. Қўшма корхона ташкил этилган кундан бошлаб маркетинг бўлими ташкил қилиниб, бўлимдаги коммивоядер ўз иш фаолиятини бошлади. Макетинг бўлимининг асосий вазифаси илмий асосда изланнишлар ўтказиб, жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишdir. Қўшма корхонанинг 1999 йилдаги иш ҳажми 220 минг доллар ёки 4400000 дона ароқ ва 40000 дал вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Яна қўшма корхонада маҳсулотлар турларини кўпайтириш учун кўшимча равишда бренд ва морочни винолар ишлаб чиқариш учун «Истиқлол» агрофирмаси қошидаги мева ва узумни қайта ишлайдиган корхона қурилиши бошланди. Қўшма корхонада чет эл технологиялари ёрдамида жаҳон бозори андозаларига мос келадиган узум шарбати янги олий навли вино ва бренд ишлаб чиқаришни режалаштириш йўлга қўйилди. Андижон

йўлга қўйилди. Андижон вилоятидаги давлат ва хусусий хўжаликларда етиштиралаётган узум, мева сабзавотлардан ҳар йили энг камида 2000 т.си қабул қилиниб олинади. Узум ва меваларни қайта ишлайдиган корхона тўлиқ ишга тушгандан кейин 1 йилда 1000000 дал оқ вино 40000 дал қизил вино ва 150 т. консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизими. Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимиға фаол жалб этилиши хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилиши ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ) бошқариш тизимини тубдан қайта куришни талаб этди. Бундай зарурат юзага келган қўйидаги 2 муҳим ҳолат билан боғлиқ эди.

Биринчидан, Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида мустақил сиёsat ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга жавобгар бўлган маҳсус ташкилотлар тузиш тақозо этилди.

Иккинчидан, республикада миллий иқтисодиётни тубдан куриш жараёни бошланиши туфайли ТИФ билан шуғулланувчилар сони кенгайди. Уларга турли соҳада (савдо, сармоялар, банк ва бошқалар) ташқи иқтисодий битимларни тузища кенгроқ ҳуқуқлар берилди. Бу соҳадаги шартномалар, битимларни фақат давлат идоралари (Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Миллий банк) эмас, балки мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган (хусусий, ширкат, ҳиссадорлик, хорижий ва бошқалар) турли бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналар ҳам тузиши мумкин бўлди.

Ҳозирги пайтда республикада юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ТИФ ни бошқариш тизими шаклланмоқда ва унинг таркибига кирган ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилмоқда, асосий вазифалар аниқланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ТИФни бошқариш тизимининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Республика миллий манфаатларига жавоб берувчи ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини таъминловчи ташқи иқтисодий сиёsatни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2. ТИФни ташкил этишнинг қонуний асосларини ўрнатиш;

3. Мулкчиликнинг турли кўринишларидан қатъий назар, ТИФнинг барча иштирокчилари учун энг юқори самарадорликни таъминлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

4. Миллий иқтисодиётни муваффақиятли ислоҳ этиш учун ташқи иқтисодий омиллардан тўлиқ фойдаланиш, яъни:

– Ҳозирги кунга келиб, ТИФни бошқаришда Республика Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ТИФнинг ривожланиш стратегиясини аниқлайди, унинг норматив базасини ишлаб чиқади ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ҳаракати устидан умумий назоратни амалга оширади;

– Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги – ягона ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, халқаро алоқаларнинг барча иштирокчилари, яъни давлат, ширкат, пайчилик, жамоат, хусусий ташкилотлари фаолиятини назорат қилишни таъминлади;

– ТИФни тартибга солишнинг давлат усусларини ишлаб чиқади ва қўллайди (божхона търифлари, экспорт квоталари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга рухсат ва бошқалар);

– Вазирликка тақдим этилган рухсатга мос келувчи маҳсулотлар бўйича экспорт-импорт операцияларини ўtkазади;

– ТИФ субъектлари томонидан тузиладиган ташқи иқтисодий шартнома ва келишувларни амалга оширади.

ТИФнинг субъектлари давлат органлари юридик ва жисмоний шахслар халқаро ва чет эл ташкилотлари ҳисобланади.

«Инновация», «Ўзагроимпекс», «Интерсервис», «Ўзташқитранс», «Ўзэкспомарказ» Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимидағи йирик хўжалик ҳисобида ташқи савдо ва иқтисодий ташкилотлар ҳисобланади. Улар шу ташкилотлар учун белгиланган маҳсулот ва хизмат турлари бўйича тижорат-хўжалик фаолиятини амалга оширадилар.

ТИФ билан шуқулланиш ҳуқуқига эга бўлган ва рўйхатдан ўтган давлат, ширкат, кооператив, хусусий миллий ва хорижий корхоналар ташкилотлар, банклар:

– ташқи иқтисодий операцияларга хизмат кўрсатади, шунингдек, экспорт-импорт, сармоявий ва бошқа битимлар тузади;

– корхоналар, ташкилотлар, хусусий шахсларнинг валютадаги ҳисоб-китобларини олиб боради;

— хорижий валюта сармояларини жалб этади, уларга хизмат кўрсатади; валютада кредит заҳираларини йигади, валютада кредитлашни амалга оширади.

Ҳозирги иқтисодиётга хос бўлган белги иложи борича иқтисодий тақсимланишдир. Табиий ресурслар маълум маконда жойлашгани сабабли уларни бир мамлакатдан бошқасига кўчириб бўлмайди. Аммо кўчиб юрадиган ресурслар ҳам борки, капитал ва иш кучи шундай ресурсларга киради. Жаҳон миқёсида капиталнинг тақсимланиб, мамлакатлараро инвестицияланиб бориши капиталнинг халқаро ҳаракатини ташкил этади. Капиталнинг халқаро миқёсдаги ҳаракати унинг экспорт ва импорти шаклида юз беради. Бир мамлакат капитал чиқарса, бошқаси уни қабул қиласди. Аммо мамлакатлараро бир-бирига капитал чиқариш ҳам бор. Масалан: Германия-Бельгияга Бельгия эса ўз навбатида Германияга капитал чиқаради. Капитални одатда ривожланган мамлакатлар чиқаради. 1994 йилда четга хусусий капиталнинг деярли 75% и ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди.

Табиий ресурсга бой мамлакатлар ресурсларни сотишдан тушган пулни капитал сифатида четга қўядилар. Масалан, Кувайт ёки Саудия Арабистони нефть сотишдан тушган пулни (уни нефтедоллар деб атасади) Европа мамлакатларига қўяди. Четга чиқариладиган капиталнинг икки шакли бор. Бири хусусий капитал чиқариш, иккинчиси давлат капиталини чиқариш. Кейинги йилларда хусусий капитални чиқариш кучайиб бормоқда. Бу ишда трансмилий (миллатлараро), яъни халқаро корпорациялар етакчилик қиласди.

Дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритувчи компањиялар трансмилий корпорациялар деб аталади. Мазкур корпорациялар турли капитални ўзида бирлаштиради ёки уларнинг капитали бир мамлакатга қарашли бўлса-да, халқаро миқёсда иш юритади. 1993 йили дунё миқёсида хусусий тармоқка қўйилган (инвестицияланган) капитал 6 трлн. доллар бўлса, шундай 2 трлн. трансмилий корпорациялар ҳиссасига тўғри келади. Янги трансмилий корпорациялар капитали Узбекистонга ҳам қўйилган. Шундай корпорациялардан бири ДЕУ корпорациясий бўлиб, у Корея Республикасига тегишили. 1994 йил 30 ноябрга қадар «DEWO» нинг чет элларда 102 ваколатхонаси ишлайди ва унга қарашли 155 компанияя бўлган. 2000 йилда ваколатхоналарнинг сони 417, компаниялар сони 650 тага етди. Асака автомобиль заводи «ДЭУ» корпорацияси капитала-

ли иштирокидаги қўшма корхона бўлиб, йилига 200 минг дона автомобиль чиқаришга мўлжалланган.

Ўзбекистонга кириб келган хорижий капитал қўшма корхоналарга кўйилган. 1995 йили Ўзбекистонда инвестицияланган хорижий капитал жами инвестицияларнинг 27,2%ини ташкил этди.

Мамлакатлараро капитал чиқариш бир-бирига қарз ёки тадбиркорлик йўлида капитал кўшиш тусини олади. Капитал кўйилганда чет элдаги корхоналар акцияси сотиб олинади, Корхоналарнинг ўзи хусусийлаштирилганда хорижий тадбиркорларга сотилади, чет элда завод-фабрикалар курилади, компаниияларнинг хорижий бўлимлари очилади.

Халқаро миқёсда капитал ортидан иш кучи ҳаракатга кела-ди. Иш кучининг дунё узра кўчиб юриши иш кучининг халқаро миграцияси дейилади. Миграция оқими иш кучи ортича бўлган мамлакатлarda унга талаб бор мамлакатлар томон йўналган бўлади. У кишиларни бир мамлакатдан бошқасига бориб ишлаб келиш учун кўчиб боришини билдиради.

Миграция мунтазам тус олиб, жаҳон ишчи кучи бозорини шакллантирган. 1990 йилларда миграциянинг 4та маркази ташкил топди. АҚШ, Фарбий Европа, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқдаги миграциянинг афзалликлари бор. Бу меҳнат ресурсидан унумли фойдаланиш имконини беради, иш ҳақини оширади, валюта топишга шароит яратади, ниҳоят, ишловчилар малакасини оширади.

Моддий ресурсларни ТИФда тежаш йўллари, деганимизда тежаш усулларини, яъни нима асосда ва қандай тадбирлар на-тижасида тежаш мумкинлигини тушуниш керак. Тежашнинг асосий йўллари:

1) Ишлаб чиқаришнинг техникавий йўли (техника тараққиёти, ихтисослаштириш;

2) Ижтимоий-иқтисодий йўл (ижтимоий мусобақа, хўжалик ҳисоби ва ҳ.к.)дан иборат.

Тежашнинг ишлаб чиқариш техникавий йўллари, ишлаб чиқариш кучлари билан чамбарчас боғланган бўлса, тежашнинг ижтимоий-иқтисодий йўллари ишлаб чиқариш муносабатлари характеристи билан боғлиқдир. Мавжуд ижтимоий тузумнинг иқтисодий қонунлари тақозо қилган бу омиллар муайян бир ижтимоий шароитлардагина амал қиласи.

Моддий ресурсларнинг тежаш манбалари нима ҳисобига (масалан, буюмларнинг оғирлигини камайтириш, чиқимларни

камайтириш ва бошқалар ҳисобига) тежаш мумкинлигини кўрсатади. Ишлаб чиқаришда тежаш манбалари:

— машина ва буюмлар оғирлигини камайтириш билан бирга сифатини яхшилаш;

— ишлаб чиқариш талафларини ва чиқимларини камайтиришдан;

— тақчил материалларни бошқа мувофиқ материаллар билан алмаштириш ва моддий ресурслардан қайтадан фойдаланишдан иборат.

Моддий ресурсларни тежашда халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш керак. Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва хўжалик юритишнинг янги моделини шакллантиришда Давлатга бош ислоҳотчи сифатида муҳим роль ажратилган.

Ташки иқтисодий алоқаларни тартибга солишининг барча усувларини уларнинг мазмун моҳиятига қўра шартли равиша бўйосита ва бевосита усувларга бўлиш мумкин.

Бўйосита усувларга халқаро айирбошлашда қатнашувчиларнинг иқтисодий манфаатларига, яъни даромадлар, фойда миқдори ва уларни тақсимлаш, битим шартлари, уларни ўтказиши муддатлари ва бошқа шу кабиларга бўйосита таъсири этувчи иқтисодий характердаги усувлар киради. Масалан: ТИФ божхона тарифлари ва божлардаги турли солиқлар, валюта тушган пулдан ажратмалар нормативи, халқаро операцияларни кредитлаш ва суғурта қилишининг фоиз миқдорлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Улар ТИФ ни тартибга солишка у ёки бу ҳаракатни танлашга маълум имкониятлар яратади. Шу туфайли бу усувлар мосланувчан усувлар деб аталади.

Бевосита усувлар - мажбурий рухсат бериш-таъқидаш хусусиятига эга бўлиб, халқаро айирбошлашда иштирок этувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини қатъий тартибга солиб туради ҳамда лицензиялаш, квоталаш, маҳсулотлар баённомаси, ТИФ қатнашчиларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳукуқий ва мажбуриятларини аниқловчи қонуний ва меъёрий хужжатларни қабул қилиш ва бошқа усувлар ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистонда иқтисодиётдан ўстувор лойиҳаларни амалга ошириш учун рухсат этилган хорижий инвестициялар ҳажми 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон узоқ муддатли кредитлар ҳам олмоқда. Хорижий инвестициялар биринчи наvbатда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга хизмат

қиладиган агросаноат комплексини ривожлантириш, саноатнинг устувор тармоқлари, хусусан, ёқилғи энергетика мажмусини жадал ривожлантириш, ҳозирги ишлаб турган корхоналарни янгилаш республиканинг экспорт имкониятларини кучайтириш, экспортда машинасозлик маҳсулотларини кўлпайтириш ва бошқа шу кабиларга сарфланмоқда. Республика учун иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантиришни амалга ошириш жуда зарур.

Пахта хомашёсини қайта ишлашнинг бозор талабларига жавоб берадиган янги технологияларни жорий қилиш бўйича ҳам битимлар тузилган. Масалан: Швецария банки билан бирга «Ўзенгилсаноат», «Пахтабанк» Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият» Миллий банки билан бирга туздилар. Буларнинг ҳаммаси республиканинг ташқи бозорига фаол бориш хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, Жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиш имкониятларини яратади[13].

Ўзбекистондаги нефть заҳираларининг қазиб олингандлик даражаси 32%ни ташкил қиласди. Ҳолбуки кўрсаткич Туркменистанда 41%, Тожикистанда 69% га тенг. Табиий газ бўйича ҳам ахвол шундай. Ўзбекистоннинг нефть ва газ қазиб чиқариладиган минтақаларида ривожланган инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олганда, мазкур омиллар уларни янада ривожлантириш ва инвестициялар қўйишдан иборат.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ликвидлик даражаси юқори бўлган фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга қаратилган инвестициялар катта-катта даромадлар келтиради. Дунёдаги етакчи чет эл компаниялари ва фирмалари ҳозирданоқ бу йўналишда фаол қатнашмоқда[1, 19].

1992-йилда олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Корхонанинг муассиси Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компаниясидир. Бу қўшма корхона Мурунгов кони афтармаларининг минераллашган уюшмасидан барпо этилди. Қиймати 220 млн. АҚШ долларига тенг бўлган завод қурилиши 1993 йил октябрида бошланди ва бор йўғи 18 ойда 1995 йил майда тутатилди. 1995 йилда қўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

1994 йилда «Омонгов Гожвилс» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси тузилди. Унинг чет эллик муассасалари Монров компанияси «ББ» ва халқаро Молия корпорацияси

ҳисобланади. Қўшма корхонанинг мақсади Давгинсов ва Омонтвонинг олtingга бой конларини ишга тушириш. Бу мажмуа 1998 йил ишга туширилиши мўлжалланган эди. Ҳозирги вақтда, ўзбекистонлик шериклар билан машхур «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» (АҚШ) ва «Митцуи» (Япония) компаниялари ўргасида Тошкент зонасининг олтин рудали конларини ўзлаштириш ҳақида битим имзоланди. Фаолиятнинг кичик соҳаларида ҳам бир қанча истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгач, Бирлашган Миллатлар Ташқилотига аъзо бўлиб, жаҳондаги 160 дан ортиқ давлат қаторида халқаро алоқада ўз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса кўшмоқда. Ҳозирда республикада минглаб қўшма корхоналар яратилган. Булар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифати ва хилма-хиллигини яхшилаш ҳамда материал, меҳнат, энергия сифимини камайтириш, шунингдек, маҳсулот таннархини ҳам ҳужжатлар асосида камайтиришга эришилди. Бунда кўпгина омиллар мавжудdir:

— моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш деганда, маҳсулот сифими, энергия, меҳнат сифими ва ҳаражатларни камайтириш омиллари. Ишлаб чиқаришнинг тармоқларини интенсификация қилиш омиллари;

— ИИТ самараси;

— моддий ресурслардан фойдаланишда халқаро ҳамкорлик ҳамда уларни сарфлашни камайтириш ва тежаш;

— моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ихтимоий-иқтисодий омиллар (моддий таъминот омили);

— моддий ресурсларни тежашда нарх-наво роли ва уларни стандартлаштириш;

— моддий ресурслар ҳисботи ва статистикаси, прокурорлик назоратини тўғри йўлга қўйиш ва х.к.

Хомашё материаллари, ускуналар бундай кўп тармоқлар тақсимотини ташкил этишда ўзига хос ишнинг ўрни бор. Бунда, мамлакатда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг тармоқлараро, ҳудудлараро ҳўжалик алоқаси низоми қулай бўлиши керак.

Ресурслар жойлашишида саноат корхоналарида катта механизациялашган омборлар комплекси бўлишини тақозо этади. Бу омборларда компьютерлар ёрдамида ресурсларни тақсимлаш самарали бўлади. Моддий ресурслардан, яъни, хомашё материалларни тармоқларни ташкил этишни мумкинлекка кўради.

аллари ёқилғи-энергиясини жүнатиш истеъмолчилар буюртмаси заҳираларни мувофиқлаштиради.

Аммо кўп ҳолларда буюртма истеъмолчи талабини кўрсаткичлар бўйича тўлиқ қондира олмайди (айниқса келиш вақти, сифати, ҳажмини). Бунинг натижасида истеъмолчиларнинг мўлжалланган минимал изланиши тўлиқ ишлаб чиқариш ўрнига бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мажбур қиласи. Моддий ресурслар таъминоти истеъмолчининг ресурсга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги тўғри аҳборот беришга боғлиқ, мажбуриятни тўлиқ бажаришда хўжалик алоқасини такомиллаштириш керак бўлади.

Хозирги вақтда, ресурсни тўғридан-тўғри жўнатиш тизими ни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Кафолат комплексини тараққий эттириш энг янги йўналишлардан биридир. Таъминлаш натижасида янги усулда тежамкорликка аҳамият бериш асосий мақсаддир.

Таъминот йўналишидаги омиллардан бири омборлардаги оптималь заҳирадир. Моддий ресурсларни, яъни хомаше, ёқилғи воситаларини тежашда уларни иккиламчи ресурслардан ҳам оқилона фойдаланиш катта самара беради.

Моддий ресурслардан оқилона фойдаланишда стандартлаштириш роли ниҳоят катта бўлиб, бунда стандартлаш ресурсларни пишиқлиги, чидамлилигига кафолат муддати ва бошқа кўрсаткичларни яхшилашга ва бу кўрсаткичлар меъёрларини оширишга, шунингдек, буюмларни унификация қилиш билан сифатни яхшилашга, ўлчамларни камайтиришга йўналтиради, материал, энергия сифими ва меҳнат сифимини камайтиришга олиб келадиган норматив тежашни тавсия этади.

Хозирги кунда мамлакатимиз моддий ва номоддий салоҳияти харитасидаги давлатлар билан солиштиргандан ўзаро фикрни кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида материаллар сарфини камайтиришни тақозо этади.

Инвестиция соҳаси-миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан биридир. У кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг суръатларига ва қўламига фаол таъсири кўрсатади, илмий-техникавий ва ахолининг анча қисми бандлигини таъминлайди.

Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар, республика ишлаб чиқариш кучларининг оқилона жойлаштирилиши ва ривожланиши кўпчилик ҳолларда унинг қай ахволда эканлигига боғлиқдир. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фонд-

ларни яратиш ва амалда кўрсатувчиларни қўллаш учун йўналирилган капитал куйилмаларнинг анча қисми инвестиция соҳаси орқали ўтиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳатлари стратегияси» нинг жуда муҳим шароитидир. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта куриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади.

Ўзбекистонда кулай инвестицион муҳит «Чет эл сармоялари ва чет эл сармоядорлари фаолиятининг кафолатлари» тўғрисида Конун ва бир қатор қонуний ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан таъминланади. Ўзбекистон республикаси ҳукумати ўтиш даврида давлат иқтисодиёти учун чет эл инвестициялари фоят муҳим эканлигини англатган ҳолда, инвестиция муҳитини яхшилаш, ҳамда чет эллик инвесторлар билан муносабатларда қонунчиликни такомиллаштириш учун барча чораларни кўрмоқда. Чет эл сармояси иштирокида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш амалга ошириш, лойиҳалар танлаш механизмини тартибга солиш, тегишли рухсатнома ҳужжатлари беришни осонлаштириш мақсадида 1998 йил 9 февраляда Президентимизнинг «Чет эл инвестициялари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора тадбирлари»га оид фармони чиқди. Вазирлар Маҳкамасида Инвестиция дастурлари департаменти ташкия этилди. У давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишда жавобгар бўлган бирдан бир ваколатли идорадир. Унда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мониторинг жараёнида департамент фаолиятининг асосий йўналишлари кўйидагилардан иборат деб белгиланган:

— инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳамма босқичларида уларнинг илгари интилишига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва баргарраф этиш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши муддатларини белгилаш;

— инвестиция фаолиятининг меъёрий ҳукуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Инвестиция муҳитидаги ижобий ўзгаришлар, солиқ соҳасида рафбатлантириш чоралари ва имтиёзи қонуний асосда жорий этилганлиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1996 йил 30 ноябрдаги чет эл инвестициялари иштирокида корхоналарга бериладиган кўшимча

рағбатлантириш чоралари ва имтиёзлар тұғрисидаги ПФ-1652 ва ушбу Фармонни қисман ўзгартырыш тұғрисидаги 1998 йил 27 мартаң чиқарылған ПФ-1981 Фармон билан қуидаги имтиёзлар жорий этилди:

1. Чет әл инвестициялари иштирокида ташкил этилиб, республика инвестиция дастурига кириллган лойиҳаларга сармоя соладиган ишлаб чиқариш корхоналарини фойдалдан олинадиган солиқлардан озод қилиш мүддати 5 йилдан 7 йилгача узайтирилди.

2. Чет әл инвестициялари иштирокида ташкил этилиб, Устав фонди чет әл сармояси 50%ли, ундан күпроқни ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналари учун амалдаги фойдалдан олинадиган солиқ ставкалари қуидаги миқдорларда камайтирилди:

300 минг доллардан 1 млн долларгача бўлган эквивалентдаги суммадан - 20 фоиз;

1 млн. доллар ва ундан кўп эквивалентдаги суммадан - 50%.

3. Чет әл инвестициялари иштирокида янги ташкил этилиб, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар қуидагилардан озод қилинади:

— агар корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмида болалар учун мўлжалланган товарлар 25%дан кўпроқни ташкил этса, бундан корхона ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил мүддатга фойдалдан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади. Кейинчалик фойдалдан олинадиган солиқ 2 баробар камайтирилган ставка бўйича ундирилди;

— агар корхонанинг устав фондида чет әл сармоясининг улуши 50% ва ундан кўпроқни ташкил қўлса, у 2 йил мүддатга фойдалдан олинадиган солиқдан озод қилинади.

Чет әл инвестицияси иштирокида ташкил этилган Устав фондида чет әл сармоясининг улуши 50% ва ундан кўпроқни ташкил қиласидиган корхоналарнинг ишлаб чиқаришини кенгайтиришга йўналтириладиган фойда соликқа тортишдан озод қилинади.

Республика 1994 йили 5 майда қабул қилиниб, амалда бўлган «Чет әл инвестицияси ва чет эллик инвесторлар фоалиятининг кафолатлари тұғрисида»ги қонун 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган. «Чет әл инвестициялар тұғрисида»ги ва «Чет әл инвесторлар хукуқдарининг кафолатлари ва уларни ҳимоялаш чора тадбирлари тұғрисида»ги 2 та янги Қонун билан алмаштирилди. Инвесторларнинг хукуқларини анча кенлан алмаштирилди.

гайтиради, уларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоялаш чоралари-ни берди.

Инвестициявий фаолланишнинг ортиши ҳуқуқий бозор муносабатларини шакллантириш билан бирга иқтисодиётни барқарорлаштиришдан уни юксалтиришда йўналтиришдир. Инвестицион фаолликни ошириш учун аввало инвестицион захиралар таркибини инвестиция қурилиш мажмуи ва қайта ишлов бериш саноати фойдасига ўзгартириш, реал тармоқда молиявий жамғармаларнинг кўпайиши учун шароит яратиш керак бўлади, шунингдек, инвестициялар самарадорлигини ошириш керак.

Шу нуқтаи назардан қулай инвестицион иқлим яратиш билан бирга узоқ муддатли қўйилмаларнинг барқарор асосланиши механизмини ишга тушириш ниҳоятда муҳимдир.

Бу ўз навбатида барча воситалардан ҳам бозорга оид рақобатни ривожлантириш, монополизмни чеклаш, қапитални ишлаб чиқаришга тўғри сарфлаш имкониятини таъминлаш ва соҳа ҳамда худудлар ўртасида бемалол ўтиб туриш ҳам инвестиция фаолиятини маълум мақсадга йўналтирилган ҳолда давлат томонидан тартибга солиниши усулларидан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Инвестициявий фаоллик кўп жиҳатдан қимматли қоғозлар бозори ривожланишига боғлиқ. Қимматли қоғозларни банк тизими иштирокида молиявий ресурслар билан таъминлаш муҳимдир. Бюджет тақчиллигини кўшимча пул эмиссиясисиз қоплаш учун қимматли қоғозларни жойлаштириш йўли билан кўпроқ давлат манфаатларига хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда республикада ушбу бозорни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, Президентнинг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари ва республика фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кўпайтириш тўғрисида»ги 1997 йил 31 йил қарори фикримизни далилидир.

Инвестициявий фаолликни кучайтириш ва умуман иқтисоддаги юксалиш кўп жиҳатдан илфор технологиялар ва жиҳозларга асосланган замонавий саноат базасини яратиш билан боғлиқдир. Айниқса инвестиция қурилиш тизимидағи мавжуд база афсуски техника тараққиёти ва бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида бундай ҳолатнинг ўзгартирилиши корхона, ва

ташкилотларнинг ихтиёридадир, аммо айрим ҳолларда ҳукумат ёрдами зарур бўлади.

Инвестиция соҳаси ишлаб чиқаришнинг очик турдалиги ва мураккаблиги, яратилаётган маҳсулотнинг ярим ҳажмдалиги ва сармоя талаблиги, ишлаб чиқариш жараёнининг лойиҳавий қарорлари асосланишининг доимийлиги билан бошқа соҳалардан ажralиб туради. Инвестиция соҳасини фаоллаштиришда уни курилиш фирмалари ва компанияларининг ютури ва муаммолари, у ёки бу инвестициявий лойиҳа ва дастурларни ўзига хослиги тўгрисидаги ахборот базасини кенгайтирилиши мухим роль ўйнаши мумкин. Буларнинг барчаси нафакат инвестициялашнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқаришда, балки касбий услубнинг ва инвестиция жараёни иштироқчилари нинг бошқа манфаатлари тъминланишида мухим роль ўйнайди.

«Митцуи» (Япония) фирмаси иштирокида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, «Ай-Би-Эс индастрист» (АҚШ) компанияси билан Хўжаобод ер ости газ омбори курилиши, «АББ Лумис Глобал» (Германия), «Митцуи» (Япония), «Нишо Ивак», «Тойо Инжениринг» ва «АББ Соиме» (Италия) компаниялари орасида тузишган консорциум ҳамкорлигига Шўртанг газ-кимё мажумасини бунёд этиш бўйича (1998йилда) лойиҳаларда иш бошланди.

1998 йилнинг 17-18 апрел кунлари мамлакатимизда Белгия қироллиги бош вазири Жан Люк Дехани бошчилигидаги ишбилиармонлар «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясида бўлди. Бу ерда томонлар нефть ва газ қазиб қайта ишлаш соҳасида ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик тўгрисида фикр алмашдилар. Ҳозирда иқтисодий ҳамкорлик соҳалари кенгаймокда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, моддий ресурслардан фойдаланиш доирасида республикамиз халқаро иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш нобудгарчилиги ва чиқитларни камайтириш, моддий бойликларни тежашда мухим ўрин тутади. Лекин ҳали бизда камчиликлар мавжуд масалан, айрим ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш чиқитларига ва нобудгарчиликларга йўл кўйилмоқда, яъни мухим заҳирадан корхоналар яхши фойдаланмаяптилар. Буни яхши йўлга кўшиш учун биз ўзбекистонда Кичик ва ўрга корхоналарни янада ривожлантиришимиз лозим. Республикализдаги эскирган ускуналарни янги замонавий ускуналар билан тъминлашимиз, ҳамда қўшма

корхоналарни барпо этишимиз керак. Ресурсларни тежашда бизни ўраб турган табиий мұхит шарт-шароит самараали фойдаланиш масаласини тоборо долзарб қилиб қўймоқда.

2.3. Моддий ресурслар — ишлаб чиқаришнинг ўсишидаги зарурий манбаи

Тежаш манбаілари (масалан, буюмнинг оғирлигини камайтириш, чиқитларни камайтириш ва ҳ.к) тежаш мумкинлигини кўрсатади. Ишлаб чиқаришда тежаш манбалари:

а) машина ва буюмларнинг оғирлигини камайтириш билан бирга уларнинг сифатини кўтариш;

б) ишлаб чиқаришдаги чиқитларни камайтиришдан;

в) материалларни бошқа мувофиқ материаллар билан ала-маштириш ва моддий ресурслардан иборат.

Машина мутлақ оғирлиги ва нисбий оғирлиги билан фарқ қилинади. Машинанинг ўз оғирлиги бор, аммо бундан ташқари, машинанинг қувват бирлигига тўғри келадиган оғирлиги, масалан, дизелнинг 1 от кучига ёки юк автомобилнинг 1 юк кўтариш кучига тўғри келадиган оғирлиги бор.

Ишлаб чиқаришда истемол қилинадиган хомашё ва материалларни тўғри таъланаш ва уларни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаш техника ва технологияни жорий қилиш ҳам тежамкорлик омилларидандир. Масалан, буюмда эркин боғланиш ўрнига штамплаш усулини қўллаш натижасида чиқитлар тахминан 20-25% камаяди. Боғлаб қилинган заготовка, одатда ундан ясаладиган дегалдан кўра анча оғир бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг химиялаштирилиши натижасида ишлаб чиқариш чиқитлари анча камаяди: Химиялаштиришнинг материалларни тежашга таъсири хомашёдан ҳар томонлама фойдаланишда, ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишда технология жараёнларини интенсивлаштиришда ва хомашё солиштирма сарфининг камайишида, янги хил сунъий материаллар яратишда намоён бўлади.

Янги ускуналар ўрнатиш ва катта маблағ сарфлаш талаб қилинмаган ҳолда кундалик технологияни тўғри олиб бориш ва ишлаб чиқариш сифатини кўтариш ҳам нобудгарчилик ва чиқитларни анча камайтиришни таъминлайди.

Моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарф қилишнинг ташкилий иқтисодий замини ҳам мұхим аҳамиятта эга. Маълумки, ташкилий-иктисодий тадбирлар моддий бирликлардан яхши-

роқ фойдаланиш учун зарур шароит туғдиради ва бунга рағбатлантиради, ишлаб чиқариш техникавий омиллари эса, шу ишлаб чиқаришни тежашга бевосита имконият яратади.

Тұғри ташкил этилган моддий ресурслар таъминоти ресурсларни тежашнинг мұхим омилдердір. Саноат маҳсулоти таннархига киргап мөддий харажатларнинг аксарият қисміні ташкил қылувчи мөддий ресурслар таъминоти орқали үтәди, шунинг учун у мұхим омил ҳисобланади. Таъминотни режалаштиришда йүл қўйилган жуда кичкина хато ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Корхонанинг мөддий бойликларга эга бўлган эҳтиёжини аниқ ва тўғри белгилаш учун хомашё, материал ва ёғилғи сарфлашнинг прогрессив меъёрлари, яъни уларни имкони борича тежаб-тергаб сарф қилиш лозим.

Халқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг мұхим резервларидан бири ишлаб чиқаришдаги мөддий ресурслар тузилишини тинмай яхшилаб боришидир. Иккиласми хомашё ва чиқитларни ишга солиш мөддий таъминот органларининг фаолиятига боғлиқдир. Маълумки, улардан яхши фойдаланган тақдирда камчилик материалларни тежаш янги қувватларни ишга солиш учун қилинадиган капитал хараталарни қисман камайтириши мумкин.

Мөддий таъминоти меъёрдан ташқари ва ошиқча туриб қолган материалларни ишга солиш ишлаб чиқариш воситаларининг заҳирада туриш муддатига ижобий ва фаол таъсир кўрсатади. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тинимсиз давом этишини таъминлайдиган қилиб мөддий ресурслар заҳирасининг зарур даражасида минимал меъёрларни белгилаш лозим.

Таъминотни жадал режалаштириш хусусан маҳсус номенклатурада материалларга талабномалар тузиш ҳам материалларни тежашда мұхим ўрин тутади. Аммо фондлар спецификациясини тузишда хато ёки ноаниқликка йўл қўйилса корхонанинг ишига жиҳдий зарар етказилиши мумкин. Айтайлик, завод ёки фабриканинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган материалларининг ҳажми ёки нави нотўғри ёзилса, ёхуд бирон хил материал спецификациясига тасодифан, киритилмай қолгудай бўлса, корхонанинг иши тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Фондларга спецификация тузилаётганида таъминот органлари материалларнинг комплексини ва кенг ассортименити таъмин этишга интиладилар.

Спецификация тузилаётганда:

— материалларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдалари хилини талабномага киритиш имконини назарда тутиш;

— Материалларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, тежамсиз хилларини қисқартиришга ҳаракат қилиш керак.

Хомашё ва материалларни қабул қилишда уларнинг сифати ва миқдорига жиддий ёътибор бериш зарур. Бу ҳам моддий ресурсларни тежашда катта роль ўйнайди.

Моддий таъминот органлари корхоналарнинг моддий ресурсларни истеъмол қилиш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш учун зарур барча имкониятлардан фойдаланишлари ва шу тарика моддий ресурсларни доим тежаб боришда, сарф меъёларини камайтиришга эришишлари лозим.

Материаллардан фойдаланиш коэффиценти тармоқларда (металсозлик ва х.к.) материаллардан тўғри фойдаланишни таҳлил қилишда кенг кўлланилади.[20]

$$К\Phi = 0^0 / N$$

Материаллардан фойдаланиш коэффициенти таҳлил қилинаётганда режадаги фойдаланиш коэффициенти билан ҳақиқатда эришилган коэффициентни таққослаш керак, чунки бу орқали ишлашдаги оғирлиқнинг маҳсулот бирлигига кўчирилган ҳақиқий сарф нисбати ифодаланади. Фойдаланиш коэффициентини таҳлил қиласга таҳлилганда, бажариш учун режадаги (меъёрий) коэффициент ҳисобининг тўғрилигини текшириб олиш лозим.

Сарфлаш коэффициенти. Режадаги сарфлаш коэффициенти сарфлаш меъёри (x) нинг соғиф оғир (Q) га нисбатидир.

Ёки фойдаланиш коэффициентининг тескари миқдори деб қаралса ҳам бўлади, яъни ташкилий даражасини кўрсатади. Яроқли маҳсулот ишлаб чиқариш коэффициенти (K_y) яроқли қўйма оғирлиги (Q) нинг яроқсиз металл оғирлиги (Q_m) га нисбати орқали белгиланади, яъни:

Масалан, агар 500 кг яроқсиз металлни қўйиш натижасида 300кг қўйма тайёр буюм олинган бўлса у ҳолда $K_y=300/500=0,6$ бўлади.

Ёки яроқли маҳсулотнинг чиқиш фоизи куйидаги тенглама асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Мисолда. $K_y=Q_y/100/Q_m$

$K_y=300/100/500=60\%$ ташкил этади.

Ҳақиқий сарфлаш коэффициенти (K_Φ) аниқлаш учун солиштирма (ҳақиқий) сарф тайёр маҳсулот оғирлиги (соғиф оғирлик, нафли назарий сарфлаш)га бўлинади. Агар фойдаланиш коэф-

фициенти бирдан кам (ёки бирга тенг) бўлса, демак сарфлаш коэффициенти бирдан кўп ёки бир бўлади.

Фойдаланиш коэффициенти ва сарфлаш коэффициентлари ҳам меъёрлашган талаф ва чиқитлар миқдорини белгилаб беради. Моддий ресурслардан фойдаланишни, сарф меъёрининг бажарилишини таҳлил қилаётганда шу нарсанни эсда тутиш керакки, агар бундай таҳлил учун фойдаланиш коэффициенти қўлланиладиган бўлса, у вақтда талаф ва чиқитлар бирлик (ёки 100%) ҳисобида олинган сарфлаш меъёрига нисбатан сон (ёки фоиз) билан ҳисобланади.

Агар ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланишни таҳлил қилиш учун фойдаланиш коэффициенти қўлланиладиган бўлса, у вақтда талаф ва чиқитлар 100% ҳисобида олинган сарфлаш меъёрига нисбатан фарқи билан ҳисобланади. Агар ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланишни таҳлил қилиш учун сарфлаш коэффициенти мавжуд бўлса, у ҳолда сарфлаш коэффициентининг миқдорини белгилайди. Бу қоидага амал қилинмаса миқдор ё ошиб кетади ёки камаяди ҳамда ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилишда нотўғри хуносага олиб келади.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб шу нарсанни хуносада қилиб айтсак, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир қаричер, ҳар бир литр, ҳар бир кг ва ҳар бир метр кв. ва куб. хомаше материал ресурсларни тежаб-тергаб, аввалилаб ўз ўрнида ишлатиш зарур. Шу билан биргаликда моддий ресурслардан самарали фойдаланиш даражасини оширишда замонавий техника ва технологияларни хориждан келтириб ўзимизда тадбиқ этишимиз зарур. Бу борада Республикаизда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Агар 1995 йилда жами асбоб импорт ҳажмида асбоб-ускуналарнинг улуши 35,5%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 49,59%ни, 1998 йилда эса 45%ни ташкил қилди. Булардан ташқари республикада кўплаб хорижий ҳамкорлик билан корхоналар очилаятики, натижасда ҳалқ хўжалиги миқёсида моддий ресурслардан фойдаланишнинг самараси ошмоқда.

Бироқ шуни айтиш керакки, техникалар янгиланаётган бўлса-да уларниң хомашёлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ханузгача янгилангани йўқ. Шунинг учун ҳозирда моддий ресурслардан самарали фойдаланишни объектив тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқариш ва жорий қилиш дол зарб масала бўлиб қолмоқда.

III БОБ. РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

3.1. Ресурстежамкорлик ва унинг корхона моддий ресурслари таъминотига таъсири

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтиши ва моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарф қилишнинг ташкилий-иқтисодий замини ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ташкилий-иқтисодий тадбирлар моддий бойликлардан яхшироқ фойдаланиш учун зарур шарт шароит түгдирди ва раббатлантиради, ишлаб чиқариш-техникавий омиллар эса шу ишлаб чиқариш участкасида материалларни тежашга бевосита имконият яратади. Чет эл саноатида ҳам металл қувишда аниқ усулларнинг жорий қилиниши ва материалларни тежашга қаратилган бошқа техникавий тадбирлар кўлланилиши мумкін. Моддий ресурсларни тежаб-тергашни таъмин этувчи асосий йўлларидан бири хўжалик ҳисобини тинмай мустаҳкамлаб боришdir.

Тўғри ташкил этилган моддий ресурслар таъминоти уларни тежашнинг муҳим омилидир. Бу шўнинг учун муҳим омилки, саноат маҳсулоти таннархига кирган моддий харажатларнинг қарийб аксарият қисмини ташкил этувчи материал-ресурслар таъминоти орқали ўгади. Корхонанинг моддий бойликларга бўлган эҳтиёжини аниқ ва тўғри белгилаш учун хомашё, материал ва ёқилғи сарфлашнинг илгор меъёрлари, яъни уларни имкон борича тежаб-тергаб сарф этишини кўзда тутган меъёрлар бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан бири ишлаб чиқаришдаги ресурслар тузилмасини тинмай яхшилаб боришdir. Халқ хўжалигига гуркираб бораётган илмий-техникавий иқтисодий жиҳатдан фойдали материалларнинг салмоғини муттасил ошириб боришга имкон беради. Иккиласмчи хомашё ва чиқитларни ишга солиш ресурслар таъминоти органларининг фаолиятига ҳам боқлиғdir. Маълумки, улардан яхши фойдаланган тақдирда камчил материалларни тежаш, янги

Қувватларни ишга солиш учун қилинадиган капитал ҳаражатларни камайтириш мүмкін.

Ресурслар таъминоти меъёрдан ташқари ва ошиқча туриб қолған материалларни ишга солиб, улардан самарали фойдаланишга ёрдам бериб, ишлаб чиқариш воситаларининг заҳирада туриш муддатига ижобий ва фаол таъсир кўрсатади. Ихтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тинимсиз давом этишини таъминлайдиган қилиб ресурслар заҳирасининг зарур минимал меъёрларини белгилаш лозим.

Ҳозирги вақтда заҳиралар сақлашни фақат бир кунга қисқартирилганда ҳам кўшимча минглаб тонна металл прокати, цемент, кўмир ва бошқалар тежалар экан.

Таъминотни тезкор режалаштириш хусусан маҳсус номенклатурада ва материалларга талабномалар тузиш ҳам материалларни тежашда муҳим ўрин тутади. Аммо, фонdlар спецификасини тузишда хото ёки ноаниклика йўл кўйилса корхонанинг ишига жиддий зарар етазилиши мумкин. Айтайлик бир корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун талаб қилинадиган материалнинг ҳажми ёки нави нотўғри ёзилса, ёхуд бирон хил материал спецификациясига тасодифан, киритилмай қолгундай бўлса корхонанинг иши тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Фонdlарга спецификация тузилаётганида таъминот органдари материалларнинг комплексини ва хилма-хиллигини таъмин этишга интиладилар.

Спецификация тузилаётганда:

- материалларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали хилини талабномага киритиш имконини назарда тузиш;
- материалларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, тежамсиз хилларини қисқартиришга ҳаракат қилиш керак.

Хомашё ва материалларни қабул қилишида уларнинг сифати ва миқдорига жиддий эътибор бериш зарур. Бу ҳам моддий ресурсларни тежашда катта роль ўйнайди.

Материалларнинг миқдорини пухта текшириб қабул қилиш маҳсулот етказиб берувчи ва темир бошқарувининг жавобгарлигини оширади. Маълумки, улар материаллар миқдори ва хилма-хиллигини тўла таъминлаб жўнатиш ва етказиб беришга мажбурдирлар. Шунингдек, миқдор жиҳатидан қабул қилиш хўжасизликка қарши курашни ҳам кучайтиради. Қабул қилишида идишларга ҳам эътибор берилиши лозим. Материалларни миқдор жиҳатидан қабул қилиш тартиби белгилаб берилган. Таъминот соҳасининг ходимлари бу қўлланмани пухта билиб олишлари керак. Материалларнинг сифат жиҳатидан қабул қилиниши ҳам жуда муҳимдир. Материаллар-

ни қабул қилиш етказиб берувчининг жавобгарлигини оширади ва истеъмолчи корхоналарнинг сифатсиз маҳсулот чиқариши олдини олади. Маҳсулотнинг сифат жиҳатидан қабул қилиниши тегишли техникавий текшириш билан талаб қилинганида одатда, бу ишни корхоналарнинг маҳсус органлари техника назорат органлари (ОТК), (лаборатория) тажрибаҳоналар андоза асосида бажаради.

Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан бири ишлаб чиқаришдаги ресурслар тузилмасини тинмай яхшилаб боришдир. Масалан, ҳисобларга кўра асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмига фонд самарадорлиги фақат бир тийиндан ошса ва айланма маблағлар атиги бир фоиз тежаладиган бўлса; шундан ҳосил бўладиган маблағга иккита каттакон автомобиль заводи қуриш мумкин экан. Ҳозирги вақтда хомашё материаллар; ёқилғи ва электр энергиясидан тежаб тергаб фойдаланиш, техникани станок асбоб-ускуналарни эҳтиёт қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимdir.

Мамлакатимизда ҳозир хилма-хил техника жуда кўп. Агар биз ундан укув билан тўла фойдаланмасак, нотўғри фойдаланиш туфайли уларнинг умрини қисқартирсан, бу билан ҳалқимиз манфаатларига чексиз зарар келтирган бўламиз. Бир заводни хомашё, материалларини тежаб-тергаб сарф қилиш натижасида бир неча минг сўм иқтисод қилиниши мумкин. Аммо, бугун мамлакатдаги корхоналарнинг иқтисод қилинган маблағларини жам қиласак, неча юз милионлар, ҳатто миллиардларни ташкил қилиши мумкин. Бу эса ҳар бир ишчининг, ҳар бир хизмат эгасининг грамлаб, сантиметрлаб; киловаттсоатлаб, тийинлаб қилган тежамининг мажмуи бўлади.

Асбоб ускуналар, хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш даражаси ўз кўрсаткичлари билан белгиланади. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб белгиланади. Хомашё ва материаллар ҳамда ускуналарнинг ейилиш-эскириши ҳамда чиқинди ва нобуд бўлиш даражаси ҳам ўшаларда акс этиши лозим. Хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Моддий ресурсларнинг бевосита цехларда сарф қилинишини назорат қилиб боришни уюштириш ҳам материалларни тежашнинг муҳим омилидир.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай назоратнинг энг самарали шакли цехларни таъмин этишда лимит тартибининг шаклланиши-

дир. Бу тадбирнинг моҳияти шундан иборатки, цехга хомашё ва материаллар фақат белгиланган лимитга мувофиқ берилади. Агар брак ёки белгиланган меъёрдан ошиқ сарф қилиниши туфайли хомашё ва материаллар тугаб қолгундай бўлса, кейинчалик цехлар фақат корхона раҳбарларининг ижозати билангина таъмин этилади.

Хомашё ва материалларни тўғри сарфлаш учун курашда моддий ресурслар сарфининг ҳисоби ҳам умумкорхона омборларида ва цехларнинг ўзида яхши йўлга қўйилганлиги муҳим ўрин тутади.

Таъминот органлари ишлаб чиқариш заҳираларини доим текшириб туришлари, ошиқласини тўпланиб қолишига йўл қўймасликлари лозим. Меъёрдан ошиқ ёки қераксиз заҳира пайдо бўлиб қолган тақдирда уни дарҳол ишга солиш (реализация қилиш) чораларини кўрмоқ керак.

3.2. Стандартлаштириш ва ресурстежамкорликнинг ўзаро боғлиқлиги

Стандартлаштириш муайян соҳада манфаатдор барча томонларнинг иштирокида уларнинг манфаатини кўзлаш, жумладан, ишлатиш шартлари ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этган ҳолда тежамга эришиш учун тартибга солиши мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш қоидаларини белгилаш, талаб, назорат, сифатини аниқлаш, баҳолаш ва уларни қўллашдан иборатdir. Стандартлаштириш фан-техника тараққиётига асосланади ва ҳалқ хўжалигида ҳозирда эмас, шу билан бирга келажакда ҳам ривожланишини белгилайди. Стандартлаштириш иқтисодиётни бошқариш, моддий техника базасини яратиш суръатдарини такомиллаштиришга бевосита таъсир этувчи турли хил масалалар бўйича катта доирани ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда амалда бўлган давлат стандартлаш тартиби иқтисодиётнинг ҳамма бўгинларини бир бутун қилиб бирлаштиради ва мамлакат ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида стандартлаш фаолиятини ташкил қиласди.

Стандартлаштириш бўйича ташкил қилишни ўтказиш ишлари ва режалаштириш тартибини тайёрлашни расмийлаштиришни, тасдиқлаш, жорий этиш ва муомалага қўйиш, уни ўзлаштириш, янгилик киритиш, шунингдек, уларга риоя қилишни назорат қилиб бориш стандарт фаолиятини ташкил қиласди. Давлат стандартлаштириш кўмитаси стандартлаштириш ишларига раҳбарлик қиласди. Давлатстандарт органларида стандартлаш ва метрология

билин шуғулланувчи илмий тадқиқот институтлари ва лаборатория мавжуд. Фаолият соҳаларида меъёр қоида бажарилиши мажбурий ва талаблар комплексини белгиловчи норматив-техника хужжатлар тартиби стандартлаштириш негизини ташкил қиласди. Стандартлар ва техник-шартлар асосий норматив-техник хужжатлар бўлади. Корхоналар ишлаб чиқарган ҳар қандай маҳсулоти муайян талабларни қондириши лозим. Бу талаблар стандартлар билан белгиланади. Стандарт маҳсулотни тайёрловчи билан уни истеъмол ўртасида ишлаб чиқариш жараёнларининг талаблари билан маҳсулотларни ишлатиш шартлари орасида алоқа боғлашга имкон беради. Таъминот ходимларининг амалий фаолиятида материаллардан оқилона фойдаланиш ҳамда таъминлаш жараёнини самарали бошқариш учун Давлат стандартлари зарур.

Стандарт инглиз тилидан таржима қилинганда меъёр, науна, андоза маъноларни билдиради. Стандартлаштириладиган обьектга меъёрлар, қоидалар, талаблар комплексини белгилаб беради ва уларни салоҳиятли органлар тасдиқлаб беради. Ўлчов бирликлари, атамалар, белгилар, хомашё, материаллар, турли ашёларни синаш ва ўлчаш усуслари, технологик жараёнлар, маҳсулот сифатига, моддий бойликларни сақлашга кўйилувчи техник талаблар, одамларнинг хавфсизлигига ва бошқалар стандартлаштириш обьектлари бўлади. Техник шартлар маҳсулотларнинг янги турлари ва маркаларига ёхуд, чекланган ҳолда, қўлловчи стандартлаш обьектларига комплекс талабларини белгилаб беради. Стандартлашга доир норматив-техника хужжатлари тугалланган илмий-тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари натижаларига кўра ишлаб чиқиласди. Стандартлаштириш ишлари Давлат стандартлари заминида бўлган энг илғор илмий ва техникий ечимлар натижаларидан иктисадиётда қонун йўли билан фойдаланиш имкониятларини беради.

Стандартлаштириш хомашё, материал, машина ва ускуналарни бир-бири билан ўзаро алмаштириш тамойилидан фойдаланиш имкониятларини беради. Биргина корхона миқёсида эмас, шу билан бирга ҳалқ хўжалигига, ишлаб чиқариш жараёнини комплекс ҳолда, механизациялаштириш ва алмаштириш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ривожлантириш учун шароитлар яратиб беради.

Стандартлаштириш ҳалқаро илмий техника ҳамкорлиги ва савдо сотиқни ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Стандартлар қуйидаги категорияларга бўлинади: Давлат стан-

дартлари, тармоқ стандартлари (ТСТ), корхонанинг стандартлари (КСТ)га бўлинади.

Давлат стандартлари кўплаб ва оммавий ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга, шунингдек, параметр, ўлчамлар, қоидалар, илмий-техника атамалари ва белгилари, ўлчов бирликлари, энг муҳим маҳсулот турларига, саноат ва қишлоқ хўжалик хомашёси ҳамда, материалларга, фойдали қазилма ва ёқилғи, маҳсулотни таснифла ва кодлаш тартиблари, конструкторлик, технологик ва ремонт хужжатларига хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнаткашлар соғлиқини саклаш ишлари ва бошқаларга Қараб белгиланади. Давлат стандартларини Давлат стандарттигина тасдиқлайди ва улар мамлакат халқ хўжалиги ташкилотларига бўйсунадиган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурийдир. Тармоқ стандартлари ҳисобларига кўра белгиланади. ТСТларни етакчи вазирликлар тасдиқлаб беради ва улар талабларни шу тармоқларнинг барча корхоналари, ташкилотлари, шунингдек, ушбу маҳсулотлардан фойдаланувчи бошқа тармоқларнинг корхоналари ҳам бажариши мажбурийдир. Корхоналарнинг стандартлари КСТ факат шу корхоналардаги услублар, қоидалар, маҳсулот ва ашёларга талаблар белгилайди. Корхона стандартлар мавжуд тармоқ ва давлат стандартлари асосида ишлаб чиқарилади ва корхонада ишлаб чиқарувчи маҳсулот сифатининг яхшиланишини назарда тутади ва уни корхонанинг раҳбари ёки бош муҳандис тасдиқлайди. Корхона стандарти бу корхона ҳудудидагина яроқли бўлади.

Стандартлар мазмуни ва вазифасига кўра қўйидаги асосий турларга бўлинади. Булар техник шартлар, талаблар, маҳсулот параметрлари, ўлчамлари, маркалари, турлари, назорат этиш, қабул қилиш услублари, пакетлаш, ташиб ва саклаш қоидалари. Техник шарт-стандартларни муайян бир маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда, етказиб берилаётганда ёки ишлатилаётганда уни истеъмол баҳоларни шунингдек, назорат этиш, қабул қилиб олиш, маркалаш, пакетлашда фаол иштирок этади. Саклаш ва ташиб қоидаларига қўйилувчи техник талабларни белгилайди. Умумий техник шартларнинг стандартлари бир жинсли маҳсулотларнинг муайян гурухларига ўхшаш талабларни кўяди. Техник талабларнинг стандартлари маҳсулотнинг тури ва вазифасига кўра, меъёр ва талабларни белгилайди. Шу меъёр ва талабларга риоя этилса, энг олий сифат таъминланади. Параметр ва ўлчамларнинг стандартлари унификация этиш ва ўзаро алмashiшни таъминлаш

мақсадида тайёр ашёлар ва ярим ашё деталларнинг шакли ва каталигини белгилайди. Маркаларнинг стандартлари хомашё ва материаллар маркаларининг кимёвий таркиби ёки номенклатурасини, бир қанчá ҳолларда эса, уларнинг истеъмол тавсифларини белгилаб беради. Хилма-хиллик стандартлари маҳсулот ва буюмни геометрик шакллар ва ўлчамларни белгилаб беради. Назорат услубларининг стандартлари маҳсулотни синаб кўриш учун намуна олиб тартибини таҳлил усуслари ва ўлчаш услубларини белгилаб беради. Қабул қилиш қоидаларининг стандартлари эса маҳсулот ва ашёларни қабул қилиш тартиби, шунингдек, синаши дастури ва услубларини белгилаб беради. Маркалаш, пакетлаш ташлиц ва сақлаш қоидаларининг стандартлари маҳсулотнинг истеъмол хоссалари сақланишини таъминловчи пакетлаш ва техник жиҳатдан меъёрга кўйиладиган талаблар, маҳсулот сифат кўрсаткичларини сақлаш мақсадида белгилайди.

Давлат стандартига муайян белги берилади. Бу белгилар ҳарфлар рўйхат номери ишга туширилган йилдан иборат бўлади. Эскирган кўрсаткичларни алмаштириш ҳамда фан-техника тараққиёти ютуқларини акс эттириш мақсадида стандартлар ва техник шартлар беш йилда бир марта қайтадан кўриб чиқилади ва янгилашади. Давлат, тармөқ, республика стандартлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нормал қоидалар ва талабларни белгилар экан, унинг сифати анча яхшиланишига кўмак беради. Бунда, корхоналар маҳсулот сифатининг берилган параметрларда таъминлаш учун янги техникани жорий этиши ҳамда ишлаб чиқариш, қайта куриш, меҳнатни ташкил этишини яхшилаш ва сифатни техник назоратдан ўтказиши лозим. Маҳсус ташкилий техник чораларни кўзлаб маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулот сифатини яхшилаш комплекс стандарт бўйича бошқаришнинг ташкилий техник негизи бўлган корхона стандартига кўп жиҳатдан боғлик бўлади. Мамлакатимизда ги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар давлат стандартлари билан қамралган. Ишлаб чиқаришда технологияни тайёрлаш конструкторлик кўрсатмаларини ягона тартибли технолого-гик ҳужжатлар асосида маҳсулотни таснифлаш ва кодлаш ягона тартибда бўлиши шунингдек, тармоқлараро катта-катта муаммоларни ҳал этиувчи стандартлар комплексини иқтисодиётда жорий этиш маҳсулот сифатини кўтаришда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда жорий этилаётган маҳсулот сифатини бошқаришнинг ягона тартибини ишлаб чиқиши маҳсулот сифати ўсишига ёрдам беради. Стандартлаш маҳсулот сифатини бошқаришнинг негизи ҳисобланади. Давлат стандартига биноан

маҳсулотга ишлов беришда ёки маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда ва ундан фойдаланишда маҳсулотнинг зарурий сифат даражасини белгилаш, уни таъминлаш ва назорат, рағбатлантириш ва градация йўллари билан сифатни сақлаб туриш маҳсулот сифатини бошқариш ҳисобланади. Бунинг учун маҳсулот сифати муттасил назорат этиб турилади, маҳсулот сифатига таъсир этувчи шароит ва омилларга сабитқадам таъсир этиб борилади. Маҳсулот сифатини бошқариш ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисмидир. Сифатни бошқаришнинг асосий вазифаси жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини юксалтириш ҳамда мамлакат иқтисодиёти эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ қондириш манфаатлари йўлида саноат маҳсулотлари сифати даражасини яхшилаб таъминлаш учун илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда ижтимоий-иктисодий имкониятлардан оқилона фойдаланишдан иборатdir.

Маҳсулот сифатини бошқариш тартиби тармоқ вазирликлари бирлашмалари ва корхоналари даражасида бўлади. Бу орада замонавий ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлашда технологик жараёнларнинг хилма-хиллиги ва конструкцияларнинг мураккаблиги ишчи муносабати ва ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш ихтисослаштириш, чуқурлаштириш, ҳалқ ҳўжалиги корхоналари ва тармоқлари ўргасидаги техникавий ва иқтисодий алоқаларнинг мураккаблиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашда муайян қийинчиликларни вужудга келтиради. Ана шу шароитда маҳсулот сифатини бошқариш маҳсулот ўтадиган ҳамма технологик босқичлар: тадқиқ этиш ва лойиҳалаш, тайёрлаш ва сираб кўриш, етказиб бериш, ташиш, сақлаш ва ишлатиш қаби босқичларда маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тартиби ўзаро боғланганлигини амалда жорий этиши лозим.

Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тартибини ишлаб чиқиши ва жорий этишда илмий лойиҳа конструкторлик ташкилотлари асосий роль ўйнайди. Маҳсулот сифатини режалаштириш билан бирга маҳсулот сифатини моддий техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш ва уларни ўқитиш сифатини оширувчи моддий омиллар маҳсулот сифатни бошқаришда ҳуқуқий ва ахборот воситалари билан таъминланиб туриши каби масалалар ишлаб чиқилган.

Материаллар ва хомашёни қабул қилишда уларнинг сифати ва миқдорига жиддий эътибор бериш зарур. Бу ҳам моддий ресурсни тежашда катта роль ўйнайди.

Материалларнинг миқдорини пухта текшириб қабул қилиш, маҳсулот етказиб берувчи ва темир йўлнинг жавобгарлигини оширади. Маълумки, улар материалларнинг миқдори ва турли туманлигини тўла таъминлаб, жўнатиш ва етказиб беришга мажбурдирлар. Шунингдек, миқдорий қабул қилиш хўжасизликка қарши курашни ҳам кучайтиради. Қабул қилишда идишларга ҳам эътибор берилиши лозим.

Стандартлаш тортилувчи хомашё ва материаллар учун миқдорий қабулни кондицион масса асосида талаб этади.

$$\text{Яъни: } M_k = M_x \cdot \frac{(100 + W_h)}{(100 + Wx)}$$

Бунда M_k - кондицион масса; M_x - ҳақиқий масса
 W_h - материалнинг нормал шароитдаги намлиги, %

$$W_x - \text{ҳақиқий намлиги, \% } W_x = \frac{M_1 - M_2}{M_2} \cdot 100$$

M_1 - дастлабки масса, г.

M_2 - куриқ масса, г.

Материалларни миқдорий қабул қилиш тартиби Давлат арбитражининг тегишли қўлланмасида белгилаб берилган. Маркетинг соҳасининг ходимлари бу қўлланмани пухта билиб олишлари лозим.

Материалларнинг сифат жиҳатдан қабул қилиниши ҳам жуда муҳимдир. Материалларни қабул қилишнинг бу хили маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг жавобгарлигини оширади ва истеъмолчи корхоналарнинг сифатсиз маҳсулот чиқаришининг олдини олади.

Маҳсулотнинг сифат жиҳатидан қабул қилиниши тегишли техникавий текшириш талаб қилинганлигида одатда, бу ишни корхонанинг маҳсус бўлимлари: техник назорат бўлими, лабораториялар, баъзида эса цехлар бажаради. Аммо, бу ҳолларда ҳам маркетинг органдари корхонага сотиб келтириладиган материалларнинг сифатини доим назорат қилиб туришлари лозим бўлади. Хомашё ва материалларнинг яхши сақланиши омбор хўжалигининг қандай ташкил этилишига боғлиқ. Афсуски, кўпгина корхоналарда омбор хўжалигининг аҳволи қониқарли эмас. Моддий ресурсларни бевосита цехларда сарф қилишнинг мунтазам равиша қаттиқ назорат қилиб боришни уюштириш ҳам материалларни тежашда муҳим омилдир.

IV БОБ. МОДДИЙ РЕСУРСЛАРНИ МЕҮЁРЛАШТИРИШ АСОСИ

4.1. Моддий ресурсларнинг сарфланиши: Меъёрлаштириши моҳияти ва тамоиллари

Моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш тўғрисида И. А. Каримов ўз маърузаларида қайта-қайта уқтиради. Келгуси йилларда саноатда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш бир қанча асосий йўналишлар бўйича олиб борилиши керак. Материаллар сарфини камайтириш, хомашё ва материалларни тежаш чинакам давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Ҳозирги кунга келиб хомашё, материаллари, ёқилғи ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, техникани дастгоҳ, асбоб-ускуналарни эҳтиёт қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Статистик маълумотларга кўра битта заводнинг хомашё, материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиши натижасида бир неча минг сўм тежалиши мумкин. Аммо, бугун мамлакатдаги корхоналарнинг тежаган маблағларини жам қилсак, миллиардни ташкил қилиши мумкин. Бу эса оқибатда республика миздаги барча моддий ресурсларнинг тежамкорлиги ва иқтисодиётимизнинг янада юксак тараққий этишида муҳим ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Моддий ресурслар таъминотини режалаштиришнинг ҳар бир босқичида сарфлаш меъёрларидан кенг фойдаланилади. Аввало, сарфлаш меъёрлари асосида корхоналар, тармоқлар, вазирликлар белгиланган ишлаб чиқариш дастурларини бажариш учун зарур моддий ресурсларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари аниқланади: бу ресурслар тармоқлар ва айрим корхоналар ўртасида ҳам ана шу сарфлаш меъёрлари асосида режа орқали тақсим қилинади. Таъминот сотиш ташкилотларининг кундаклик ишларда сарфлаш меъёрларидан кенг фойдаланилади.

Моддий ресурсларни сарфлаш меъёрлари микдор бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий шартларини ҳисобга олган ҳолда муайян тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш

учун хомашё, ёқилғи ва материал сарфлаш даражасининг меъёрда қўйилган максимал миқдорини белгилаб беради. Меъёрлар вазифасига кўра барча талабларга жавоб бериши мумкин. Ишлаб чиқариладиган меъёрларнинг илгорлиги меъёrlашнинг асосий бошланғич, тамойили ҳисобланади. Бу талаб куйидаги шартларга риоя қилинган тақдирдагина бажарилиши мумкин:

— материалларнинг илгор меъёрларга мувофиқ сарфи ҳисобот даврида эришилган даражадан кам бўлиши керак;

— прогрессив меъёрлар ишлаб чиқаришнинг илгор ташкилий техникавий шартларга асосланиб, моддий ресурслардан тежамли фойдаланиши таъминлайдиган технологияни жорий қилишга ёрдам бериши керак;

— сарфлашнинг илгор меъёрлари ишлаб чиқилаётганида илгор ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиб, уларни умумлаштириши зарур;

— илгор меъёрлар ўзгармайдиган, тургун бўлиши мумкин эмас; техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш тақомиллашиб, кадрларнинг малакаси ошиб борган сари меъёрлар қайтадан кўриб борилади. Шу билан бирга меъёрлар реал, амалда бажариладиган бўлиши керак.

Саноатда қўлланиладиган материалларни сарфлаш меъёрларини куйидаги туркумларга бўлиш мумкин:

а) материалларнинг маълум мақсадга ишлатилишига қараб меъёрлар хомашё ва асосий материалларни сарфлаш ҳамда ёрдамчи материалларни сарфлаш меъёрларига бўлинади. Бу гурӯхлардан ҳар бирининг меъёрларини ишлаб чиқиш усулининг хусусиятлари материалларнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда тутган ўрни билан белгиланади. Йқтисодий жиҳатдан ёқилғи ва электроэнергия ҳам ёрдамчи материаллар гурӯхига киради, аммо улар халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва уларни сарфлаш меъёрларини белгилаш услуби алоҳида хусусиятларини назарга олиб гурӯхларга ажратилади;

б) сарфлаш меъёрлари амал қиласидиган режа даврига қараб бу меъёрлар перспектив, йиллик ва тезкор-жорий меъёрларга ажратилади. Перспектив меъёрлар узоқ ўзлаштириш даври (5 йил)га мўлжалланиб, материалларнинг перспектив баланслари ва тақсимот режалари ишлаб чиқилаётгандан қўлланилади. Йиллик меъёрлар ўрта ҳисобда йил давомида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига материал сарфини белгилаб беради. Бу

меъёрлар моддий ресурсларга бўлган йиллик эҳтиёжини аниқланадиганда қўлланилади;

в) ишлаб чиқаришда материаллар истеъмолнинг меъёрда акс этиш даражасига қараб шахсий (индивидуал) ва гурӯҳи меъёрларга бўлинади. Шахсий меъёрлар маълум корхонанинг аниқ шароитига кўра тайёрланадиган муайян тур маҳсулот учун белгиланади, гурӯҳи меъёрлар эса, цехлар, корхоналар, вазирликлар ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқарадиган бир ном ёки бир турдаги маҳсулотга қанча материал сарфлаш лозимлигини белгилайди;

г) меъёрлаштириладиган обьектлар номенклатурасини деталлаштириш даражасига қараб моддий ресурсларни ҳар бир буюм, узел ва деталга сарфлаш меъёрларига бўлинади;

е) меъёрлаштириладиган материаллар номенклатурасининг деталлаштириш даражасига кўра меъёрлар: материалларнинг йириклиштирилган номенклатура асосида ишлаб чиқариладиган ва йиллик талабномалар тузишда фойдаланиладиган йигма меъёрлар ва материалларнинг деталлаштирилган (спецификациялаштирилган) номенклатура асосида тузилиб, корхонанинг ҳар бир конкрет тур, нав, ўлчамдаги материалга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун, материаллар етказиб бериш спецификацияси - талабномалар, таъминотнинг чорак режаларини тушиб учун фойдаланиладиган маҳсус меъёрларга бўлинади.

Материаллар сарфлаш меъёрлари уч элементдан иборат; Бири маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий ресурсларнинг фойдали сарфи; бу назарий формулалар асосида ва шунингдек, детални (буюмни) бевосита ўлчаш ёки тортиб кўриш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Аммо буюмни тайёрлаш учун сарф қилинадиган материал, одатда буюмнинг соғ оғирлиги (соғ ҳажмий)дан кўпроқ бўлади, чунки буюмни тайёрлаш жараёнцида материалнинг бир қисми чиқитга чиқади, яна бир қисмий бутунлай йўқолади (металл эритилганда куйинди ҳосил бўлади, химикатлар бугланиб йўқ бўлади ва ҳ.к.). Бинобарин, сарфлаш меъёрсининг иккинчи элементи (иккинчи қисми) буюмни тайёрлаш давомида вужудга келадиган технология чиқитлардир. Бу чиқит ва талафларнинг таркиби ва ҳажмини технология жараёнининг характери, ишлаб чиқариш машина-ускуналарининг хусусиятлари, материалнинг сифати белгилайди.

Сарфлаш меъёrsининг учинчи элементи маҳсулот тайёрлаш технология жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа ҳар хил техникавий-ташкилий чиқит ва талафлардир. Улар ишлаб чиқариш ва таъминотнинг умумий шароитига боғлиқ бўлиб, режа даврида уларни йўқотиб бўлмайди.

Чиқитлар икки хил бўлади: фойдаланиладиган чиқитлар, фойдаланилмайдиган чиқитлар.. Фойдаланиладиган чиқитлар сарфлаш меъёрига киритилмайди.

Шундай қилиб, умумий тарзда олинган сарфлаш меъёрининг таркиби куйидаги тенглама билан ифода қилиниши мумкин:

$$N_c = Q_\Phi + \Sigma Q = Q_\Phi + \Sigma (Q_1 + q_{1\Phi}) + \Sigma (Q_2 - q_{2\Phi})$$

Бунда Q_Φ - деталь тайёрлашга ишлатиладиган материалнинг фойдали (соф) сарфи;

$\Sigma(Q_1 + q_{1\Phi})$ - фойдаланиладиган қисми ($q_{1\Phi}$) чиқариб ташланган технологиявий чиқит ва талафлар;

$\Sigma(Q_2 - q_{2\Phi})$ - фойдаланиладиган қисми ($q_{2\Phi}$) чиқариб ташланган бошқа ҳар хил техникавий-ташкилий чиқит ва талафлар.

Лойиҳалаштирилган технология жараёнининг характеристики билан белгиланган ва амалда техника- технология чиқитлари ва талафлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида муқаррар пайдо бўладиган чиқитлар ва нобудгарчиликларгина меъёрга киритилади.

Меъёrlарнинг илғорлиги кўп жиҳатдан меъёrlар ишлаб чиқиладиган усувлар билан белгиланади. Амалда моддий ресурслар сарфининг меъёrlарини ишлаб чиқаришда асосан учхил усул: ҳисобот-статистика, тажриба ва таҳлилий- ҳисобот усувлари кўлланилади.

Ҳисобот-статистика усули қўлланилганда сарфлаш меъёри ўтмиш (ҳисобот) даврида ҳақиқатда сарф қилинган материаллар ҳажми тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида белгиланади.

Бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки, у ҳисобот давридаги нобудгарчилик ва материалларнинг ортиқча сарфлашни қонунлаштиради ҳамда уларни режалаштириладиган даврга олиб киради. Демак шу билан ишлаб чиқаришни ташкил этишининг мукаммал бўлмаган усувлари ва моддий ресурслардан нотўғри фойдаланишни мустаҳкамлайди. Ана шунинг учун ҳам меъёrlаштиришнинг ҳисобот-статистик усулини

илғор усул, ишлаб чиқариш ходимларини янги техника ва технологияни жорий қилишга, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулларини татбиқ этишга сафарбар қыладиган усул деб бўлмайди.

Меъёрлаштиришнинг тажриба усули шундан иборатки, маҳсулот ишлаб чиқаришда у ёки бу материал сарфлашни тажриба қилиб кўрилади. Шу асосда сарфлаш меъёри белгиланади. Тажриба қилиш шароитига қараб, бу усул ё лабараторияда тажриба қилиб кўриш усули ёки ишлаб чиқаришда тажриба қилиб кўриш усули бўлади.

Таҳлилий ҳисоб усули қўлланилган тақдирдагина меъёрларнинг илғорлигига ва техника жиҳатидан асосланган бўлишига эришиш мумкин. Бу усул билан сарфлаш меъёрлари белгиланганда ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий шароитлари, шу жумладан технология тузилиши, маҳсулот тайёрлашнинг ташкил этилиши синчилаб таҳлил қилинади. Ана шу таҳлил асосида материалларни тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу тадбирларни жорий қилиш муддатлари белгиланади ва натижада режалаштириладиган даврда материалларни сарфлаш меъёрларининг даражаси белгиланади.

Ҳисобот-статистика ва тажриба усувлари қўлланилганида маҳсулот бирлигини тайёрлаш (иш ҳажми бирлигини бажариш) учун сарф қилинадиган материаллар микдори, одатда, меъёр таркибий элементларга ажратилмасдан ёпгасига белгиланса, таҳлилий ҳисоб усули қўлланилганида норматив ҳисоблари жуда ҳам деталлаштирилиб, сарфлаш меъёри унинг айrim элементларига ҳам белгиланади.

Таҳлилий ҳисоб усули меъёрлаштирилганда маҳсулот бирлиги (ёки иш ҳажми бирлиги)га материалнинг фойдали сарфи чизмалар ҳисобига мувофиқ белгиланади. Фойдали сарф (соғ оғирлик) микдори ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибага асосланиб ва бошқа корхоналар тайёрлаб чиқарадиган шу хил маҳсулотларга таққослаб белгиланади.

4.2. Моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилашдаги самарадорлик

Моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари, одатда, маълум қўшимча харажатларни талаб қиласди. Бу, ўз навбатида, харажатларни уларнинг натижаси билан таққослашни зарур қилиб қўяди. Шуни айтиш керакки, моддий ресурсларни яхшилашдаги тадбирларни тажрибага асосланади.

лаш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар капитал маблағ сифатида, яъни янги машина ва ускуналар ўрнатишга, эскиларини замонавий янгилари билан алмаштиришга сарфланиши ёки айланма чикитларни қайта ишлайдиган қозонлар ва шу кабиларни ўрнатиш учун қилинадиган харажатлар бир хил харажатларди. Текисланган прокат сотиб олишга, хомашёни қўшимча бойитиш ва ҳ.к.лар учун қилинган сарф харажатларнинг бошқа - айланма фондларга йўналтирилган харажатлар турига киради.

Капитал маблағлар сифатида қилинган харажатларнинг сана-марадорлигини белгилаш ҳисоблаш услугига мувофиқдир. Бунда харажатларни қоплаш муддати, меҳнат унумдорлиги, таннархи ва ҳ.к. таққослаш кўрсаткичлари бўлиб хизмат қиласиди. Малъумки, бу хил харажатлар материаллар сарфлаш меъёларини камайтиришга олиб келади.

Материаллар сарфлаш меъёрини камайтиришдан ҳосил бўладиган режали тежам бир хил маҳсулот бўйича қўйидаги формула билан ифода қилинади:

$$T = \Pi \times b \times (N_1 - N_2)$$

Бунда Π - маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик дастури;

b - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган хомашёни ва материаллар баҳоси; N_1 - тадбирлар жорий қилингунча маҳсулот бирлигига материаллар сарфлаш меъёри; N_2 - тадбирлар жорий қилингандан кейин маҳсулот бирлигига материаллар сарфлаш меъёри. Материаллар сарфлаш меъёрини камайтиришдан ҳосил қилинадиган умумий тежам ҳар хил маҳсулот бўйича аниқланадиган бўлса, у ҳолда алоҳида маҳсулотлар тури бўйича олинадиган тежамлар йигиндисига тенг бўлади. Моддий ресурсларни яхшилаш учун капитал маблағ солиш сифатидаги харажатлар натижасида ускуналардан фойдаланишининг ҳам яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва ҳ.к. туфайли бу хил тежамлар ҳам йиллик тежалган суммага қўшилади. Айланма фондларга йўналтирилган харажатлар сана-марадорлигининг ҳисоби алоҳида ҳар бир маҳсулотнинг янги материаллар ишлатилгунча бўлган таннархи билан янги материаллар ишлатилгандан кейинги таннархини солиштириб ҳисобланади. Тадбир қўйидаги тенгсизликка мувофиқ бўлган тақдирдагина самарали, бўлиши мумкин:

$$(N_2 \times b_2 + N_2) < (N_1 \times b_1 + N_1) \text{ ёки } \frac{N_2 \times b_2 + N_2}{N_1 \times b_1 + N_1} < 1$$

бунда: N_1 - одатдаги материални сарфлаш мөндері; N_2 - сифати яхшиланган материални сарфлаш мөндері (алмаштирувчи материаллар ва ҳ.к.); b_1 ва b_2 - одатдаги ва сифати яхшиланган материаллар баҳоси; I_1 ва I_2 - одатдаги ва сифати яхшиланган материалдан маҳсулот тайёрлашдаги иш ҳақи ва бошқа харатлар.

Масалан, корхона 1 станокка сарфлаш мөндері 100 кг, баҳоси эса (1т) 110.000 сүм бўлган оддий прокат ўрнига сарфлаш мөндері 80 кг, баҳоси 112.000 сүмлик текисланган прокат ишлатиш мўлжалланди. Бу ҳолда иш ҳақи ва бошқа харатлар 19.000 сүм ўрнига 18.000 сүмни ташкил қилас экан текисланган прокат кўллашнинг самарадорлиги аниқлааниши лозим.

$$\frac{N_2 \times b_2 + I_2}{N_1 \times b_1 + I_1} = \frac{80 \times 0,112 + 18}{100 \times 0,110 + 19} = \frac{26,9}{30} = 0,89$$

Демак, оддий пўлат ўрнига текисланган пўлат ишлатилса, ҳар бир станок учун бўладиган сарф 11% га ёки 3,1 сўмга кама-яр экан.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш ишлаб чиқариш воситаларининг бир соҳадан иккинчи соҳага (ишлаб чиқариш соҳасидан унумли истеъмол соҳасига) ўтиб туришинигина эмас, балки шу билан бирга уларнинг ҳар икки соҳада ҳам маълум вақт ичida маълум миқдорда бевосита ишчи иштирок этмасдан сақланиб туришини ва шу тариқа моддий ресурсларнинг ижтимоий заҳирани ҳосил этишни ҳам талаб қиласди.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг кенгайтирилиши, ишлаб чиқариш билан истеъмол марказларининг бир-биридан олисда бўлиши, маҳсулотни ишлаб чиқариш вақти билан истеъмолга ўтиш вақти ўргасида катта фарқ бўлиши мумкинлиги ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидан келиб чиқади. Бу омиллар истаган бир ижтимоий тузумда мавжуд бўлишини зытиборга олсан, у вақтда ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим шарти сифатида моддий заҳиралар албатта бўлиши зарур, деган тўғри холосага келамиз.

Бозор шароитида моддий ресурс заҳиралари тамомила бошқа мазмун олади. У кишиларнинг тинмай ўсиб борадиган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг муҳим омили бўлади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари зарурлиги омилларидан бири ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланишидир. Бунинг

боиси шуки, корхона маълум маҳсулот ишлаб чиқариш учун кўпгина бошқа корхона ва ташкилотлардан, кўпинча бир-биридан олисда бўлган қорхона ва ташкилотлардан, ишлаб чиқариш воситалари олиши лозим. Маҳсулот етказиб берувчи корхоналар кўпгина маҳсулотларни гоҳ-гоҳида ишлаб чиқарадилар, баъзан маълум муддатга тўхтатиб ҳам қўядилар. Истеъмолчилар эса уларни ишлаб чиқариш шароитига кўра уз-луксиз ишлатадилар. Демак, истеъмолчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай тўскениликлар шу жумладан ёнғин, табиий офат ва бошқалардан холис қилиш тўхтаб қолишларнинг олдини олиш учун улар қўлида ҳар кун истеъмол қилинадиган миқдордан ташқари яна бир қанча муддатга етарли моддий ресурслар мавжуд бўлиши лозим.

Шундай қилиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти заҳиралар мавжудлигига бевосита боғлиқдир. Омборларда баъзи бир материал бўлмай қолганида корхона ишни тўхтатиб кўймаслик учун ўрнига бошқа хил, бошқа ҳажм ва профилдаги мавжуд материални ишлатишга мажбур бўлади. Одатда бу тариқа бир хил материал ўрнига бошқасини ишлатиш натижасида чиқитлар кўпаяди, машина ва ускуналардан тўғри фойдаланилмайди, иш ҳақи ҳаражатлари ошиб кетади ва баъзан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ҳам паст бўлади ва ҳ.к.

Лекин, ишлаб чиқариш воситаларини керагидан ортиқ ва меъёрдан ташқари заҳира сифатида сақлаш ҳам истеъмолчи корхонанинг ишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Керагидан ортиқ заҳира сақлаш натижасида айланма маблағлар айланниши секинлашади, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш ёмонлашади ва ниҳоят, муомала ҳаражатлари кўпайиб кетади.

Ҳозирги вақтда заҳираларнинг аҳамияти янада ошди, негаки, улардан фойдаланиш корхонанинг фойда ҳосил қилишига бевосита боғлиқ қилиб қўйилган. Фонdlар учун тўловлар жорий этилганлиги меъёрдан ташқари, ортиқча заҳираларни ишга солишда фоят муҳим аҳамиятга эга.

Захираларни тўғри меъёrlаш ва режалаштириш учун, уларнинг таркиби ва тузилишини яхши билиб олиш, уларни тўғри ҳисобга олиш ва ҳолати тўғрисида тўғри ҳисобот юритиш учун умуман моддий заҳираларни туркумлаш керак.

Капиталистик жамиятдаги моддий ресурслар умумий товар заҳиралари, шахсий истеъмол фонди шаклдаги заҳиралар ва унум-

дор капитал заҳираларидан иборат уч гурухга бўлинган. Биринчи гурух заҳираларга муомала соҳасидаги ишлаб чиқариш воситалари билан истеъмол буюмларини киритган. Иккинчи гурухга истеъмолчилар қўлидаги истеъмол буюмлари ва учинчи гурухга ишлаб чиқариш жараёнида бўлган ёки ҳар ҳојда ҳали ишлаб чиқариш элементи сифатида ишлатилмай ишлаб чиқарувчи қўлида турган ишлаб чиқариш воситаларини киритган.

Заҳираларнинг бошқача туркумланиши қўлланилади. Уларни қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин.

I. Ишлаб чиқариш воситалари заҳиралари.

1. Сотишга мўлжалланган заҳиралар.
 - а) тайёр маҳсулот заҳиралари;
 - б) транспорт заҳиралари;
 - в) таъминот-сотиш ташкилотларининг омборларидағи заҳиралари.
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари.

а) ишлаб чиқариш соҳасидаги истеъмолчи корхоналарнинг омборлардаги заҳиралар;

б) бирлашмалар, ишлаб чиқариш корхоналари (фирмалар, трестлар, комбинатлар ва бошқалар)нинг омбордаги заҳиралари;

в) таъминот ташкилотларининг омбордаги заҳиралари

3. Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий резервлари.

4. Тугалланмаган ишлаб чиқариш.

II. Истеъмол буюмлари заҳиралари:

1. Товар заҳиралари:
а) ишлаб чиқарувчи корхоналар омборидаги тайёр маҳсулот заҳиралари;

б) транспорт заҳиралари;

в) таъминот ташкилотларининг омборларидағи истеъмол буюмлари заҳиралари;

г) чакана саводдаги заҳиралари;

2. Шахсий истеъмол буюмлари заҳиралари:

3. Жамоа бўлиб истеъмол қилинадиган буюмлар заҳиралари;

4. Итеъмол буюмларининг ижтимоий заҳиралари.

Муомала соҳасидаги ишлаб чиқариш воситалари заҳиралари товарлар гуруҳигина эмас, сотиш гуруҳига мансубдир. Бу хил заҳираларнинг шундай деб аталиши амалда кулайдир, негаки, ишлаб чиқариш воситалари заҳиралари муомала соҳасидаги истеъмол буюмлари заҳираларидан фарқ қилишга имкон беради, кейингилари эса товар заҳиралари деб аталади. Аммо, бу билан

муомала соҳасидаги ишлаб чиқариш воситалари заҳираларининг товарли хусусияти инкор қилинмайди.

Юқоридаги туркумлашдан кўриниб турибидики, мамлакатлардаги меҳнаткашлар ҳам харид қилиш орасида зарур бўладиган озиқ-овқат ва саноат молдари заҳираларига эгадирлар. Аммо бозор шароитида истеъмол қилинадиган маҳсулот заҳиралари ва давлат резервининг алоҳида тури тобора кўпроқ аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг заҳиралари ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўринларига қараб иккита гурухга: ишлаб чиқариш соҳасидаги заҳираларига ва муомала соҳасидаги заҳираларга бўлинади.

Муомала соҳасидаги ишлаб чиқариш воситалари заҳиралари режалаштириш масалалари саноат маҳсулотлари сотишни ташкил этиш ва режалаштириш курсига оид масала бўлганлиги учун унга тўхталиб ўтирамаймиз. Ишлаб чиқариш заҳиралари моддий ишлаб чиқариш соҳаларига қараб туркумланади: саноат, қурилиш, қишлоқ хўялиги ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш воситалари ўз вазифасига қараб меҳнат воситалари (ускуналар, дастгоҳлар ва ҳ.к.) заҳиралари ва меҳнат предметлари (хомашё, ёқилғи ва ҳ.к.) заҳираларига бўлинади. Ишлаб чиқариш заҳиралари ташкил этилиш хусусиятлари ва нима мақсадда ташкил этилишига қараб: жорий; тайёрлик; эҳтиёт заҳираларга бўлинади.

4.3. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳажмини белгиловчи омиллар

Захиралар ҳажми ҳар хил омиллар таъсирида белгиланади. Масалан, ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳажми-истеъмолчи корхоналар билан маҳсулот етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги масофанинг яқин-олислигига, таъминот-сотиш ташкилотларининг базаларигача бўлган масофа, корхоналар билан худди шу хил маҳсулот истеъмол қиласидиган бошқа корхоналар ўртасидаги масофа (географик омиллар) билан белгиланади. Маҳсулот етказиб берувчи истеъмол қилувчи ўртасидаги масофа қанча олис бўлса, бошқа тенг шароитларда ишлаб чиқариш заҳираларининг умумий ҳажми шунча кўп бўлиши мумкин.

База билан корхона ўртасидаги масофанинг боғлиқлиги шундан иборатки, база корхонага нақадар яқин бўлса, бошқа

тeng шароитларда корхоналарнинг заҳиралари кам ва таъминот — сотиш базасида эса кўп бўлиши керак.

Иккинчи гуруҳ омилларнинг ҳам аҳамияти бундан кам эмас. Булар - материаллар истеъмол қиласиган корхоналарнинг хусусиятига боғлиқ омиллар. Шу нуқтаи назардан материаллар икки гуруҳга бўлинади:

а) айрим корхоналар кўпроқ истеъмол қиласиган ўзига хос материаллар;

б) кўпчилик корхоналар истеъмол қиласиган умумий материаллар.

Кўп корхоналар истеъмол қиласиган материалларнинг, ишлаб чиқариш эҳтиёт заҳиралари асосан таъминот-сотиш ташкилотининг базасида тўпланади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш заҳиралари хомашё ва материалларнинг турили хилларига бўлган эҳтиёж ҳажмига, истеъмолчиларнинг материалларни ишга солиши даврлари ва бир текисда сарфлаш даражасига, етказиб берувчи корхоналарнинг тегишли маҳсулотни тайёрлаш даврлари ва уларни чиқариш муддатларига, тегишли материалларнинг транзит ва буюртма меъёрлари ҳажмига қараб тегишли омборларга тўпланади.

Мол етказиб берувчининг истеъмолчига бериши лозим бўлган материалларнинг энг оз микдори бериш меъёри дейилади. Бериш меъёри қанча кўп бўлса, материал шу муддат ичидаги келиб туриши лозим бўлади. Демак, у материалнинг заҳира микдори ҳам кўп бўлади ёки аксинча, бериш меъёри кам бўлса тез-тез олиб келиш ва заҳирада оз вақт ушлаш лозим бўлади. Материал бериш меъёри мол етказиб берувчи билан истеъмолчи корхоналар ўргасида тузиладиган шартномалар ва бошқа хужжатларда белгиланади. Транзит таъминотда материал бериш меъёри деб, мол етказиб берувчи истеъмолчи манзилига жўнатадиган маҳсулотининг энг кам микдорига айтилади. Транзит усули билан таъминлашда бериш меъёри транзит меъёрлари ҳам деб юритилади. Омбор таъминотида материалларнинг бериш меъёри шу материалларнинг бўлинувчанлиги билан белгиланади. Масалан, сим калаваларнинг қирқилиши, тунукаларнинг кесилиши, суюқ ёнилғиларнинг куйилиши кабилар.

Транзит меъёрларидан ташқари улардан қамроқ микдорда белгиланувчи буюртма меъёрларини ҳам ахратмоқ лозим. Улар бир тур, ном, нав, ўлчамдаги материалларнинг энг кам микдорини белгилайдилар ва мол етказиб берувчилар буюртма

юзасидан у материалларни тайёрлаб беришни ўз бўйинларига оладилар. Буюртма меъёrlари истеъмолчиларга анча курайлик яратади. Масалан, транзит меъёри ҳисобидан мол етказиб берувчи корхонага истеъмолчи томонидан бир неча хил, нав, ўлчам мәтериаллар тайёрлашга буюртма берилса, мол етказиб берувчи бу буюртмаларни бажаришга мажбурдир. Масалан, мегалл қувурларнинг транзит меъёри 65т. бўлса, истеъмолчи бу меъёри ҳисобидан бир неча хил қувургга буюртма бериши мумкин, лекин ҳар бир хил қувурнинг миқдори буюртма меъёри миқдоридан кам бўлмаслиги ва албатта қувур корхона ишлаб чиқарадиган турида бўлмоғи шарт.

Истеъмолчилар билан маҳсулот етказиб берувчиларнинг хўжалик алоқалари барқарорлиги, материал жўнатиш муддатларига қаттиқ риоя қилиниши, истеъмолчиларнинг транзит ва омбор таъминоти (транзитдан ташқари миқдорда) йўли билан таъмин этилиш мумкинлиги ўргасидаги нисбат, корхона ва қурилишларнинг территориал жойланиши ва уларнинг мол етказиб берувчи билан таъминот базалари орасидаги масофа учун фойдаланилладиган транспорт турлари, материаллар етказиб берилишининг мунтазамлиги, ишончлилиги ва бошқалар заҳиралар миқдорига таъсир кўрсатувчи муҳим омилилардир.

Ишлаб чиқариш заҳирасининг меъёри деганда, истеъмолчи ихтиёридаги моддий ресурслар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ва бир текис жараёнини таъмин этадиган миқдорда мавжуд бўлишини тушунамиз.

Заҳира меъерини ҳисоблагандан, бир томондан заҳирага бўлган эҳтиёжнинг мумкин қадар кичиклиги, материал кўп тўпланиб бекор туриб қолмаслиги ва иккинчи томондан, ишлаб чиқариш жараёнида узилиш содир бўлмайдиган даражада ётарли бўлишини назарда тутиш керак. Ишлаб чиқариш заҳиралари меъёrlарини белгилашда материалнинг етказиб берилиш ва истеъмол қилиниш шароитини тўла ҳисобга олиш лозим.

Материалнинг жорий заҳира материаллар келишининг иккى муддати ўргасидаги даврда сарф қилиш учун ҳосил қилинади. Жорий заҳира меъёrlари ҳисобини қўйидаги формулага асосланилади. Бу заҳиранинг энг кўп миқдори ($Z_{ж. Max}$) материал келтиришнинг иккى муддати ўргасидаги (кун ҳисобида) оралиқ (t) билан материалнинг ўртача кундалик эҳтиёжи (\mathcal{E}) кўпайтмасига teng, яъни:[8]

$$Z_{жк} \cdot M_{ax} = \mathcal{E} \times t$$

Материал энг күп келиб тушган куни ва энг кам келиб тушиши лозим бўлган кун жорий заҳирага эга бўлганимиз учун ўртача жорий заҳира миқдори аниқланади.

$$Z_{жк \text{ ўр}} = \mathcal{E} \times t/2$$

Ўртача қундалик истеъмол миқдори режа даври ичида шу материалга бўлган эҳтиёж (\mathcal{E} йил) ундаги календарь кунларга бўлинниб белгиланади:

$$\mathcal{E} = \mathcal{E} \text{ йил} / 360 = \mathcal{E} \text{ кв} / 90 = \mathcal{E} \text{ кв} / 30$$

Материаллар келтиришдаги оралиқ кунни аниқ шароитларга кўра қўйидаги усуллар билан белгилаш мумкин.

Материал келтиришнинг икки муддати ўртасидаги оралиқ кунлар шу материалнинг минимал бериш меъёрига (N_b) боғлиқ бўлса, оралиқ шу меъёрни ўртача қундалик истеъмол миқдорига бўлиб белгиланади:

$$T = N_b / \mathcal{E}$$

Мисол. Металлургия заводи корхонага бир чорак учун 60 т. маълум ўлчамдаги тунка жўнатади. Тунка 60 т.лик вагонга ортилади. Демак, корхона бу материални чорак ичида фақат бир марта олади, бинобарин кейинги туниқа келгунча орадан 90 кун ўгади, яъни оралиқ 90 кун бўлади.

Бу ҳолда энг кўп миқдор жорий заҳира вагоннинг сифим миқдорига, яъни 60 т.га тенг бўлади. Баъзан мол етказиб бериш ўртасидаги оралиқ маълум материалнинг етказиб берувчи корхонасида ишлаб чиқарилиш вақти билан ҳам белгиланади. Бу ҳолда етказиб бериш ўртасидаги оралиқ шу материални етказиб берувчи корхонасида ишлаб чиқаришдаги танаффусга тенг бўлади. Оралиқ эса материал етказиб бериш муддатлари тўғрисидаги шартнома асосида белгиланади.

Материал етказиб бериш ўртасидаги оралиқни белгилаш учун юқорида айтиб ўтилган усулларнинг ҳеч қайсиси ҳам тўғри келмаган тақдирда олдинги йиллардаги материал етказиб беришдаги ҳақиқий танаффус асос қилиб олинади. Унинг тенгламаси қўйидагича:

$$t_{тхм} = \Sigma t x \times B / \Sigma B$$

Бунда t_{txm} - ўтмиш даврда материал етказиб берилишини назарда тутиб ўртача тахмин қилинган оралиқ;

t_x - етказиб бериш ўртасидаги ҳақиқий оралиқ;

B - етказиб бериш оралиқлари t_x га мувофиқ келган материал тўдаларининг миқдори.

Тайёрлик заҳираси миқдори ўртача кунлик эҳтиёж Э нинг материал ишлаб чиқариш истеъмолига тайёрлаш вақти t_t га кўпайтириб белгиланади.

$$Z_{tay} = \mathcal{E} \times t_t$$

Материални истеъмолга тайёрлаш вақти материални истеъмол қилишнинг аниқ шароитлари билан белгиланади. Бунда материални қуритиш, саралаш ва бошқа шу кабилар зарурлиги ҳисобга олинади. Материалларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан қабул қилишга сарф бўладиган вақт ҳам тайёрлаш заҳираларига қўшилади.

Эҳтиёт заҳираси меъёрини бир неча хил усул билан аниқлаш мумкин. Улардан бири эҳтиёт заҳираси миқдорини етказиб беришдаги ҳақиқий оралиқларнинг ўртача тахмин қилинган оралиқлардан четга чиқишиларни назарда тутиб белгилаш усулидир, бунинг формуласи куйидагича:

$$Z_{ext} = \mathcal{E} \times (t_1 - t_{txm}) \frac{B_1}{B}$$

Бунда t_1 материал етказиб бериш ўртача оралиқ (t_{txm}) дан ошиб кетувчи ҳақиқий оралиқлар;

B_1 -келадиган тўдалардаги материалларнинг оралиқлар t_1 га мувофиқ миқдори.

Бунда ўртача тахмин қилинган оралиқлардан ошиб кетган оралиқларигина ҳисобга олинади.

Эҳтиёт заҳираларини белгилашнинг иккинчи усули - материални етказиб берувчидан олишни ташкил этишга сарф бўладиган вақт асос қилиб олинади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Z_{ext} = \mathcal{E} \times (t_1 + t_2 + t_3)$$

Бунда: t_1 - етказиб берувчининг материал жўнатишни ташкил этишига сарф бўладиган вақт;

t_2 - материал йўлда кетаётган вақт;

t_3 - истеъмолчининг материални миқдор ва сифат жиҳатидан қабул қилишига сарф бўладиган вақт.

Бу усулнинг асосий камчилиги шуки, материал жўнатишни ташкил этишга сарф бўладиган вақтни тўғри ва аниқ белгилаб бўлмайди, бу вақт ўтган йиллардаги каби ёки тажриба йўли билан ўртacha статистик миқдор сифатида аникланади.

Юқорида кўрсатилган усуllibарда эҳтиёт заҳираларини аниқ ҳисоблаб чиқариш учун мол етказиб берувчи муайян корхонадангина эмас, балки бошқа корхоналардан ёки таъминот-сотиш ташкилотлари, давлат резерви ва бошқа манбалардан ҳам материал олиш мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шундай имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиш эҳтиёт заҳираларининг миқдорини анча камайишига олиб келади.

Жорий, тайёрлик, эҳтиёт заҳираларининг миқдорлари ҳисоблаб бўлингандан сўнг ишлаб чиқариш заҳирасининг ўртacha умумий меъёри белгиланади. Бу миқдор қуйидаги тенглама ёрдамида аникланади[8].

$$З_{\text{ур.у}} = З_{\text{ур.ж}} + З_{\text{тай}} + З_{\text{эхт}}$$

Моддий – техника таъминотини режалаштиришда, ҳисобкитоб ва бошқа иш юритишида бу миқдор режадаги даврнинг охирига кўчувчи заҳира миқдори деб қабул қилинади.

Заҳираларнинг миқдори мавсумий омиллар таъсирида кескин суръатда ўзгариши мумкин. Бу омилларга фасллар таъсири, ишлаб чиқариш тавсифи, маҳсулотларни ташиш билан боғлиқ омиллар (масалан, сув йўлларининг очилишигача кетган вақт) ва ҳ.к.лар киради. Масалан, маҳсулотнинг келиб тушиш оралиғи йил фаслларига қараб ўзгариши мумкин. Бу ҳолда мавсумий тавсифдаги жорий заҳиралар ташкил қилинади.

Баъзан, кўпроқ қиши фаслида, ёроҷ-тахталар намиқиб қолади ва уларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун қўшимча вақт талаб этилади. Мана шу каби ҳолларда мавсумий тавсифдаги тайёргарлик заҳиралари ташкил қилинади.

Эҳтиёт тарзидағи мавсумий заҳиралар миқдори кўп ҳолларда мавсумий эҳтиёжни эътиборга олиб белгиланади. Энг кўп мавсумий заҳиралар миқдори шу даврдаги кундалик ўртacha истеъмол (\mathcal{E}_1) номаълум материалнинг келиши (ёки истеъмоли) ўртасидаги танаффус вақти (t_1) га кўпайтириб белгиланади:

$$З_{\text{мав. max}} = \mathcal{E}_1 \times t_1$$

Материал келиши ёки истеъмоли ўртасидаги танафуснинг ўлчами (қанчага чўзилиши) ҳар бир ҳолатда алоҳида аниқланади.

Мавсумий даврларнинг ... чўзилиш муддати бир хил бўлмагани учун мавсумий заҳираларни маълум санага ҳар ойнинг бошида бўлган микдорини белгилаш катта аҳамиятга эгадир. Бу микдор қуидагича аниқланади:

$$Z_{m.c} = Z_{mav.max} + \Sigma M_k + \Sigma M_c$$

Бунда: $Z_{m.c}$ - маълум санада мавсумий заҳира микдори;

M_k - мавсумий заҳира майқдори энг кўп бўлган пайтдан бошлиб ҳозир заҳира микдори бёлгиланаётган санагача ўтган даврда келган мӯайян материал микдори;

M_c - шу давр ичида сарф қилинган материал микдори.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг аҳволини тезкор суръатда текшириб туришнинг ташкил этилиши (заҳираларни бошқариш) қуидагича.

Маълумки, хўжаликда узлуксиз ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришларнинг қай даражада бўлса ҳам, заҳиралар микдорига, уларнинг турларига таъсир этмаслиги мумкин. Лекин бу шароитда заҳиралар ҳаракати ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мавжуд эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, хўжаликнинг ҳар бир бўғинида заҳираларни идора қилиш керак.

Заҳираларнинг мавжуд микдорини белгиланган меъёрларга солиштириб текшириб туриш уларни идора қилишнинг зарурий элементидир. Заҳиралар ҳолатини назорат қилиб туришда мавжуд ҳамма усуllibардан фойдаланиш лозим. Бу усуllibардан бири «ABC усули» дир. Бу усулга кўра, корхона (база) истеъмол қиласидиган ва реализация қиласидиган маҳсулотларнинг бутун номенклатуроси заҳираларнинг ялпи қийматидан шу маҳсулотнинг салмоғига қараб уч (A, B, C) гуруҳга бўлинади. Бунда тажрибада аниқланишича номенклатурадаги маҳсулотнинг 10-15% ва заҳиралар умумий қийматининг 70-80%-ини, номенклатурадаги маҳсулотнинг 25% ва заҳиралар қийматининг 20%-ини, қолган 60-65%и эса умумий сумманинг атиги 5%-ини ташкил этади. Шу сабабли биринчи (A) гуруҳнинг ҳолати ҳар кун ёки бўлмаса ойда бир неча марта текширилади.

Иккинчи (В) гурухнинг ҳолати ҳар ойнинг бошида таҳлил қилинади, учинчи (с) гурухнинг ҳолати эса чоракда бир марта текширилади.

Заҳира миқдорининг зарур даражага мувофиқлигини аниқлаш ва ҳар бир айрим маҳсулот заҳирани тўлдириш ёки ошиқласини сотиш чораларини кўриш учун «максимум-минимум» усулини қўллаш мумкин. Бу усулга кўра ҳар бир материалнинг катта ва кичик заҳира меъёри белгиланади. Бунда максимум деб, умумий катта заҳира қабул қилинади, кичик деб эҳтиёт ва тайёрлик заҳира қабул қилинади. Бу маълумотлар ҳар бир материалнинг навлар карточкасига ёзиб қуйилади. Материалнинг навбатдаги келишини ёки бериллишини қайд қилаётганда омборчи заҳиранинг катта даражасидан ошиб кетганини ёки кичик даражадан камайиб кетганини сезса, буни у таъминот бўлимига маълум қиласи. Таъминот бўлими, бу маълумотни олиши билан заҳира миқдорини тегишли даражага келтириш чораларини кўради.

Заҳираларни назорат ва идора қилиш жуда қисқа вақт ичida жуда кўп ҳисоблаш ишларини бажаришни талаб қиласи. Шунинг учун ҳам бу мақсадда замонавий ҳисоблаш техникаси ни қўллаш фоят муҳимдир.

Жадвал маълумот шаклидаги сигнал [8]

№	Материаллар номи	Миқдор бирлиги	Заҳира меъёри		Ҳақиқатда қолгани
			максимал	минимал	
1.	Корбонли пўлат, 25-русумли, диаметри 25 мм	т	75	20	10

4.4. Моддий ресурсларнинг зарурий турларини сарфланни мөърлаштириш

Ишлаб чиқариш воситаларини тежаб-тергаш ижтимоий ишлаб чиқариш самараадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш воситаларини тежаб-тергаш деганда, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш фондлари, хомашё, материаллар ва ёқилгини камроқ сарф қилиш, аммо бу билан маҳсулотнинг сифати, унинг пишиқлиги, чидамлилик муддатига заррача зиён етказмасликни тушунамиз. Ишлаб чиқариш нобудгарчилиги ва чиқитларини камайтириш, моддий бойликларни тежашда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш чиқитлари

ва нобудгарчилликка ҳали күпгина корхоналарда йўл қўйилмоқда. Бу муҳим резервдан корхоналар яхши фойдаланмаётирлар. Масалан, 1997 йилга келиб, ишдан чиқсан шиналар ва эски толали материаллардан 60%дан ҳам камроқ, синик шишалардан тахминан 85%дан фойдаланилган. Қофоз ва картон ишлаб чиқаришда макулатурадан ҳам фойдаланилган. Маълумотларга қараганда, целялюзоза-қофоз саноати 1997 йилда номенклатурадан тўла фойдаланилганида эди, 23 млн. м³. тахта-ёғоч тежалар эди.

Чиқитга чиқаётган металл бир фоиз қисқартирилганда, мамлакат миқёсида 600 минг т. дан кўпроқ металл тежалган бўлур эди. Ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган хомашё ва материалларни тўғри танлаш, уларни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаш, янги тёхника ва технологияни жорий қилиш ҳам тежамкорлик омилларидандир. Масалан, эркин болгалаш ўрнига штамплаш усулини кўллаш натижасида чиқитлар тахминан 20–25%га камаяди. Болгалаб қилинган заготовка, одатда, ундан ясалган деталлардан кўра анча оғир бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг химиялаштирилиши натижасида, ишлаб чиқариш чиқитлари анча камайди, химиялаштиришнинг материалларни тежашга таъсири, хомашёдан ҳар томонлама фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиш, технология жараёнларини интенсивлаштириш ва шу туфайли хомашёнинг солишишторма сарфини камайтириш, янги хил сунъий материаллар яратишда намоён бўлади.

Янги ускуналар ўрнатиш ва катта маблағ сарфлаш талаб қилинмайдиган ҳолда кундалик технологияни тўғри олиб бориш ва ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш нобудгарчилкни ва чиқитларнинг анча камайтирилишини таъминлайди.

Хомашё ва материаллардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳам ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг юксак шаклидир. Ҳар хил технология жараёнлари қўлланилиши ва бир хил хомашёдан хилма-хил истеъмол хусусиятларига эга бўлган буюмлар ишлаб чиқариш, хомашёдан ҳар томонлама фойдаланишнинг муҳим кўринишидир.

Масалан, корхона кукун чиқитларидан худди ўша механика воситасида майдага буюмлар ишлаб чиқарар экан, ана шу чиқитлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Агар кукун чиқитларини химиявий йўл билан қайта ишлаб бир қатор бошқа хил маҳсулотлар (елим, спирт ва ҳ.к.) ҳосил қилинар экан, бу хомашёдан ҳар томонлама фойдаланиш мумкин. Иш-

лаб чиқариш ва истеъмол чиқитларидан фойдаланишнинг кўйидаги учта умумий шарти маълум:

— биринчиси, жуда кўп чиқитларни бир ерга тўплаб, иш кенг кўламда ташкил этилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин;

— иккинчиси, машиналарни такомиллаштириш, бунинг эвазига авваллари истеъмолга арзимаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш истеъмоли учун яроқли ҳолга келади;

— учинчиси, илм-фан ютуқлари, айниқса, чиқитларнинг фойдали хусусиятларини очиб берадиган химия саноатининг мувафақиятидир.

Домна ишлаб чиқаришда клошник чангини батамом ушлаб олиш ва ишга солишнинг ўюнтирилиши қоят муҳимдир. Кунун металurgияси ёки металлокерамика усули металл чиқитларидан фойдаланишга имкон беради. Домна ва кокс газларидан фойдаланишнинг янги усулларига жиддий эътибор берилиши лозим. Ёғоч-такта қипиги ва кесиклардан (ёғоч тай-ёрлаш ва ёғочсозлик саноатида) жуда қимматли маҳсулот тай-ёрлаш мумкин.

Ҳақиқий сарфлаш коэффициентини аниқлаш учун солиштирма (ҳақиқий) сарф тайёр маҳсулот оғирлигига (соғ оғирлик, назарий сарфлаш) бўлинади. Агар фойдаланиш коэффициенти бирдан кам (ёки бирга тенг) бўлса, демак сарфлаш коэффициенти бирдан кўп (ёки бирга тенг) бўлади.

Режадаги фойдаланиш ва сарфлаш коэффициенти ҳам меъёрланган талаб ва чиқитлар миқдорини белгилаб беради. Моддий ресурслардан фойдаланиш, сарф меъёрининг бажарилишини таҳлил қилаётганда шу нарсани эсда тутиш керакки, агар бундай таҳлил учун фойдаланиш коэффициенти фойдаланиладиган бўлса, у ватқда талаф ва чиқитлар бирлик (ёки 100%) ҳисобда олинган сарфлаш меъёрига нисбатан сон (ёки фоиз) билан ҳисоб қилинади. Масалан, режадаги фойдаланиш коэффициенти 0,8 га тенг бўлса, демак, режа ҳисобида сарфлаш меъёрининг 0,2 қисми ёки 20%ни талаф ва чиқитга кетади деб меъёрлаштирилган.

Агар ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланишни таҳлил қилиш учун (режадаги ва ҳақиқий) сарфлаш коэффициентлари мавжуд бўлса, у ҳолда сарфлаш коэффициентининг миқдори (ундан бир сон чиқаруб ташланади) соғ оғирликка (назарий сарфлашга) нисбатан талаф ва чиқитлар миқдорини белгилайди.

Унга амал қилинмаса, сарфлаш меъёри ё ошиб кетади ёки камаяди. Ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишини таҳдил қилишда нотўғри хуносаларга олиб келади.

Юқорида кўриб ўтилган $K_F = 0,8$ (сарф меъеридан 20% талаф ва чиқитлар) учун сарфлаш коэффициентининг миқдори [20]:

$$K_c = 1/K_F = 1/0,8 = 1,25 \text{ [20]}$$

бўлади коэффициентида соф оғирликдан ёки фойдални сарфдан 25% талаф ва чиқит назарда тутилган.

Шундай қилиб, сарфлаш коэффициентининг соф оғирлиги ёки фойдални сарф миқдори бир сонидан кўпdir. Бир сонида юқорисининг бари талаф ва чиқитларнинг нисбий миқдоридир. Талаф ва чиқитлар фоизини белгилаш учун ($K_c = 1$) $\times 100$ зарур: Талафнинг нисбий миқдорида тафовут (фойдаланишининг коэффициенти юзасидан ҳисобланганда меъёрдан 25%) бўлишига қарамасдан бу талафларнинг мутлақ аҳамияти ҳар икки ҳолда ҳам бир хил меъёрдан ҳисоб қилинади.

Ёқилгидан фойдаланиш ёқилги ёки ёнилги ишлатадиган агрегатларнинг фойдални иш коэффициенти (ФИК) билан характеристерланади. Бу коэффициент ёқилгининг фойдални иш беришнинг ҳам ва қанчали талаб бўлганлигини характерлайди.

4.5. Моддий ресурслар сарф меъерининг ишлаб чиқариши воситалари тежалишига таъсири

Асбоб-ускуналар, ҳомацё ва материаллардан самарали фойдаланиш даражаси ўзининг кўрсаткичлари билан белгиланади. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб белгиланади. Ҳомашё ва материаллар ҳамда ускуналарнинг ейилиши-эскириши ҳамда чиқинди ва нобуд бўлиш даражаси ҳам ўшаётардан акс этмоғи лозим. Акс ҳолда, бундай кўрсаткичлар объектив ва тўла бўла олмайди. Ҳомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини икки гурӯхга бўлиш мумкин.

Биринчиси – ишлаб чиқаришда ҳосил қилинган тайёр маҳсулот миқдори ёки шу ҳомашёдан қанчалик яроқли маҳсулот чиқиши; материаллардан фойдаланиш коэффициенти; сарф этиш коэффициенти.

Иккинчиси – фойдаланишда (эксплуатация) – моторесурс, машина, механизмлар, уларнинг деталь ва узелларининг ишлаш муддати, шунингдек, конструкциясидаги ўлчовнинг физик бирлигига ифодаланган асосий материалларнинг ишлаш муддати.

Мазкур барча кўрсаткичлар режада белгиланган (меъёрга мувофиқ) ва ҳисобот (ҳақиқий) кўрсаткичларга бўлинади.

Хомашё дастлаб ишлатилганида тайёр маҳсулот ҳосил қилиш кўрсаткичи ёки ишлатилаётган хомашёдан тайёр яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи кўлланилади:

Яроқли маҳсулот чиқиши. Яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи металл қувишда шихта материалларини сарф қилишни меъёrlашда фойдаланилади ва у рангдор металл, чўян ва пўлат қуималари ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасини кўрсатади. Яроқли маҳсулотнинг чиқиши (K_y) яроқли қуима оғирлиги (Q_y)нинг яроқсиз металл оғирлиги (Q_m)га (металлозавалка) нисбати орқали белгиланади, яъни:[20,24]

$$K_y = Q_y / Q_m$$

бўлади.

Масалан, агар 500 кг яроқсиз металлни қуив, натижасида 300 кг қуима тайёр буюм олинган бўлса у ҳолда,

$$K_y = 300 / 500 = 0,6$$

бўлади.

Ёки яроқли маҳсулотнинг чиқиши фоизи қуидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:[20]

$$K_y = Q_y \times 100 / Q_m$$

Бизнинг мисолимизда

$$K_y = 300 \times 100 / 500 = 60\%$$

ни ташкил этади.

Металл қувишдаги қайтарма чиқитлар (г) (тўкинди, сочиндилари) фоизи ҳам шу тариқа ҳисоблаб чиқарилади:

$$\Gamma = Q_r \times 100 / Q_m,$$

бунда Q_r – металл қувишдаги қайтарма чиқитларнинг оғирлиги.

Агар бизнинг мисолимиздаги 200кг чиқитнинг 120кг қайтарма ва 80 кг қайтмас чиқит бўлса қайтарма чиқитнинг ҳиссасини аниқлаш қуидагича бўлади:

$$r = \frac{120}{200} \times 100 / \frac{80}{120} = 24\%$$

Куйинди натижасида металлнинг камайиш фоизи эса бундай чиқарилади:

$$r = Q_r \times 100 / Q_m,$$

бунда Q_r металлнинг қайтарилмайдиган чиқит оғирлиги. Мисолимизда қайтмас чиқит салмоғи: $r_k = 80 \times 100 / 200 = 16\%$ бўлади.

Материаллардан фойдаланиш коэффициенти саноатнинг ишлаб чиқарувчи тармоқларида (металлсозлик ва ҳ.к.) материаллардан тўғри фойдаланилиши таҳлил қилишда кенг фойдаланилади.

K_f – материалдан фойдаланиш коэффициенти ишлашдаги (соф, фойдали, назарий сарфлаш) оғирликнинг – материални сарфлаш мөъёрига бўлган нисбатидан иборат (бу сарфлаш мөъёрининг кўпинча ҳақиқий сарфлашдан фарқ қилиб норматив сарфлаш дейилади).

$$K_f = Q_o / N,$$

Бунда Q_o – чизмага мувоғик соф, фойдали, назарий оғирлиги;

N – сарфлаш мөъёри. У асосан Q_o дан катта бўлгани учун бу фойдаланиш коэффициенти бирдан ҳам кам демакдир ҳамда нобудгарчилик ва чиқитлар мутлақо бўлмаган тақдирдагина у бирга тенг ($N = Q_o$) бўлади. Амалда фойдаланиш коэффициенти нобудгарчилик чиқитларини муттасил камайтириб, техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириб бориш ҳосисобига бирга тенг бўлишга интилиши лозим.

Материалдан фойдаланиш коэффициентини таҳлил қилаётганда режадаги фойдаланиш коэффициенти билан ҳақиқатда эришилган коэффициентини тақдослаш керак, чунки бу ишлашдаги оғирликнинг маҳсулот бирлигига кўчирилган ҳақиқий сарфга нисбатини ифодалайди.

Фойдаланиш коэффициентининг бажарилиши таҳлил қилинаётганда аввало режадаги (норматив) коэффициент ҳисоби тўғрилигини текшириб олиш лозим.

Сарфлаш коэффициенти. Режадаги сарфлаш коэффициенти сарфлаш меъёри (N)нинг соф оғирлик (Q_o)га нисбатидир.

Моддий ресурслардан фойдаланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усули ресурстежамкорликда ниҳоят зарурдир.

Мазкур барча кўрсаткичлар ўз навбатида меъёрга мувофиқ ва ҳисобот-ҳақиқий кўрсаткичларга бўлинади.

Хомашё дастлаб ишлатилганда тайёр маҳсулот ҳосил қилиш кўрсаткичи ёки ишлатилган хомашёдан тайёр яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи қўлланилади.

Яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи металл қуиши, материаллар сарф қилишни меъёrlашда фойдаланилади. Бунда, рангли металл, чўян ва пўлат қуйилмаларни ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси ҳисобга олинади.

В БОБ. РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИГИДА ТАРМОҚЛАРАРО, ТАРМОҚ ВА МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР

Ўзбекистон катта ёқилғи-энергетика ресурсларига эга. Ёқилғи-энергетика ресурслари иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутади, унинг таркибига нефть-конденсат, табиий газ ва кўмири киради. Ўзбекистон ҳудудида 14 дан ортиқ углеводлар - газ ва газ-конденсат, нефть, нефть-газконденсат ҳамда газ-нефть конлари очилган[2,3,26].

Нефть ва газнинг янги конларини қидириб топиш ва уни фойдаланишга топшириш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ўзбекистонда газ ва нефтнинг жуда бой заҳиралари мавжуд. 1992 йилнинг бошида Наманган вилоятида Мингбулоқ нефть кони очилди. У жуда бой конлардандир.

Бухоро, Хива йўналиши, Хисор тоғининг жануби-ғарбий қисми ва Устюрт платоси истиқболли газ-нефть районлари ҳисобланади. Фарғона нефть газ районида Шўрсув, Нефтобод, Андикон, Полвонтош, Жанубий Оламушук конлари, Сурхондарё нефть-газ районларида Ҳавдо, Кукайди, Учқизил нефть конлари, Малмикор газ-нефть кони, Гажак нефть кони очилди, Бухоро-Хива нефть-газ ҳудудларида Газли, Шуртон Қандимгаз конлари, Хисор тоғларининг жануби-ғарбига Одамтош, Фумбулоқ, Пачкамар, Қизилбайроқ ва Омоннома газ-конденсат конлари ва нефть конлари, Шакпати ва Кувониш газ конлари очилди. Қашқадарёдаги Кўқдумалоқ газ-нефть конлари айниқса истиқболлидир.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган барча ёнилгининг 87,9% газ, 6,7% нефть ва 5,4% кўмирининг ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон ҳозирда ўзини нефть маҳсулотлари билан таъминлай олади. Бу ҳол иқтисодий ўсишга жиддий таъсир кўрсатади. Четдан нефть келтириш ташқи бозорга боғлиқликни кучайтиради. Ёқилғи-энергетика балансида нефть маҳсулотлари улушини камайтириш учун мавжуд автомобиль ва тракторлар таркибини янги тежамкор технология тартибига ўтказиш керак бўлади.

Суюқ ёқилғи ҳиссасининг тез ўсиши ҳисобига қўмирнинг ҳиссаси сезиларли даражада камаяди. Шунга қарамасдан унинг муҳим саноат аҳамияти сақланиб қолади. Мамлақатимиизда кўмир ресурслари тахминан 2 млрд. т. дан ошиб кетди.

Кўмирнинг саноат заҳиралари Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида жойлашган. қазиб олинадиган кўмирнинг деярли 96,5 % қўнгир кўмир, қолган қисмини эса тошкўмир ташкил этади. Ўзбекистонда кўмир қазиб олишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг 87 % очиқ усулда қазиб олинади.

Табиатда мавжуд ёки сунъий йўл билан олинадиган ҳамда иссиқлик энергиясини ҳосил қилишда ишлатиладиган ёнувчи моддалар ёқилғи дейилади.

ЁҚИЛҒИ ИССИҚЛИК Энергиясининг манбаи сифатида иқтисодиётнинг негизи ҳисобланади.

Ёқилғи-энергетика саноати мамлакат оғир саноатининг ба-за тармоғи сифатида ишлаб чиқариш вазифаларини, шунингдек, ҳалқ ҳўжалиги вазифаларини ҳал этишга кўмак беради.

Ёқилғи ёнишидан чиқадиган иссиқлик ишлаб чиқариш жа-раёнларида; уйларни иситиш мақсадида, овқат пиширишда ва ҳоказо мақсадларда ишлатилади. Иссиқликнинг анча қисми меҳаник энергия ва электр энергиясини ҳосил қилишга сарфланади. Ёқилғи таркибида унга алоқадор кўп моддалар борки, иқтисодиётда улардан фойдаланиш катта иқтисодий самара беради. Истеъмол этилувчи ёқилғининг 90 % дан кўпни органиқ модда бўлиб, углерод унинг асосий таркибий қисмини ташкил қиласиди. қазиб олинадиган кўмир. Табиий газ, нефть ва ҳоказолар органик ёқилғининг асосий турларидир.

Қазиб олинадиган кўмир ёқилади ёки у коксга ва ёқилғининг бошқа қимматли суюқ ва газсимон турларига айлантирилади.

Табиий газ энг арzon ва кулай ва юқори каллорияли ёқилғидир. Айни маҳалда у органик синтез маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қимматли ва тежамли ҳомашёдир. Газ конденсати оғир саноатнинг энг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари кулай ва юқори каллорияли ёқилғи ҳамда хилма-хил қимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун муҳим ҳомашёдир.

Ҳозирги шароитларда анъанавий ёқилғи турлари тобора сунъий ёқилғи турларига синтетик спирт, метил, ўлчамли, бутил, эфир, газ конденсати, водород ва сув-ёқилғи эмульсияла-

рига алмаштириб борилмоқда. Атом реакторларида ядро ёқилғисидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда.

Ёқилғи-энергетика балансида ёқилғининг асосий турлари қазиб олинадиган күмир, табиий газ ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидир.

Ёқилғи ёнганида чиқадиган иссиқлик миқдори унинг кимёвий таркйига боғлиқ бўлади: ёқилғи таркибида углерод билан водород қанчалик кўп бўлса, ёниш иссиқлиги ҳисоб қилинаётганида ёқилғининг қуруқ ва ёнадиган массаси кўриб чиққлади.

Ёқилғининг иссиқлик бериш қийматини белгиловчи со-лиштирма ёниш иссиқлиги (Q) ёқилғининг энг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади. У қаттиқ ва суюқ 1 кг ёқилғи ёки газсимон 1 м³ ёқилғи тамом ёниб битганда чиқадиган иссиқлик миқдоридир. Иссиқлик миқдори каллориял ёки жоуль билан ўлчанади (1кал = 41867 Ж, 1ккал = 4,1867 кЖ).

Хуоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон республикаси мустақил давлат сифатида миллый иқтисодиётни барпо этмоқда. Мамлакатимиз бой мөннат, хомашё ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиб, халқ хўжалигининг қарор топган структурасидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида фаолият кўрсатиши билан ижтимоий сиёsat юритиш зарурлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ўзига хос янги иқтисодиёт шаклланиб бормоқда.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, топилған ва саноатда ўзлаштиришга тайёрланган рангли, нодир ва асл металлар, ёқилғи-энергетика, кон рудаси, қимматбаҳо тош хомашёси, қурилиш материаллари ва ер ости сув заҳиралари асосида республикада юзлаб нефть, газ саноат корхоналари, конлари, шахта ва карьерлар, сув билан даволайдиган шифохоналар ишлаб турибди.

5.1. Ёқилғи тежалишининг энергетика ресурси сарфига таъсири

Ўзбекистоннинг нефть ва газ қазиб чиқарадиган минтақаларида ривожланган инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олганда, мазкур омиллар янада ривожлантириш ва инвестициялар қўйиш учун қулайдир.

Ҳозир республикада минглаб қўшма корхоналар очилиб, мөннат унумдорлигини оширишда маҳсулот сифати ва турини яхшилаш, материал, мөннат, энергия сифимини камайтириш,

шунингдек, маҳсулот таннархини кам ҳаражатлар асосида камайтиришга эришилди. Ёқилғи иқтисодини энергетика ресурси сарфланишига таъсири куйидагилар:

1. Моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш билан маҳсулот сифимининг камайиши энергия сифими, меҳнат сифими ва ҳаражатларни камайтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларининг интенсификация қилиш омиллари таъсири этади. Булардан ташқари:

2. ИТТ самараси бўлиши;
3. ёқилғидан фойдаланишда ҳалқаро ҳамкорлик мавжудлиги;

4. маҳсулотга ресурслар сарфлашни камайтириш ва иқтисод қилиш;

5. моддий ресурслардан самарали фойдаланишда таъминотни оптималлаштириш;

6. ресурсларни иқтисод қилишда нарх-навонинг аҳамиятини эътиборга олиш;

7. моддий ресурслардан фойдаланишда стандартлаштиришдан фойдаланиш;

8. моддий ресурслар ҳисоботи ва статистикасини тўғри йўлга қўйиш кабилар энергетика ресурсларининг сарфига таъсири этади.

Шунигдек, тежамкорлик ва иқтисод қилиш маҳорати тадбиқ этилишига ҳам боғлиқдир.

Аммо кўп ҳолларда буортма истеъмолчи талабини тўлиқ қондира олмайди. Айниқса, келиш вақти, сифати, ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар бўлгани туфайли истеъмолчилар мўлжалланган тўлиқ ишлаб чиқариш ўрнига бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мажбур бўладилар.

Таъминотнинг ижтимоий даражаси истеъмолчининг ресурсга бўлган этиёжи ҳақида тўғри маълумот бернишига боғлиқ. Мажбуриятни тўлиқ бажариш учун, хўжаликда алоқани такомиллаштириш керак бўлади. ҳозирги вақтда тўғридан-тўғри жўнатиш тизими тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Кафолат комплексини тараққий эттириш энг янги йўналишлардан биридир. Таъминлашда янги усуздаги таъминлаш билан тежамкорликка аҳамият берниш асосий мақсаддир. Таъминот йўналишидаги омиллардан бири омбордаги оптимал заҳиранинг бўлишидир. Моддий ресурсларни иқтисод қилишда, яъни, хомашё ёқилғи воситаларини иқтисод

қилишда, уларни иккиламчи ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш катта самара беради.

Ёқилғидан оқилона фойдаланишда стандартлаштиришнинг аҳамияти катта бўлиб, бунда стандартлаш ресурсларнинг пишиклиги, чидамлилиги, кафолат муддати ва бошқа кўрсаткичларини яхшилашда ва меъёрларни оширишда шунингдек, унификация қилиш қисмида маҳсулот сифатини яхшилаш билан ўлчамларни камайтиришга йўналтирилган ҳолда материал энергия сигими меҳнат сафлаш сигимини камайтиришга олиб келадиган меъёрий тежаш ҳаражатини тадбиқ этади.

Бунда ишлаб чиқариш майдони мавжуд ҳолат билан таққосланади, унинг қиймати ўзгариши аниқланади.

Суюқ ёнилғи ҳиссасини тез ўсиши ҳисобига кўмирнинг ҳиссаси сезиларли камайди. Шунга қарамасдан у саноатдаги аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Иқтисодиётда фойдаланиладиган саноат ёқилғиси келиб чиқиши жиҳатидан табиий ва сунъий ёнилғиларга, агрегат ҳолати жиҳатидан эса қаттиқ, суюқ ва газсимон ёнилғиларга бўлинади.

Табиатда қандай ҳолатда бўлса шу ҳолича ишлатиладиган ёнилғи табиий ёнилғи бўлади; қазиб олинадиган ёнадиган сланец, торф, ўтин қишлоқ хўжалик чиқитлари қаттиқ ёнилғидир. Нефт суюқ ёнилғи. Табиий газ ҳамда нефть ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олаётганда бирлашиб чиқадиган газлар газсимон ёнилғидир. Сунъий ёқилғи асосан табиий ёқилғини қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинади: тошкўмир кокси, пістакўмир нимкокс, торф кокси, брикет ва бошқалардан қаттиқ суюқ ёнилғи; бензин, керосин, дизель ёнилғиси, қорамой ва бошқалардан суюқ ёқилғи; кокс гази, ёритқич газ, крекинг гази, домна гази, ҳаво ва ҳаво билан сув буги аралашмасини газ генераторидаги чўф ҳолига келтирилган ёнилғи қатламига пуркаб ҳосил қилинадиган генератор гази ва ҳ.к. лар газсимон ёқилғилардир.

Органик ёқилғи таркибида асосан углерод (C), водород (H), кислород (O), азот (N), олтингугурт (S) бўлади. Кислород билан азот ёнганда чиқилди чиқармайди ва ёқилғининг ички балласти бўлиб қолади Олтингугурт зарарли аралашма ҳисобланади; ундан озгина иссиқлик чиқади ва заҳарли кислота оксидларий. CO_2 , CO_3 ни ҳосил қиласи[17,20].

Бундан ташқарӣ ҳар бир ёнилғида органик қисмдан ташқарӣ муайян миқдорда минерал аралашмалар ҳам бўлади.

Улар ёнганда кул (А) ва сув ҳосил қиласи. Шу кул билан сув ёнилғининг ташқи балласти бўлади. Кислород, азот, сув буғлари, углерод оксиди ва бошқа ёнмайдиган газлар газсимон ёқилғининг балласти бўлади.

Ҳар хил ёқилғиларда ички ва ташқи баллас миқдори бир неча ўнлаб %гача бўлади.

Мавжуд ёқилғи элементлари таркиби жиҳатидан 3 та асосий гурӯҳга бўлинади: 1 - углероддан ташкил топган (кокснинг ҳамма турлари ва пистакўмир), 2 - углерод билан водороддан таркиб топган (нефть, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, газсимон углеродлар ва бошқалар), 3 - углерод, водород ва кислороддан ташкил топган бошқа ҳил газлар.

Ёқилғи ёнганида чиқадиган иссиқлик миқдори унинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлади.

5.2. Турли ресурслардан оқилона фойдаланиши.

Ёқилғи ва энергетика ресурслари

Ишлаб чиқариш воситаларини тежаб тергаши самаралорликни оширишда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш воситаларини тежаб-тергаши деганимизда маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш фондлари, хомашё материаллари ва ёқилғини камроқ сарф қилишни, аммо бу билан маҳсулотнинг сифатига, унинг пишиқлиги, чидамлилик муддатига заррача зиён етказмасликни тушунамиз.

Ишлаб чиқариш фондларидан хомашё материаллари ва ёқилғидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва тежамли фойдаланиш, мөҳнат унумдорлигини ошириш, корхонанинг маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришта ва шу билан корхонанинг молиявий аҳволини ҳам яхшилашга имкон беради. Ҳозирги вақтда хомашё материаллари, ёқилғи, ва электр энергиясини тежаб-терграб сарф қилиш, техникани, станок, асбоб-ускуналарни эҳтиёт қилиш ҳар қачонгидан кўра муҳимдир. Мамлакатимизда ҳозир хилма хил техника жуда кўп, агар биз ундан ўкув билан фойдаланмасак, бу билан халқимиз манфаатларига чексиз зарар келтирган бўлардик. Битта заводда хомашё материали ва маблағларни тежаб-терграб сарф қилиш натижасида бир неча минг сўм иқтисод қилиниши мумкин, аммо бутун мамлакатдаги корхоналарнинг иқтисод қилган маблағларини жам қилсан, хатто миллиардлаб сўмни ташкил этиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 1 сентябр куни ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг мамлакатимиз раҳбарияти ватанимизда мавжуд бўлган ва ноёб ҳисобланган моддий ва номоддий бойликларимизга катта эътибор билан қарай бошлади.

Кейинги вақтларда қабул қилинган кўпгина қарорларда тежамкорликни кучайтириш, ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга сабот билан эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз тёхнологияларга ўтиш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш кувватларини ривожлантириш, иккиламчи хомашёни тўплаш, шунингдек, бу ишни оқилона ташкил қилиш ва тайёрлов ташкилотларнинг маддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Бироқ халқ хўжалигининг турли тармоқларида содир бўлаётган хўжасизлик, нобудгарчиликларга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Хозирда мамлакатлар жаҳон хўжалиги алоқаларининг муайян жуғрофий ва сиёсий тизимлари таркибига киради. Мамлакатимизда маддий ва номоддий салоҳиятли жаҳон харитасидаги давлатлар билан солиштирганда ўзаро катта фарқни кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида албатта, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат тури – барчасида таннархнинг минимал даражасини ўрнатиш учун (албатта кўрсатилаётган хизмат турини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хомашё базаси, ресурслар таъминоти ва бошқа) зарурый ресурсларни тежаб-тергаб ишлатилиши талаб этади. Бу эса ўз навбатида материаллар сарфини камайтиришни тақозо этади.

Хозирги даврга келиб, маддий ресурсларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида маддий ресурслардан фойдаланиш ҳажмини оширади. Кейинги даврда маддий ресурслардан фойдаланиш аввалги даврга қараганда бир неча бор ошиб кетган. Жаҳон статистика ташкилотлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%, темирнинг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Шу ҳолатни бошқа маддий ресурс турларида ҳам учратиш мумкин[5].

Агар хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқариш 80- йиллар даражасида давом этган бўлса, 2000 йилда 74 млрд. т. кўмир, 58 млрд. т. нефть, 30 трлн. м. куб газ, 18 млн.т. темир рудаси ишлаб чиқарилган. Холбуки хомашё ресурсларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бораётгандиги ҳеч кимга сир эмас.

Ер юзида вужудга келган бундай таҳликали ҳолат, бир томондан, инсониятни хомашё ресурслари билан таъминлашнинг заҳиравий имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши ва шунингдек, бошқа ресурслар заҳираларининг ҳам камайиб кетиши каби бир қатор муаммолар келтириб чиқарди.

Вужудга келган экологик вазият инсон организми ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан иложи йўқ. Бошқа томондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражасини хомашё ресурслари, фойдали қазилмалар билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назарда тутишимиз керак, мазкур муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши учун, иктиносидиларнинг таҳлилларига кўра, XXI асрда жаҳон мамлакатларидан ҳар йили ўрта ҳисобда 650-880 млрд. доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади[3,4].

Ҳар йили сайёрамиз атмосферасига 150-170 млн. т. заҳарли карбонат ангидрид гази чиқариб ташланади. Ундан ташқари йилига 250 млн. т. чанг ва 70-80 млрд. м. куб газ, 1 млн. т.дан ортиқ кўргошин биримлари атмосферага аралашди. Ҳозирги пайтда атмосферани ифлослантираётган кимёвий моддаларнинг сони 100 дан ортиб кетган.

Дунё океанига 12-15 млн. т. га яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда. Ҳар йили корхоналарни куриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин, инсоният ишлаб чиқарышни қанча кўпайтиrsa, хомашё ва материал ресурсларидан шунча кўп фойдаланиш зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иктисодий ва кўпгина бошқа муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳозирда умумбашарий муаммолар ҳақида шунчалик кўп гапириляптики, гўё бу муаммони ечишга барча халқлар аллақачон бирлашиб бел боғлаганлар, бироқ амалда эса аҳвол кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Бунинг устига янги қурилаётган корхоналарнинг экологик ҳавфсизлигини

текшириш ҳам талаб даражасида эмас. Буларнинг ечимини фақатгина ўзимизнинг интилишимиз ва тиришқоқлигимизгина, шунингдек, илмий-техника тараққиёти натижаларидан фойдаланишгина топиб бериши мумкин. Шу аснода чиқиндисиз техника-технологиялар жорий этиш жуда долзарбдир.

5.3. Қишлоқ хўжалик тармоқларида ресурстежамкорлик ва унинг иқтисоди

Мамлакатимизнинг ўрмонли худудларида ёғоч асосий курилиш материали ҳисобланади. Ёғоч ва унинг чиқиндиларини ҳар хил усуслар билан қайта ишлаб, курилишда кўплаб ишлатиладиган хилма-хил материал ва буюмлар: сквидар, смола, иссиқлик изоляция материаллари, ёғоч қиринди ва ёғоч-толали плиталар, ёпиширилган ва бошқа буюмлар тайёрланади.

Кўп қаватли бинолар курилишига ҳамда уларнинг мустаҳкамлиги ва чидамлилигига нисбатан кўйиладиган талабларнинг оширилиши, индустрисл методда курилишга ўтиш, курилиш материаллари ва буюмлари (биринчи навбатда темирбетон) саноатининг тез суръатлар билан ўсиб бораётгандиги туфайли кўплаб бинолар курилишда ёғоч сарфи кескин камаяди. Эндиликда, мебель, ёғоч дераза, эщик ва дурадгорлик буюмлари учун ва кам миқдорда пол, страпило ва парлеворларга ишлатилимокда.

Ёғочнинг намлиги қанча юқори бўлса, унинг мустаҳкамлиги шунча паст бўлади. Янги кесилган дараҳт ёғочининг намлиги 35% ва ундан ҳам ортиқ курилиш конструкциялари учун намлик 18-25%, дурадгорлик буюмлари ва поллар учун эса 8% бўлиши керак. Ёғоч кучли гидроскопик хоссага эга, шунинг учун у шишганда ўзининг механик хоссаларини ёмонлаштиради.

Курилишда муҳандис конструкциялари учун ёғочнинг асан игна баргли жинслари: арча, тилоғоч ва пихта қўлланилади. Дурадгорлик буюмлари фанер, паркет, мебель учун баргли ёғоч жинслари ишлатилади. Баргли ёғоч жинсларининг механик мустаҳкамлиги юқори ва чиройли текстурага эга бўлган қаттиқ турларга дуб, шумтол, заранг, оқ акация, ноқ киради. Баргли дараҳт жинсларининг юмшоқ турлари бук, ольха, оқ қайнин, тоғтерак, ёнғоқ, жука - вақтинчалик кўриладиган иншотлар

мебель ва пардоз буюмлари (глинтуслар, часпаклар, тутқичлар) тайёрлашга кетади.

Ёғоч материалларининг хиллари. Қурилишда ишлатиладиган ёғоч материаллар икки асосий гуруҳга бўлинади: тилинган ва тилинмаган материаллар. Тилинмаган (ишлатилмаган) ёғочлар ўз навбатида ҳари ва хода деб аталади. Тилинмаган ёғоч деб дараҳт тепасининг илдиз ва бутоқлардан тозаланган ҳолатига айтилади.

Стандарт талабига мувофиқ, учининг диаметри 14 см. ва ундан катта бўлган, шунингдек, ҳар икки сантиметрдан кейин бир текис йўғонлашиб борадиган тилинмаган ёғочлар ҳари деб аталади. Агар учининг диаметри 14 см. дан кам (8-11 см.) бўлса, у ҳолда ҳода ва ҳодачалар деб аталади. ҳари ва ҳодаларнинг узунлиги 3-9 метр бўлиши мумкин.

Қурилишда тилинган материалларнинг қуйидаги турлари ишлатилади: ярим ҳарилар, бўйламасига қоқ иккига бўлинган ҳари ва чорак ҳарилар, бўйламасига тўрт қисмга бўлинган ҳарилар. Ҳари тўрт томондан арраланса, тўғри тўртбурчак еки квадрат кесимли тоза кесилган брус ҳосил бўлади. Бруслар кесимининг баландлиги ва эни 100-220 мм. чегарасида белгиланади.

Фақатгина икки томони арраланган ҳари брус деб аталади. Бундай бруслардан шпаллар қилинади. қурилиш учун узунлиги 1 дан 7 метргача, эни 120 дан 300·мм гача ва қалинлиги 110 мм дан 2256 мм гача бўлган бруслар яроқли ҳисобланади.

Ёғоч материалларининг қурилишда энг кўп ишлатиладиган хили тахталардир. Улар кўндаланг кесимнинг шаклига қараб уч хил: эни бир ўлчамда, ҳамма томони арраланган тўғри қиррали чала арраланган юмалоқ қиррални тахта ва икки қирраси бутунлай арралнмаган тахталар бўлади.

Харини арраланганди икки ёки тўртта чеккасидан чиққан тахта пуштакта дейилади. Бундай тахталар қурилишда иккинчи даражали қисмлар ёки ёрдамчи материаллар сифатида ишлатилади.

Тахталарнинг ўлчамлари стандартлаштирилган. Тахтанинг эни 80 дан 300 мм гача бўлади. Улар қалинлиги жиҳатидан икки хил: юпқа ва қалин хилларига бўлинади, юпқа тахталарнинг қалинлиги 8, 16, 19 ва 25 мм, қалин тахталарники эса 40, 50, 60 ва 100 мм бўлади.

Кейинги вақтларда қурилишда олдиндин йўниб тайёрлаб қўйилган ёғоч элементлардан, яъни полга етказиладиган

шпунтли тахталар, часпаклар, плинтус ва гальтель, полнинг де-ворига тугашган бурчагига қоқиладиган ингичка рейкалар ва зинапоя тутқичи, шунингдек стандарт уйлар қуриш учун мурракаб деталлар ва шунгә ўхшаш ярим фабрикат буюмлар кенг ишлатилмоқда.

Ўзбекистонда ёғоч материалларидан дараҳт ўстириш ва ўрмонзорлар барпо қилиш мұхим ажамиятга эгадир. Ҳозирча бу ўлкада ўрмонлар жуда кам. Республикамиз худудининг 6%ини ўрмон хўжаликлари ташкил этган.

Ортиб бораётган турли-туман инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий ва бош манбай табиатдир ва унинг ресурслари, бойликларидир. Бу ресурсларга дарёлар, кўллар, денгиз ва океанлар, ҳайвонот дунёси қиради. Ҳар бир мамлакатлар ҳудудида жойлашган ресурслар унинг миллий бойлиги, миллий мулкидир. Бироқ уларни бошқа мамлакатларда, дунёning турли қитъаларда яшайдиган кишилар ҳам сотиб олишлари мумкин. Шунинг учун у ёки бу мамлакат, унинг ҳалқи умуминсоний тараққиётни ўйлаб табиий ресурслардан фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл кўймаслиги лозим. Шу билан бирга мавжуд ресурсларни ишлатиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларга хўжалик жиҳатдан эгалик қилиш, айrim меҳнат жамоалари, корхоналар, оиласлар, ҳатто айrim шахслар ихтиёридадир. Демак, ресурсларни асрар, ўзига ва бошқаларга фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш уларни кела-жак авлод учун асрар ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Маълумки, ресурсларнинг бир қисми иқтисодий ресурслардир, яъни дастлабки меҳнат таъсиридан ўтган, бироқ ҳали пи-ровард маҳсулот (тайёр маҳсулот)га айланмаган, хомашёлар шаклидадир. Булар пахта, пилла, қоракўл, жун, сабзавот, мева, ем-хашак, металл, ёқилғи кабилардир. Улардан қандай миқдорда пировард маҳсулот олиниши, уларнинг сифати кўп жиҳатдан мавжуд технология, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш даражаси, ходимларнинг малакаси, тажрибаси, ишга муносабати ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқдир. Масалан, бир хил миқдордаги хомашёдан икки хил сифатли ёки сифатсиз маҳсулот олиниши мумкин. Шунинг учун мавжуд хомашёлардан кўзда тутилган сифатли маҳсулот олиш, кам чиқимли технологияни қўллаш, замонавий касб ва малакага эга бўлиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Ўзбекистоннинг асосий хомашё ресурсларидан бири бўлган пахтачилик соҳасига давлат алоҳида эътибор қаратиб, қўллаб-куватлаб, имкон борича шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Албатта, ўз навбатида пахтачилик соҳасини ривожлантириш анча мураккаб масаладир. Бугунги кунда пахтани қайта ишлайдиган янги ва ундан қоладиган иккиламчи хомашёсини қайта ишлайдиган янги техника-технологиялар замон талабидир.

Бу техника, технологиилар жаҳон бозорларида жуда қиммат баҳода сотилади. Аммо, зарур техника, технологиилар қиммат экан деб эскича иш юритиш жуда катта хатодир. Ўзбекистонда ўз иқтисодиётини ривожлантириш ва жаҳон бозорларига ўз маҳсулотини олиб чиқиш учун янги техника ва технологииларни инвестиция сифатида жалб этиш мумкин, қолаверса уларни кейинги йилларда анча ривожланган лизинг асосида кўлга кирицса бўлади.

Мисол учун лизинг ёрдамида «Кейс» трактори ҳамда «Боинг 747» самолётлари олинди. Лизинг фаолияти ҳар томонлама қулай, ва анча мукаммалдир. Пахтанинг иккиламчи хомашёсини қайта ишлайдиган замонавий, кам харажатли технологиилар лизинг асосида сотиб, олинса, қишлоқ хўжалигида катта ютуқларга эришиш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўз иқтисодиётини ўзи ишлаб чиқсан дастур асосида қурмоқда.

Ушбу дастур бошқа давлатлар иқтисодиёти тажрибаларига асосланган ҳолда тузилган. Деярли кейинги 10 йил ичida, Ўзбекистон кўпгина ютуқларни кўлга киритди, бошқа давлатлар бундай ютуқларга 20-30 йил мобайнида эришган. Албатта, ўз навбатида ютуқлар билан бир қаторда ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигида бирмунча ҳал қилинадиган муаммолар, исрофгарчилик даражаларининг юқорилиги, йигим-терим вактида йўл кўйиладиган исрофгарчиликлар, сугориш ишларида сувдан оқилона фойдаланмаслик, пахтани қайта ишлашдаги камчиликлар мисол бўла олади. Шунинг учун бугунги ресурс тежамкорлиги жуда муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайд қилишича, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Фанлар Академияси ургучиликни юритиш, пахта навларини жойлаштириш ва янгилаш ишида жиддий камчиликларга йўл кўймоқдалар[3].


Барқарор навни яратишдан бошлаб, республиканинг аниқ миңтақаларида тупроқ иқлим шароитларига тадбиқан жойлаштиришгача бўлган муддатлар орасидаги фарқ каттагина.

Пахта тозалаш заводларида пахта хомашёси қайта ишлаш, уруғлик чигитини тайёрлаш, навлар ва репрадукциялар ара-лаштириб юборилмоқда, уруғлик пахтани тозалаш тартибига риоя қилинмаяпти.

Минтақаларда тупроқ иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, юқори тола параметрларига эга бўлган ҳалқаро талабларга жавоб берадиган пахтанинг тезпишар, юқори ҳосилли, яъни истиқболли навларини янгилаш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш ва 1999-2000 йиллар учун пахта экишга талаб қилинадиган уруғликнинг аслини тайёрлаш; шунингдек, пахта уругчилигини ташкил этишни тубдан яхшилаш мақсадида Ҳазирлар Маҳкамасида бир қанча қарорлар қабул қилинган. Қарорда шу жумладан: «Сёлекция, уруғлик навларини янгилаш, пахта толасининг сифати юқори бўлган, яъни тезпишар навларини жорий этиш ва уларни мамлакатнинг турли тупроқ иқлим шароитларида оқилона жойлаштириш соҳасидаги ишларни ҳам жадаллаштириш давлатнинг вазифаси, яъни давлатнинг устувор вазифаси» дейилади, минтақаларда жойлашган университетларнинг кафедра ва факультетлари олимлари бу борада иш олиб бормоқдалар[11,13].

Пахта тозалаш заводларининг асосий вазифаси ҳар йили қабул қилинган пахтани, унинг табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда юқори сифатли тола, линг ва чигит ишлаб чикаришдан иборат. Мана шу масалани ҳал қишиш учун пахта тозалаш корхоналарида кўлланадиган технологик жараёнлар қуидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади. Бу технологиянинг биринчи вариантида машинада терилган нави юқори бўлган пахта навлари ҳамда 3,4,5-нав қўлда терилгани ўтказилади. Иккинчи вариантда қўлда терилган пахтанинг 1,2 навлари йирик хас-чўплардан тозалайдиган машиналарнинг иккинчи батареясидан ўтказилади. Лекин бугунги кунда пахта тозалаш заводларининг бирданига батарея тарзида ўтказилиши ортиқча, чунки бунда кўп металл ва энергия истеъмол қўлиш билан бир қаторда, ишлаб чикариш цехлари майдонни катта бўлишини ҳам талаб қиласди. Бунинг натижасида пахтани қайта ишлаш жараёнда бу машина ва ускуналарнинг ишчи қисмлари пахтага ортиқча меҳаник таъсири кўрсатади. Натижада металидан тайёрланган ишчи қисмлар таъсирида чигит синиши ва тола шикастланиши рўй беради. Бу ҳам ўз навбатида тола таркибида ҳар хил нуқсонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўз-ўзидан нуқсонлар тўқимачилик корхоналарида тола йигиришда олинадиган ипларнинг нотекис бўлишига олиб келади. Натижада бу ип-


лардан түқиладиган материалларнинг сифати паст бўлади. Хомашё ресурсларидан самарали фойдаланилмайди.



1-чиズма. Пахта тозалаш технологияси [13]

Бундан ташқари, бу технологияга ортиқча электрэнергия сарф бўлади. Бугунги кунда қўл териви ёрдамида пахтани асосий қисми териб олинаётгандигини ҳисобга олган ҳолда пахта тозалаш заводларида ўрнатилган транспорт тақсимлаш мосламаларни қисқартириш орқали қисқа технологияни жорий қилиш амалга оширилмоқда. Бунда жун цехи ёнига қуритиш барабани ўрнатилиши қерак бўлади. Таклиф қилинаётган технология жараёни куйидагича бўлади: бу янги – қисқа технология фақат қўл терими ёрдамида терилган, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган пахталар қайта ишланишида электр энергиясини тежаш ва пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиша юқори иқтисодий қамара беради. Қисқа технологияда қўшимча

оралиқ ускуналарнинг йўқлиги, чигитли пахтада нуқсонлар пайдо бўлишини камайтириш билан бирга хизмат қилувчи ишчилар сонининг камайиши, ҳавфсизлик технологиясининг яхшиланишига сабаб бўлади.



2-чизма. Такомиллашган пахта тозалаш технологияси [13,15]

Масаланинг ҳисобга олинадиган иккинчи томони ҳам бор, яъни айрим пахта тозалаш корхоналари мутахассислари бу жиҳатни инобатга олишмаяпти. Сифати паст пахтанинг қисқа технологиядан ўтказилиши тола таркибини ўзгартириб ҳар хил нуқсонларни юзага келтиради, бу эса унинг нархини пасайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун технологиядан фойдаланишда аниқ кўрсатмаларга эга бўлиш, қисқа технология таркибига ифлосланган пахта учун мўлжалланган тозалагич ўрнатилиши кераклиги талаб этилади. Тозалагич машинага пахтанинг сифатига қараб, янги линияни қўйиш имкониятига эга бўлади. Ифлосланганлик ва намлик даражаси пахтани тайёрлов пунктларида ўрнатилган технологик машиналардан ўтказишни талаб этади. Таклиф қилинаётган қисқа технологиянинг бир батареяси 30 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган корхонада келтирилган самараадорлиги аниқланади.

VI БОБ. КОМПОЗИЦИОН ВА ИККИЛАМЧИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

6.1. Иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш

Ўзбекистонда иқтисодий йўналишдаги ишлаб чиқариш воситалари тежамкорлигига-иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш чуқур иқтисодий билим ва зарурий техника билимига ҳам эга бўлиш керак, бунда турли техника адабиётлари, маҳсулот майлимтлари, стандартлар, саноат каталоглари ва ахборот берувчи бошқа хил материаллардан фойдалана билишлари, математика, статистика, ҳисоб техникасини билишлари керак.

Иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишдаги техник билим-таъминот ходимларининг саноат хомаёси ва материалларининг истеъмол хоссаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш асосларини билиб олишлари, ўзлаштиришлари, техник ўлчов усуллари ва воситаларини ўрганишлари, тобора ўсиб бораётган маҳсулот сарфи меъёрларини аниқлай билишлари, маҳсулотни етказиб беришни ташкил этиш, уни тўғри сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, таъминот ва сотишни бошқаришнинг автоматлаштирилган тартибини жорий этишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан умуман таъминотда иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишда - таъминот ташкилотлари тизими, ташкилий тузилиши, режалаштириш услублари ва таъминот режаларини амалга ошириш, таъминот шакллари, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва ҳоказоларни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Шунингдек, моддий ресурсларни барча чоралар билан тежаб-тергаш ва бу ишда мавжуд камчиликларга барҳам беришга ҳам аҳамият бериш зарур. Мамлакатимизда таъминот тартиби, маданият, соғлиқни сақлаш, маориф, ҳизмат кўрсатиш каби соҳа корхоналари ва ташкилотларининг истеъмол вазифасини ҳам адо этади.

Саноат ва ишлаб чиқариш воситаларида иккиламчи моддий ресурслар олишда полимер, материаллар чиқиндилиридан фойдаланилади. Булардан кимёвий толалар, полимерлардан кўйиш вақтида чиқиндилилар чиқади. Шакл бериш учун

вақтида чиқиндилаар чиқади. Шакл бериш учун прессларда клёнкалардан фойдаланилади. Иккиламчи полимер чиқиндиларига-поливинелхlorид, полиэтилен, полистирол, полипропилен ва ҳоказо пластмассалар киради. Шунингдек, кўп материаллар, ошхона жиҳозлари, мебель, қатламлар, клёнкалар, линолеумлар ва ҳ.к. Полиетилен-термопластларнинг энг кўп тарқалган турларидан биридир. Саноатда у нефтни қайта ишлашда этиленни полимерлаш йўли билан олинади.

Иккиламчи моддий ресурсларни олишда резина материаллари, шиша чиқиндилаардан фойдаланилади. Буларни қайта ишлаш натижасида регенират, резина қириндиси маҳсулотлари олинади. Бунинг дастлабки хомашёси синтетик каучукдир. Резина чиқиндилари ўйинчоқлар, пойабзал, пакришкалар, автoshиналар, асбоб ва ҳар хил деталларни ўз ичига олади.

Автомобильсозлик, тракторсозлик, авиасозлик, машинасозликнинг бошқа тармоқлари хилма-хил резина деталларининг асосий истеъмолчиларидир.

Нефть маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида чиқиндилаар чиқади. Ёқилғилар, мазут, мотор ва индустрисиал ёғлар олинади. Ёқилғилардан яна сурков мойлари олинади. Сурков мойлари ичидан ёнувчи мотор мойи карбюраторли, дизелли ва авиаация моторларида фойдаланишга мўлжалланган.

Рангли материаллар чиқиндиси иккиламчи моддий ресурс сифатида аллюминий, мис, олмос ишлаб чиқаришда улардан фойдаланилади. Мамлакатимизда мис, аллюминий, никель-кобальт, қўроғшин, рух, олмос, қалай, магний, иккиламчи металлургия саноати ва бошқа саноат тармоқлари кенг ривожланган. Масалан, саноат 100% қаттиқ рўзгор хўжалик чиқиндидари 23-25%, қора металл 100%гача. Рангли металл-лом чиқиндиларидан 69,5%гача фойдаланиш мумкин.

Ёғоч чиқиндиларига-мебель ўрамлари, яшиклар, қурилиш ва бошқа материаллар киради. Органик чиқиндиларга чангси-мон, тошсимон ва бошқа газсимон моддалар киради. Бинокорликда ёғочдан поллар, эшиклар тури турли ёғоч конструкциялари ва бошқалар тайёрланади.

Умуман олганда чиқиндилаар органик, ноорганик ва силикат модда сифатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати чиқиндилари, металлургия саноати чиқиндилари, ёқилғи-энергетика ва машиий хизмат тармоқлари чиқиндилари мавжуд.



3-чизма. Иккяламчи ресурслардан фойдаланишининг шартли классификацияси [17,20]

Мустақил Ўзбекистоннинг табиий ресурсларидан фойдаланишда янги замонавий технологияларни амалга оширишда тежамкорлик долзарб муаммо ва масаладири

Бу ерда гап ўлкамизда жойлашган денгиз, дарёлар, сув омборлари, кўллар имкониятлари, юртимизнинг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиши ташкил қилиш устида бормоқда. Бизнингча, табиий муҳит, шартшароитларидан фойдаланиш иқтисодиётини яратиш лозим.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш мумкин, қайта ишлайдиган технология яхши бўлса. Ҳозирда аҳоли талабига мос келадиган буюмлар ишлаб чиқаришда замонавий технология керак бўлади. Яхши товар ишлаб чиқаришда ишчиларнинг малакаси замонавий технологияда ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга.

Энг аввало замонавий технология ва ишчиларнинг малакаси реурслардан оқилона фойдаланиб, чиқиндиilarни камайтиришга олиб келади. Чиқиндиilarнинг камайиши ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасининг равнақини белгилайди, иқтисодиёти юксалишига олиб келади.

Фойдали қазилмалар
Пластмасса чиқындылар
Пахтачилик саноати чиқындылари
Жун саноати чиқындылари
Ипакчилик саноати чиқындылари
Тикув сноати чиқындылари
Сунъий мүйналар чиқындылари
Трикотаж саноати чиқындылари
Резина саноати чиқындылари
Азбез қолдиги чиқындылари
Шиша чиқындылари
Курилиш чиқындылари
Еғоч тайёрлаштаги чиқындылар
Қофоз-чиқындылар
Озиқ-овқат маҳсулоти чиқындылари
Емирилган буюмлар
Лён саноати чиқындылари
Кимә саноати чиқындылари
Нотүқіма сноати чиқындылари
Газлама қирқувлари чиқындылари
Зигирлопя толалари чиқындылари

4-чмзма. Иккиласмач хомаше номенклатураси[17,20]

Табиий ва иқтисодий ресурсларнинг кўплаб ишлатилиши, ҳозирги тежамсиз технологиянинг кўлланилаётганлиги кўплаб саноат чиқиндилари, иккиламчи ресурсларнинг тўпланиб қолиш ёга олиб келмоқда. Бу исрофгарчилик, хўжасизлик кўринишидир. Бирок, ресурслар чекланган шароитига бундай ресурсларнинг кўмиб ташланиши, йўқ қилиб юборилишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда икиламчи ресурсларни тўғловчи, сақловчи ташкилотлар, улардан маҳсулот олуви махсус корхоналар вужудга келмоқда. Автомобиллар эскириб қолган шиналарининг тиклаб берилаётганлиги, макулагуралардан қофоз тайёрланадётганлиги, эски латта-путта, кўрпа-пахталарининг янгилаб берилаётганлиги, эски пойабзal, уст-бошларнинг қайтадан тикланадётганлиги ҳаммамизга маълум.

Кора металл чиқиндилари ломлар, темир синиклариidir. Буларнинг дастлабки хомашёси чўян ва пўлатлардан иборат. Металл чиқиндилари — консерва банкалар, симлар, металл идишлар, фальгалар, ошхона асбоблари, эшик ва ойналар, ушламалар, кулфлар, мебель материаллари қисми, ёриттичлар, курилиш материалари, металл қувурлар ва бошқалар. Шиша маҳсулотлари чиқиндилари — синиқ шишалар, бутиллар, банкалар, тиббиёт идишлари, ёриттич асбоб курилиш шиша буюмлари синиклари ташкил этади. Керамика чиқиндиларини чинни асбоб идишлар синиклари, курилиш материаллари ташкил қиласди.

Геологияда иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланилади. Бунинг дастлабки хомашёсини пахта, зигир поя, тут, каноп, лён, жун, ўйиц хомашёлари ҳам иккиламчи тўқимачилик материаллари ҳисобланади, чарм чиқиндилари — пойабзal, устки кийим, техника чарм материаллари ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш воситалари тежамкорлигида йккиламчи моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш иқтисодиётда катта самара беради. Масалан, саноатда 1 т. чўянни лом билан алмаштириш катта самара беради. Мамлакат бўйича млрд ҳисобида ютуқ бўлади. Шунингдек, 1 т. пўлатни ҳам чиқиндиси билан алмаштириш билан катта фойда олиш исботланган. Саноат ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ҳам самара мавжуд[20].

Иккиламчи маҳсулотлардан % ҳисобида фойдаланиш:

Иккиламчи полимер материаллардан 21,3 %га қадар фойдаланиш мумкин. Иккиламчи тўқимачилик материалларидан 63,2%, шина эритилиб 100 %га қадар фойдаланиш мумкин. Нефть маҳсулотлари чиқиндиларидан 80 %, шиша

чиқиндиларидан 93 %га қадар, ёғоч чиқиндиларидан 89 %га қадар фойдаланиш мумкин[5,19].

Ишлаб чиқариш фондларида хомашё, материаллари ва ёқилғидан фойдаланишни яхшилаш ишлаб чиқариш қувватларидан түлиқ ва тежамли фойдаланиш, меңнат унумдорлигини ошириш, корхонанинг маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтириш ва шу билан пировард натижада корхонанинг молиявий аҳволини ҳам яхшилашга имкон беради. Мавжуд ишлаб чиқаришда камида 1 % тежам ҳам милион-миллион фойда келтиради.

Асбоб-ускуналар, хомашё материалларидан самарали фойдаланиш даражаси ўз кўрсаткичлари билан белгиланади. Бўкўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб белгиланади. Хомашё материаллари, ускуналарнинг ейилиш-эскириш ҳамда нобуд бўлиш даражаси ҳам шуларда акс этмоғи лозим. Акс ҳолда бундай кўрсаткичлар объектив ва тўла бўла олмайди.

Хомашё дастлаб ишлатилганда тайёр маҳсулот ҳосил қилиш кўрсаткичи ёки ишлатилаётган хомашёдан тайёр яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи қўлланилади.

Яроқли маҳсулот чиқиши кўрсаткичи металл қуйишда шихта материалларини сарф қилишни меъёрашда фойдаланилди ва у рангли металл, чўян ва пўлат қўймалари ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасини кўрсатади. Яроқли маҳсулот чиқиши коэффициенти (K_y) яроқли қўйма оғирлиги (Q_z) нинг яроқсиз металл оғирлиги (Q_m) га нисбати билан белгиланади, яъни:[20]

$$K_y = \frac{Q_z}{Q_m} \text{ бўлади. Яроқли маҳсулотинг чиқиш проценти:}$$

$$K_y = \frac{Q_z * 100}{Q_m}$$

Металл қуйишдаги қайтарма чиқитлар (r) проценти ҳам шутариқа ҳисоблаб чиқарилади:

Бунда Q_r – металл қўйишдаги қайтарма чиқитларнинг оғирлиги.

Материаллардан фойдаланиш коэффициенти саноатнинг ишлаб берувчи тармокларида материаллардан тўғри фойдаланишни таҳлил қилишда кенг фойдаланилади.

K_{Φ} – материалдан фойдаланиш коэффициенти ишлашдаги оғирликни материални сарфлаш мөйөрига нисбатидан иборат:

$$K_{\Phi} = \frac{Q_o}{N}$$

Бунда: Q_o – соф фойдалали назарий оғирлик;

N – сарфлаш мөйөри. У асосан Q_o дан катта бўлгани учун бу фойдаланиш коэффициенти бирдан кам демакдир. Нобудгарчилик ва чиқитлар мутлақо бўлмаган тақдирдагина у бирга тенг ($N=Q_o$) бўлади.

Сарфлаш коэффициенти. Пландаги сарфлаш коэффициенти сарфлаш мөйёри (N) нинг соф оғирлиги (Q_o)га нисбатидир, ёки фойдаланиш коэффициентининг тескари миқдори деб қаралса ҳам бўлади.

Ҳақиқий сарфлаш коэффициенти (K_{Φ})ни аниқлаш учун солиштирма сарф тайёр маҳсулот оғирлигига бўлинади. Агар фойдаланиш коэффициенти бирдан кам бўлса, демак, сарфлаш коэффициенти бирдан кўп бўлади.

Машиналарнинг мутлақ оғирлиги билан нисбий оғирлиги фарқланади. Машинанинг ўз оғирлиги бор, аммо бундан ташқари, машинанинг қувват бирлигига тўғри келадиган оғирлиги, масалан, дизелнинг 1 от кучига тўғри келадиган оғирлиги бор.

Бу ҳолатда сўнгти йилларда катта муваффақиятларга эришилди. Аммо машиналар оғирлигини янада камайтириш имкониятлари тамомила тугаб кетган эмас. Масалан, турли заводларда ишлаб чиқариладиган тенг қувватга эга бўлган бир хил турдаги машиналарнинг оғирлиги ўзаро 10 – 15 %га фарқ қиласди.

Ишлаб чиқаришда нобудгарчилик ва чиқитларни камайтириш моддий бойликларни тежашда муҳим ўрин тутади.

6.2 Беғдорчиликда иккиламчи хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиши

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, айниқса пахта ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки

босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топаётган ҳозирги вақтда мавжуд хомашёлардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш, иккиласмчи хомашёлардан, яъни саноат чиқиндиларидан ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун чиқитсиз технологияларни жорий қилиш катта иқтисодий аҳамият касб этаяпти. Ҳалқимизда, «кўп нарсага эга одам эмас, балки бор нарсани ақлу фаросат билан сарф қиладиган одамгина бойдир» деган ҳикматли нақл бор. Аввало, мева ва сабзавотни қайта ишлаш саноатида ҳосил бўлаётган чиқиндилардан фойдаланиш муаммоларига тўхталиб ўтайлик. Маълумки, боғдорчилик ва сабзавотчилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Аммо, кўп йиллар давомида пахта яккаҳокимлиги мавжуд бўлгани боис, бу тармоқни тез суръатлар билан кенгайтириш имкони бўлмади. Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида қарор топиши, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиши натижасида бўш турган ерлардан мева ва сабзавот етиштириш учун фойдаланиш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида олиб борилаётган тадбирлар боғдорчилик ва соҳибкорликнинг ривожланиши учун истиқбол очди. ҳозирда ҳар йили Ўзбекистонда 5 млн. тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилмоқда[12].

Табиийки, бу хомашёнинг маълум қисми қайта ишланади. Ҳўш, мева-сабзавотларни қайта ишлашнинг ҳозирги аҳволи қандай? Бу ҳакида мамлакатимиз Президенти Олий Мажлиснинг сессиясида шундай деган эди: «... маҳсулотни қайта ишлаш, қуритиш ва сақлашда ўз анъаналарига эга бўлган мамлакатимизда меванинг атиги 18%, сабзавотнинг 35%, узумнинг 37%игина қайта ишланаётгани бизни қониқтирмайди». қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш технологияси жуда эскилиги туфайли ҳар йили картошка, помидор, карам, лавлаги, сабзи ҳамда бошқа сабзавот ва меваларнинг 20-40% истроф бўлмоқда. Ана шу истрофгарчиликни камайтиришнинг асосий йўлларидан бири илғор технологияяга асосланган қайта ишлашни ташкил этишдан иборат. Қайта ишлаш жараёнида эса озуқавий қийматга эга чиқиндилар ҳосил бўлади. Бу чиқиндилар мева ва сабзавотнинг турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Истеъмолга яроқли ана шундай чиқиндиларга мевалар ва сабзавотлардан шарбатлар олиш, қайта ишлаш жараёнида ажralадиган

урұғ, данак, пүстлөқлар, пресслаш жараёнида ҳосил бўладиган мева-сабзавот туппалари ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Илмий адабиётлар билан танишиш ўтказаётган тадқиқот асосида шу нарсани таъкидлаш мумкинки, мева-сабзавотни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган истеъмолга яроқли чиқиндилар кўпчилик ҳолларда 30-40%ни ташкил этади. Мана шу чиқиндилар таркибида ҳам хомашёдагидек углевод, пектин моддалари мавжуд. Шу сабабли бу чиқиндилар фаол моддалар ажратиб олиш учун тўлиқ қийматли хомашё ҳисобланади.

Барча мева-сабзавотни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг турлари ва ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини муфассал ёритиш имкони йўқ. Шу сабабли айрим чиқиндилардан фойдаланиш муаммолари хусусида фикр юритиш билан кафолатланамиз[12,25]. Масалан, ўрик ва шафтоголини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган данакларни олиб кўрайлик. Биз ўрикни «Кўксодик», «Ахорори», «Бодом», ва шафтоголининг «Старт», «Эльберта», «Малина» навлари данакларининг озиқавий қимматини аниқлаб, натижада ўрик данаклари ёғларга жуда бойлиги, аникроғи ёғнинг миқдори 50%дан кўпроқ эканлигини кўрдик. Шунингдек, ўрик данаклари оқсилларга бой бўлиб, унда алмаштирумайдиган аминокислоталар мавжуд. Тадқиқот олиб борадиган ўрик навлари данаклари таркибида оқсил моддаси 19-22%ни, аминокислоталар салмоғи бутун аминокислоталар 26-30%га тўғри келади. Ўрик ва шафтоголи данаклари таркибида минерал элементлар миқдори ҳам хилма-хилдир.

6.3. Техник мойларни қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлиги

Маълумки, ҳозирга қадар озиқ-овқат саноатида табиий буёқ моддаларига бўлган талаб қондирилмаяпти. Кўпчилик ҳолларда озиқ-овқат саноатида инсон организми учун зарарли бўлган сунъий буёқ моддалари ишлатилмоқда. Шу сабабли мева-сабзавотчилик чиқиндиларидан табиий бўёқларни ажратиб олиш ва озиқ-овқат саноатида ишлатиш аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлур эди. Ана шундай буёқ моддаларига бой хомашё сифатида анор пўстлоғини тавсия этиш мумкин[12].

Мамлакатимизда анорни қайта ишлайдиган ягона корхона Сурхондарё вилоятидаги консерва заводидадир. Лекин бу ерда анорни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилар (анор

пўстлоғи, ууғи) қолиб кетмоқда. Анор пўстлоғидан озуқабоп бўёқ ажратиб олиш борасида самарали технология яратилди.

Худди шунингдек, табиий бўёқлар манбаи сифатида стандартта жавоб бермайдиган ёки ташиш ва сақлашга яроқсиз эзилиб пишиб кетган хурмо меваларини ҳам тавсия қилиш мумкин.

Бу борада олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ҳам яхши самара беради.

Мева-сабзовот чиқиндиларидан фойдаланиш соҳасидаги яна бир йуналиш данак ва уруглардан мой ажратиб олиш ҳисобланади. «Кўқон ёғ-мой» комбинатида мева данаклари мағзидан мой ажратиб олиниб, ҳалқ хўжалигиниң турли тармоқларида ишлатилмоқда. Шунингдек, мой хомашёсининг қўшимча манбаи сифатида анор уругларини ҳам тилга олиш мумкин. Анор ууғи керакли хомашё эканлиги тажриба асосида аниқланган[12].

Умуман, мева-сабзовот қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган истеъмолга яроқли чиқиндиларнинг кимёвий таркиби хилма-хилдир. Бу моддалардан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиш корхоналарнинг иқтисодий кувватини оширади, аҳоли рационини фаол моддалар билан бойитади. Шунингдек, мамлакатимиизда озиқ-овқат чиқармайдиган саноат чиқиндиларидан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилиши зарур, деб ўйлайиз. Масалан, қофоз парчалари, пластмасса қолдиқлари, металл, газлама, чарм кийимлари ва саноат корхоналарининг бошқа чиқиндиларидан аҳолига арzon нархлардаги керакли рўзгорбоп буюмлар, идишлар, ўраш-қадоқлаш материаллари, газета ва журнал қофозлари, статистика ва ҳисоботда ишлатиладиган турли хил қофозлар, маданий-майший, хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш ҳар бир корхонага қўшимча даромад келтириш баробарида умаман турмуш эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Иккиласми хомашёлардан оқилона фойдаланишининг иқтисодий самараадорлигини қўйидаги мисолдан ҳам билиб олиш мумкин. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, 1 тонна полимер чиқиндилари 5 тонна нефти, 1 тонна эски жун кийими ҳамда газламалари 650 килограмм соғ жун хомашёни, 1 тонна бўш консерва тунука идишлари эса 10 кг қимматбаҳо қалайни тежаш имконини беради[5,20].

Мамлакатимиз бўйича йилига ўргача 80 минг тоннадан ортикроқ ишлатилган мойлар ишлаб чиқарилади. Бу мойлар мойлаш материалларини ишлаб чиқаришда қимматбаҳо ашё ҳисобланди. Ишлатилган мойларни жойларнинг ўзида қайта

тиклаш, марказлаштирилган усулга нисбатан қатор устуңликларга эга, жумладан:

- мойни қайта тиклашга мўлжалланган йирик корхонани қуриш учун капитал кўйилмалар камайтирилади;
- мойлар маркаси ёки навлари бўйича қайта тиклаш технологиясини жорий этиш мумкин, бу эса ўз навбатида кам харажат талаб қиласидаган технологияларни қўллаш имконини беради;
- истеъмолчиларнинг охирги натижага қизикувчанлиги ортиши, яъни ўзи учун мойни қайта тиклаши натижасида мойнинг ифлосланиши ва аралашиб кетишининг олди олинади, бу ҳам ўз навбатида кам харажат талаб қиласидаган технологиялар қўллаш имконини беради;
- мой тўкилишлари, йўқотишлари камайтирилади;
- қайта тикланган мой техник ускуналарга тезликда қўлланилиши лозим;
- мойни ташиш учун сарф бўладиган харажатлар камайтирилади.

Ривожланган Америка, Италия, Франция, Япония ва Германия каби давлатларда ҳам 20-30% ишлатиладиган мойлар хўжалик шароитида кичик ўлчамли қурилмалар ёрдамида қайта тикланади. Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда маълум даражада ишлар олиб борилмоқда, ишлатиладиган мотор мойлари хўжалик шароитида қайта тиклаш имконини берадиган технология ва кўчма қурилма ишлаб чиқилган. Қурилманинг иш унумдорлиги мойнинг ифлосланганлигига қараб соатига 40 лдан 100 л гачани ташкил этади.

Хўжаликлар учун мўлжалланган кичик қурилмаларнинг фойдаланилишдаги иқтисодий самараадорлиги «Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш чора-тадбирларининг иқтисодий самараадорлигини комплекс баҳолаш бўйича услубий тавсиялар»га асосан аниқлаш мумкин.

Кўчма қурилманинг тадбиқ этишдан олинадиган иқтисодий самараадорлик қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:[12]

$$\Theta_t = P_t - Z_t \quad (1)$$

Бунда:

Θ_t - ҳисобот давридаги иқтисодий самара, сўм;

P_t - ҳисобот даврида ишлатилган мойларни қайта тиклаш натижаларининг нархи сўм;

Z_t - ҳисобот даврида ишлатилган мойларни қайта тиклаш учун сарф-харажатларнинг нархи, сўм.

Хисобот даврида ишлатиладиган мойларни қайта тиклаш натижаларининг баҳоси қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\frac{P_t = E \Pi_{cm} Q A_t}{T+t} \quad (2)$$

Бунда:

Π_{cm} - 1т. янги мотор мойининг нархи, сўм.т.;

Q - қурилма ёрдамида йиллик қайта тикланадиган мой ҳажми, т.;

A_t - бир вақтлик ҳаражатлари ва натижаларни ҳисоблаш йилига келтирилган коэффиценти;

T_h - хисобот давриннинг бошланиш йили;

T_k - хисобот давриннинг охирги йили.

Ўз навбатида коэффициент қуидагича аниқланади:

$$A_t = (1 + E_h) T_{p-t} \quad (3)$$

Бунда:

E_h - капитал қўйилмалар самарадорлик нормативига тенг бир вақтлик ҳаражатларнинг ва натижаларнинг ҳисоблаш йилига келтирилган ($E_h = 0,1$);

T_p - хисобот йили;

T - ҳисоблаш йилига келтирилган ҳаражат ва натижалар йили.

Мойни қайта тиклашга сарф бўладиган ҳаражатлар қуидагича аниқланади T_k :

$$3t = E (\Pi_t Q + K_t - L) at \quad (4)$$

$$T = th$$

Бунда;

Π_t - 1 т мойни қайта тиклаш нархи, сўм.

K_t - қурилма ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган бир вақтлик ҳаражатлар, сўм.

L_t - қурилмани ҳисобдан чиқарип пайтидаги (мойни қайта ишловчи қурилманинг қолдик) нархи, сўм.

Q - қурилмадаги қайта тикланадиган мой ҳажми, т/йил.

1 т. ишлатиладиган мойни қайта тиклашдаги таннархи қуидагича аниқланади:

$$\Pi_t = C_{om} + C_{oc} + C_{np} + C_{em}$$

Бунда:

C_{om} - 1 т. ишлатилган мойининг нархи, сўм/т

C_{oc} - мойни қайта тиклаш учун сарф бўладиган ҳаражатлар

(ойлик, маош, электр энергия, амортизация, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиши харажатлари, ташкилий ва бошқариш харажатлари ва ҳ.к.).

$C_{\text{пр}}$ - мойга қўшиладиган қўшимчалар учун харажатлар, сўм/т;

$C_{\text{ем}}$ - тозаланган мойга қўшиладиган қўшимчалар учун харажатлар, сўм/т;

Курилма қайта тикланадиган мойнинг ҳажми қўйидагича аниқланиши мумкин:

$$Q = \frac{\sum N_i V_i T_i W_i W_i}{\sum (N_{ki} T_{3i})}$$

Бунда:

N_i – маълум русумли машинанинг сони;

V_i – системага қўйиладиган мой ҳажми (двигатель, гидросистема, трансмиссия ва ҳ.к.)

T_i – машинанинг мавсумий ишлашини инобатга олувчи коэффициент;

W_i – машинанинг йиллик ишлаши, мото-соат;

K_o – машинанинг чиқадиган мой микдорини кўрсатувчи коэффициент;

N_{ki} – машинанинг йиллик ишлаш куни;

T_{3i} – мойни алмаштириш даври, мото-соат.

Юқоридагилардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш натижаси келтирамиз. Курилманинг ишлаш муддати 10 йил деб қабул қилинди.

Мамлакатимиз корхоналарида кам чиқитли ва чиқитсиз технологияни жорий этиш экологик муҳитни яхшилашга нечоғли ижобий таъсир кўрсатишни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу ўринда қўйидагн мисолин келтириб ўтмоқчимиз. Экологик жиҳатдан олганда, 60 кг қофоз чиқиндилари (макулатура) битта дараҳт умрини, 50 тонна макулатура эса кичик бир ўрмонни сақлаб қолиш имконини берар экан. Шу сабабли мамлакатимиз худудида иккиласми, хомашёларни қабул қилиш пунктларини рағбатлантириш, рекламани кучайтириш, қолаверса, аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш айни муддаодир. Бу билан мустақил давлатимиз иктиносидий кудратини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшган бўлур эдик.

ХУЛОСА

Республикамиз келажакда жаҳон талабларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорида мустаҳкам ўринни эгаллаш учун тадбиркорликни жорий этиш нақадар яхши натижаларга олиб келиши юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибди.

Маркетинг органлари корхоналарнинг моддий ресурсларни иsteъmol қилиш жараёнига ҳам актив таъсир кўрсатиши лозим. Маркетинг тизимишининг ўзи ҳам миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатига ишлаб чиқариш воситаларини истеъmol қилади. Бу ўринда биз тез суръатлар билан ривожланиб бораётган реклама, омбор хўжалигини мисол тариқасида келтирамиз.

Омборларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва ниҳоят уларни куриш, кўплаб ишлаб чиқариш воситалари истеъmolни этишни тақозо этади. Маркетинг органларининг иситиш, ёритиш, механизациялаш, ишлаб чиқариш характеристидаги қирқиши, бичиш, майдалаш, саралаш ва ҳоказо ишларни бажариш ҳам моддий ресурсларни маркетинг органларига етказиб туришин талаб қилади. Айнан шу масалалар иқтисодчи олимлар назаридан четда қолиб кетмоқда.

Фикримизча, маркетинг органларига миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш воситаларининг истеъmolчиси сифатига қараш, улардан фойдаланишини яхшилашда муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Кўпгина буюмлар бир марта ишлатилганидан кейин қайта ишлатиш учун яроқли бўлиб қолаверади. Шина, металл, каучук буюмлар ана шундай қайта фойдаланиш мумкин бўлган буюмлардир. Ёрдамчи мойлаш материаллари ва шахсий истеъmol материаллари (кийим-кечак, қофоз буюмлари, шиналар) ҳам шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам ишлатилган резина, ёғоч, мой, қофоз, шина ва шу каби нарсаларни нобуд қилмасдан тўплаш ва уларни ишга солишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб атади. Моддий ресурсни тежаб тергаб сарф қилишнинг ташкилий-иктисодий замини ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ташкилий-иктисодий тадбирлар моддий бойликлардан яхшироқ фойдаланиш учун зарур шарт-шароит тугдиради ва уни рағбатлантиради, ишлаб чиқаришнинг техникавий омиллари -эса шу ишлаб чиқариш участкасида материалларни тежашга бевосита имконият яратади.

Саноатда металл қуишида аниқ усулларнинг жорий қилиниши ва металларни тежашга қаратилгай бошқа техникавий тадбирлар қўлланилиши мумкин. Аммо, ижтимоий мусобақа маркетингни режа асосида ташкил этиш, ходимларнинг манфаатларини ва шу каби имкониятлар фақат бозор иқтисодиётигагина хосдир. Моддий ресурсларни тежаб-тергаб фойдаланишни таъмин этувчи асосий йўлларнинг бири хўжалик ҳисобини тинмай такомиллаштириб боришидир.

Тўғри ташкил этилган маркетинг фаолияти моддий ресурсларни тежашнинг муҳим омилларидандир. Саноат маҳсулоти таннархига кирган моддий харажатларнинг аксарият қисмини таъкил этувчи моддий ресурслар маркетинг орқали ўтиши маркетингни режалаштиришда йўл қўйиладиган жуда кичкина ҳато ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Корхонанинг моддий ресурсларга эҳтиёжини аниқ ва тўғри белгилаш учун хомашё, материал ва ёқилғи сарфлашнинг (илфор) меъёрлари, яъни уларни имкони борича тежаб-тергаб сарф этишни назарда тутган меъёрлар бўлиши лозим. Масалан, 1997 йилги миллий иқтисодиёт режасида ишлаб чиқариш ва қурилишдаги материаллар сарфи меъёри қайтадан кўрилгандан кейин ҳам 21 млн т. ёқилғи, 1.1 млн. т. бензин ва дизел ёқилғиси, 640 минг т. қора металл прокати ва ҳоказолар тежаш кўзда тутилган эди[3,31].

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан бири ишлаб чиқаришдаги ресурслар тузилишини тинмай яхшилаб боришидир. Миллий иқтисодиётда ривожланиб бораётган фан-техника тараққиёти янги илфор ва иқтисодий жиҳатдан фойдали материаллар салмоғини муттасил ошириб боришига имкон беради. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши аввало, маркетинг бизнес-режасида акс этади. Иккиласмачи хомашё ва чиқитларни ишга солиш маркетинг ташкилотларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Маълумки, улардан яхши фойдаланган тақдирда камчил материалларни тежаш, янги қувватларни ишга солиш учун қилинадиган капитал харажатларни анча камайтиради.

Маркетинг ташкилотлари меъёрдан ташқари ва ошиқча туриб қолган материалларни ишга солиб ва демак бу билан уларга самарали фойдаланишга ёрдам бериб, ишлаб чиқариш воситаларининг заҳирада туриш муддатига ижобий ва фаол таъсир кўрсатади. Ихтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини тинимсиз давом этишини тръминлайдиган моддий ресурслар заҳираларини зарурий энг кичик меъёрларини белгилаш лозим.

Ҳозирги кунда заҳиралар сақлашни фақат бир кунга қисқартирганда ҳам қўшимча 265 минг т. металлопрокат, 313 минг т. цемент ва 2 млн. т. кўмир ва бошқалар тежалар экан.

Маркетингда тезкор режалаштириш хусусан маҳсус ҳукумат номенклатурасидаги материалларга аниқ талабномалар тузиш ҳам маркетингда муҳим ўрин тутади. Аммо фондлар спецификациясини тузища хато ёки ноаниқликка йўл кўйилса, корхонанинг ишига жиддий зарар етказилиши мумкин. Айтайлик, завод ёки фабриканинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун талаб қилинадиган материалларнинг ҳажми ёки нави нотўғри ёзилса, ёҳуд бирон хил материал тафсилотномага тасодифан киритилмай қолгудай бўлса, корхонанинг иши тўхтаб қолиши мумкин. Фондларга тафсилотнома тузилаётганда маркетинг ташкилотлари материалларнинг комплексини ва кенг ассортиментини табмин этишга интилмоғи лозим.

Тафсилотнома тузилаётганида:

- материалларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали турини талабномага киритиш имконини назарда тутиш;
- материалларни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, тежамсиз турларини қисқартиришга ҳаракат қилиш керак.

АДАБИЁТ

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». –Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
2. Каримов И. А. «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари». –Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И. А. 2001 йилда «Республикада ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи». «Тошкент оқшоми» рўзномаси, 2002 й., 15 феврал.
4. Абрикулов К., Сайдуллаев А. «Иқтисодий экология асослари». –Т.: 2001 й.
5. Алексеев А. М. и др. «Материальные ресурсы-рациональные использование и экономия». –М.: 1985 г.
6. «Актуальные проблемы экономики Узбекистана переходного периода». Под. ред. акад. Гулямова С. С., д.э.н. Ахмедова Д. К., Шодиева Т. Ш. 1996 г.
7. «Бизнес-вестник Востока». (18-24 февраля) 1994 г., №8.
8. Жалолов Ж. «Моддий-техника таъминоти иқтисоди, жонлаштириш ва ташкил этиш». –Т.: 1996 й.
9. Йўлдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий билим асослари». –Т.: 1997 й.
10. Кролли О. А. «Материально-техническое снабжение ресурсосберегающая деятельность». –М.: «Экономика», 1994 г.
11. Махмудов Н. М. «Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей» «Фан» Т.: 1992 г.
12. Мажидов Р. «Техник мойларни қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлиги». «Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномаси», 2000 й., 7-сон.
13. Муродов Р. «Қисқа технологияда пахтани қайта ишлаш». «Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномаси», 1999 й., 6-сон.
14. «Маърифат» рўзномаси, 2000 й., 28 октябр.

15. Назаров Р. «Туркия пахтачилиги, қишлоқ хўжалиги». Журнал, 2000 й., 11-сон.
16. Невелов А. «Планирование материальных ресурсов и ресурсосбережение». –М.: 1990 г.
17. Покараев Г. М. «Ресурсосбережение проблемы и решение». –М.: «Экономика», 1990 г.
18. Рихсимбоев О. «Кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишлари». «Бозор, пул ва кредит», 2001 й., 5-сон.
19. Сайдмуротов С. С., Дадабоев К. А., Мухиддинов Д. «Ресурсосбережение». –Т.: «Молия», 2002 й.
20. Сайдмуротов С. С. «Эффективность использование сырья щелковой промышленности». Автореферат, 1995 г.
21. Сайдмуротов С. С. и др. «Оценка потенциальных ресурсов источников экономики». «Международная конференция». –Т.: «Молия», 2002 г.
22. «Сельское хозяйство Узбекистана». Научно-производственный журнал, №3, 1998 г.
23. Смирнов К. Н. «Нормирование и рациональное использование материальных ресурсов». –М.: 1990 г.
24. Турикбоев К. «Комплексное использование сырья и отходов промышленности». Алматы, 1996 г.
25. Убайдуллаев Р. «Курилишда инновацион жараёнларни бошқариш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш». «Ўзбекистон иқтисодий аборотномаси», 2000 й., 5-сон.
26. «Ўзбекистон иқтисодий аборотномаси». –Т.: 1999 й.
27. Ўлмасов А. «Иқтисодиёт асослари». –Т.: 1997 й.
28. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 2001 й., 6-сон,
29. Хруцкий Е. А. «Оптимизация хозяйственных связей и материальных запасов». –М.: «Экономика», 1990 г.
30. Хакимов М., Хўжаев Х., Махмудов Б. «Халқаро иқтисодий мунособатлар». –Т.: 1997 й.
31. Шарифхўжаев М. Ш., Ўлмасов А. «Иқтисодиёт назарияси». –Т.: 1997 й.

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
I БОБ. РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК ФАНИ	
1.1. Фаннинг предмети, усули ва моҳияти.	5
1.2. Ер ости қазилма бойликлари ва моддий ресурсларнинг тежамкорлиги.	11
1.3. Моддий ресурсларни тежашда маркетингнинг аҳамияти.	30
II БОБ. МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ	
2.1. Иқтисодий ўсиш аломатлари ва унда ресурстежамкорликнинг аҳамияти.	52
2.2. Ресурслардан фойдаланиш доирасида халқаро иқтисодий ҳамкорлик.	58
2.3. Моддий ресурслар — ишлаб чиқаришнинг ўсишидаги зарурий манбай.	74
III БОБ. РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ	
3.1. Ресурстежамкорлик ва унинг корхона моддий ресурслари таъминотига таъсири.	78
3.2. Стандартлаштириш ва ресурстежамкорликнинг ўзаро боғлиқлиги.	81
IV БОБ. МОДДИЙ РЕСУРСЛАРНИ МЕЬЁРЛАШТИРИШ АСОСИ	
4.1. Моддий ресурсларнинг сарфланиши. Меъёрлаштириш моҳияти ва тамойиллари.	87
4.2. Моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилашдаги самарадорлик.	91
4.3. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳажмини белгиловчи омиллар.	96

4.4.	Моддий ресурсларнинг зарурий турларини сарфлашни меъёrlаштириш.	103
4.5.	Моддий ресурслар сарф меъёрининг ишлаб чиқариш воситалари тежалишига таъсири.	106

V БОБ. РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИГИДА ТАРМОҚЛАРАРО, ТАРМОҚ ВА МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР

5.1.	Ёқилғи тежалишининг энергетика ресурси сарфига таъсири.	112
5.2.	Турли ресурслардан оқилона фойдаланиш. Ёқилғи ва энергетика ресурслари.	115
5.3.	Қишлоқ хўжалик тармоқларида ресурстежамкорлик ва унинг иқтисоди.	119

VI БОБ. КОМПОЗИЦИОН ВА ИККИЛАМЧИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

6.1.	Иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш.	126
6.2.	Боғдорчиликда иккиламчи хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш.	132
6.3.	Техник мойларни қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлиги.	134
Хулоса.	139
Адабиёт.	142

**С. С. САИДМУРАТОВ, Н. М. МАҲМУДОВ,
Қ. Н. АБИРҚУЛОВ, Қ. А. ДАДАБОЕВ**

РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК

Тошкент—«Молия»—2002

Муҳаррир
Техник муҳаррир
Компьютерда
саҳифаловчи

З. Т. Тоҳиров
А. Мойдинов
Л. Ф. Ибрагимов

Босишига рухсат этилди 17.12.2002 й. Бичими 60x84^{1/16}.
«Times UZ» ҳарфига терилиди. Босма табоги 9,25.
Нашриёт ҳисоб табоги 8,78 Адади 1000. Буюргма №90
Баҳоси шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент. Я. Колас кўчаси 16-йй.
Шартнома №39-02

Fan va texnologiyalar markazining bosma honasida чоп этилди.
Тошкент ш. Олмазор, 171 уй.